

**ОЛЛОНаЗАР УЛУФОВ**



**ПАҲЛАВОН ДАВЛА**

**(қисса)**

**МАЖБУРИЙ НУСХА**

**«ISTIQLOL»**  
*Тошкент – 2013*

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7 - *У.С. агаб.*

У 87

84(5Ў)7  
У 87


Улугов, Оллоназар.

Паҳлавон Давла: қисса / О.Улугов. — Тошкент: Istiqlol,  
2013. — 80 б.

Адиб узоқ изланишлари натижаси ўлароқ, Сурхондарёда яшаб ўтган, эл фарзанди Давлаполвон (Давлат полвон) ҳақидаги «Паҳлавон Давла» қиссаси дунёга келди.

Миллий истиқлол тантанаси туфайли ўтмишимизни билишга, ўрганишга эришмоқдамиз. Ана шундай пайтда шу асарнинг ёзилиши қувонарлидир.

Ўйлаймизки, бу қиссада баён этилган воқеалар ўқувчилар оммасини бефарқ қолдирмайди.



ISBN 978-9943-308-83-1

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Ю 42309  
2

© «Istiqlol nashriyoti», 2013

## БЎРОНПОЛВОН УЙИГА ҚАЙТДИ

Эрта баҳор. Эндигина ниш ураётган ўт-ўланларнинг қулоғини шамол юлқилайди. Самода бир тўда қора булут уёқдан, бу ёққа кезади. Юзига теккан совуқ ёмғир томчисидан сергакланган Бўронполвон йўрғасини қистаброқ ҳайдади. Икки довон ошгач, Хўжамулкининг қораси кўринди. Яна бир оздан сўнг эса, итларнинг калта-калта ҳуруши қулоққа чалинди...

Тирикчилик учун ҳафта бурун уйдан чиққан Бўронполвон беш-олти кўпкарида улоқ айирди-да, олган зотларини яқинларига бўлиштириб, ярим хуржун буғдой топиб қишлоғига бир амаллаб қайтди.

Ҳафтадан бери йўлга кўз тика бериб, тоқати тоқ бўлган Ойимсулув дилтанг эди. Қоронғида от кишнашини эшитиб қолса, ўзида йўқ севинар, бошқа киши эканлигини билгач, яна бир хўрсиниб, маъюсланади.

Бу галги кишнаган от унинг қулоғига таниш эди. Эрининг келаётганини сезиб, бу гал атайлаб, ўзини пайқаманганга олди. Аёлларга хос назокат билан гўё аразлаган бўлди. Гарчи бу арази сохталиги, юз-кўзларидан очиқ қувонч аломатлари зуҳур бўлиб турган бўлса-да, бундан икки кун илгарини тунда кўрган, тушидан ҳали ҳам дилда гашлик аломати йўқ эмас эди. Ўша тундан буён на уйқусида, на юриш-туришида ҳаловат бор.

Ўтов ёнида узала тушиб ётган бўйноқ, одан тап этиб ерга тушган эгасига суйкалиб эркаланган бўлди. Думини ликиллашиб, тилини осилтирди.

Бўронполвон қамчиси билан этиги қўнжига бир-икки тарс-турс урди. Гўё чанг қоққан бўлгани билан, бу ерда «биз келдик» деган ишора бор эди.

Ичкаридан ёпинчиғини қимтиниб ёпинганча Ойимсулув кўринди. Унинг юзидаги алланечук синиқликни сезган полвон гап қотди.

— Тинч ўтирибсанми? Нима гап?!.

Ойимсулув гапириш ўрнига сохта аразлашни давом эттириб, гина аралаш бир қараб олди холос.

Бўронполвон хуржунини ўтовнинг бир чеккасига қўйиб, кўрпачага чўккалагач яна ҳол сўради:

— Аҳволинг қалай?

Ойимсулув қаллиғига юзланди.

— Бундоқ бир ўзи қандай ўтирибди деб ақалли ўйлаб ҳам кўрмайсиз-а?! Бир сиқим бугдой деб ҳафта йўқолиб кетганингиз нимаси?!

Бўронполвон босиқлик қилди. Толиққанидан ёнбош ташлади.

Ойимсулув анча-мунча гинахонлик қила-қила ўчоққа ўт қалади. Бўронполвон аччиқ-аччиқ иссиқ чой ҳўплагач, чарчоғи босилгандек бўлди.

Орадан уч йил ўтибдики, Бўронполвон билан бир ёстиққа бош қўйган Ойимсулув боши қоронғи бўлгани йўқ. Турмуши тотув бўлишига қарамай, Бўронполвон ҳали курашга кетади, ҳали қараса кўпкари... Ана шундай кезлар овунчоғи бўлмаганидан хотини зерикади. Кенг уйга сизмайди, тарс ёрилай, дейди.

Бўронполвоннинг бу галги кетишида Ойимсулув ажабтовур туш кўрди. Тушида умри бино бўлиб кўрмаган йўлбарс билан бирга бўлганмиш... Сапчиб уйвонди-да, ён-верига аланглади. Ёлғиз ётганидан юраги тарс ёрилай деди. Тонгни кўзи билан оттирди. Тушдаги воқеани эридан ўзгага айтишни уят билди. Мана бугун пинакка кетаётган Бўронполвонга тушидаги воқеани ийманибгина баён қилди. Аввалига эри бунга ҳазилга йўйди.

— Ўзи чиндан ҳам ўнгингда йўлбарс билан ҳалигидай... ўйнашганинг йўқми? Ойимча?!

Бу гапни полвон айтишга айтди-да, лекин гапидан ўзи ғалати бўлиб кетди. У хотинига далда беришга киришди.

— Ҳа, бу тушингни мен таҳлил қилдим: Сен худо хоҳдаса, йўлбарсдек ўғил кўрасан! Бу шундан нишона. Энди билдингми, Ойимча?!

Иккаласи бир-бирига юзланиб жилмайишди.

— Кўйинг-э, одамни хурсанд қилманг! Сиз қаердан била қолдингиз?

— Мана, айтганим бўлмаса, мени нима десанг деябергин!

Улар алламаҳалгача гурунг қилиб, вақт ярим тундан ошганда тўшакка чўзилишди. Лекин Ойимсулувнинг дили нимадандир ғаш эди. Кўз ўнгида ўша тушида кўрган йўлбарс кетмаганидан, ҳадеганда кўзига уйқу келмади.

## ОЙИМСУЛУВ ЎҒИЛ КЎРДИ

Нима бўлди-ю, бир кун Ойимсулувнинг юраги беҳузур бўлиб, кўнгли нордон тусагандек бўлди. Буни аста эрига билдирди.

Кўнгли кетган нарса — ғўра довуччами ё олмами, хуллас полвон тушунди.

Бўронполвон шу заҳот қўшни қишлоқдаги боғдан бир ҳовуч довучча топиб келтирди. У учиб бордими ёки секин бордими, ҳар ҳолда отни қора тер босганди.

Узун кун туз татимаган Ойимсулув довуччадан кўнгли тўлди. Бехузурлик бироз босилиб, қобоғи очилгандек бўлди.

Хотини икки қатлигидан хабардор Бўронполвон ўзида йўқ севинди. У энди одинги юришини ташлади. Бирор ёққа юрса ҳам ўша куннинг ўзида қайтадиган одат чиқарди.

«Тушида йўлбарс билан кўшилдим» деган хотинининг гапидан кўнгли аллақаяққа қочди. Содда дилига алланималар келди. Ишонқирамади. Бир кун чиндан ҳам бу уйда йўлбарс боласи туғилиб қолса, нима деган одам бўламан, деган ўйга ҳам борди. Яна ўзини юпатди. Йўлбарсга бало борми! Йўлбарс туғилиб ўлибдими! Бу ахир одам боласи бўлса?!

— Нималар деб ўзингиз билан ўзингиз гурунг қиласиз? — бир куни Ойимсулув сўраб қолди. Ё чиндан ҳам йўлбарс билан ўйнашди, деган ўйга бораяспизми?

Ярим ҳазил, ярим гина қилиб сўради у.

Бўронполвон бу гал ошкора ғудранганидан ўзи уялиб, ўзини ноқулай сезди.

— Э, йўғ-э! Нималар деяпсан? Туғилажак фарзандимиз ўғилми ёки қизми деган хаёлга бораман. Улар бараварига кулишди. Кеч куз эди. Ойимсулув оқшом пайти биқинида жиз этган оғриқ пайдо бўлганини, бу оғриқ ҳа деганда босилиш ўрнига зўрайётганини полвонга билдирди. Бўронполвон ҳайрон эди. Бундан оддин бошидан ўтказмаганидан фарзанд туғилиши олдидан тўлғоқ дардини қаердан ҳам билсин?!

Устига-устак бу уйда қария ҳам йўқ. У қўшни кампирниқига югурди. Кампирни уйга бошлаб келганида Ойимсулув ерда безовта ағнарди.

Кампир бир сиқим пахтани олиб у ёқдан-бу ёққа зир югурди. Дояликка тутинди. Ойимсулувнинг бошини тиззасига олди. Манглайини силади. Бўронполвонга уйдан жилмасликни тайинлади.

Кампир Ойимсулувни кўрпа устига чалқанча ётқизиб, бир-икки бешик тебратгандек ағнатди. Бу тадбир гўё фарзанд туғилишини тезлаштирармиш...

Бўронполвон ташқарига чиқиб милтиқдан ўқ узди. Қишлоқ итларининг бири олиб, бири ҳуруши тинмай, ичкарида чақалоқ ингаси ҳам эшитилди. Хонадонда ўғил фарзанд дунёга келди. Анчадан бери ўзини қаерга қўйишини билмай каловланиб турган Бўронполвон севинди. Учоққа ўт қалаб қумғон қайнатди. Қўшни кампир бугдой ундан атала гайёрлашга уннади. Полвон уч йилдан буён амалга ошмаган орзуси ушалганидан ўзида йўқ севинчда эди. Эру-хотин орзиқиб кутган қувончли кун етиб келган эди.

Қўшни кампир туғилган бола учун Бўронполвондан суюнчи олдида ичкарига таклиф қилди.

Пешонаси кенг, бир қучоқ эт — бу чақалоқ қўшни кампирнинг ҳам диққатини ўзига тортди. Чунки бундан олдин неча бор бу кампир доялик қилиб, бунақа бўлимли чақалоқни умрида учратмаган эди.

У ички ҳаяжонини босолмай, «насиб бўлса худди йўлбарскелбат йигит бўлади» деб қўшиб қўйди. Айниқса, ҳар нарсадан ҳадиксирай-диган Бўронполвон кампирнинг кўзи тегмадимикан, деган ўйга ҳам борди.

Қўшни кампир наридани бери у ёқ-бу ёқни йиғиштириб, уйига равона бўлди. Бу пайтда энди тоғ ортидан оппоқ тонг отиб, олам нурга чайилиш арафасида эди...

## БЕШИК ТҶИДАГИ КЎПКАРИ

Орадан ҳафта ўтиб, «Бўронполвон ўғил кўрганмиш. Ҳалитдан чақалоқ бўлса ҳам, бир яшар болани эслатармиш»..., деган гап тарқалди.

Бу гапларни қўшни кампир қишлоққа тарқатгани ҳеч кимга сир эмасди.

Бўронполвон чақалоққа исми қўйдириш учун қишлоғининг оқсоқоли Мулла Ҳайдарга борди. Мулла Ҳайдар болани қўлига олиб бир-икки тикилди. Қачон тувилганини сўраб суриштирди. Беш-олти калима ўқиб, боланинг юзига «куфф-суфф» қилди. Гапни узоқдан олди.

— Давлатнинг эрта-кечи бўлмайди, фарзанднинг ҳам шундай! Фарзанд асл давлат демак! Омин олло-таоло умри билан берган бўлсин! Отанинг белига қувват, онанинг кўнглига қувонч, икковинга ҳам яхши-ёмон кунингда ярайдиган бўлсин! Ўз оти ўзи билан бу болақайнинг оти Давлат бўлсин, дея Мулла юзига фотиҳа суртди. Бўронполвон ўзида йўқ севиниб кетди. Бу орада Ойимсулув ҳам дармонга кириб, болага қарайдиган бўлди. Айниқса, Давлатни бешикка солиш маросими зўр шодиёнага айланди. Бўронполвон бир пешинда қўша-қўша мол сўйиб, элга ош берди. Чавандозлар «ҳай-ҳай»лашиб кўпкари чопишди. Бешик тўйда бир кун кўпкари берган хонадон суннат тўйда ҳеч нарсани аямайди, — деган ўйга боришди.

Кўпкаридан соврин олган чавандозлар Бўронполвонга миннатдорчилик билдиришди. Яна ҳам қўша-қўша ўғил бераверсин, дея дуо қилишди.

Йирилган халойиқ элнинг удумини қилди, элнинг гапини ерда қолдирмай олқишлар ёғдиришди. Чунки бирор киши бундан илгари бешик тўйда кўпкари бериб кўрмаганди-да! Ойимсулув чақалоққа кўкрак бераркан, Давлатнинг тимқора сочларини бармоқлари орасига олиб силади. Чақалоқнинг ўйноқи кўзларига, дўнг пешонасига узоқ термулиб лаблари пичирлади...

— Илоё бошинг тошдан бўлсин, болам! Отанга чиңдан ҳам давлат бўл! Номинг етти оламга кетсин, болам...

Шу гаплар билан бўлиб ташқарида от дуппирини ҳам сезмай қолди. Чақалоқ туғилганига қирқ кун тўлгани муносабати билан полвон бозор-ўчар қилиб келганди.

Шу оқшом ҳам хонадон меҳмонлар билан тўлди. Ёш-яланглар бу ерга дўмбира куйини тинглашга, айримлари бахшилардан шўх терма достон эшитишга келишган эди.

Ўтов тўрида қўшни овулдан келган чўққи соқол юзбоши авж билан терма-достон куйларди. Даврада ўтирганлар бир маромда бошини чайқашарди. Ўтовга сиғишмаган хотин-халаж тирқишдан мўралар, айримлари бошини эшиқдан ичкарига тиқишиб турарди.

Бир пайт ҳамма бараварига «энди навбат Бўронполвонга, энди навбат полвонга» дейишди. Чунки Бўронполвоннинг ҳам дурустгина дўмбира чертиб, терма айтишини ҳамма билишарди.

Бўронполвон қозикдаги дўмбирани филофидан чиқарди. Уни чертишга шайлаб, бир икки чертиб, турдида, бирданига авжига олиб кетди.

*Бизнинг уйга хуш келибсиз, жўралар,  
Ёмғир ёрса, ўт бўлади ўралар.  
Бугун бизга ул берибди худойим-ей,  
Қўйлар тувиб, қўйга тўлсин қўралар!  
Бир вақтлар бир тирноққа зор эдик  
Эсингизда бўлса керак тўралар?...*

Бўронполвон кўзини очганда, бутун йиғилганлар йиғлаётганди. Улар қўшиқдан таъсирланишиб, полвон ва ёрининг узоқ ўтган давр азоб-уқубатларини ҳис этишаётган эди.

Бўронполвон термасини тугатиши билан ҳар томондан олқишлар ёғилиб кетди. Бешик устидан ҳовуч-ҳовуч танга сочилди. Давлатнинг келажагига умидбахш гаплар айтилди.

Меҳмонлар уй-уйига тарқашганида осмон юлдузларга тўлиб, яримта ой баландда қалқирди...

## ЙЎЛБАРС КЕЛДИ...

Нима бўлди-ю, қўшни овулда катта кўпқари бўлиб, Бўронполвон ҳам жўраларининг қистови билан тўйга борадиган бўлди. «Ҳаялламай, тез қайтинг», дея хотини Ойимсулувнинг зор қақшашига қарамасдан барибир гапининг устидан чиқолмади. Чунки ўша тўйда катта кураш ҳам борлиги уйга қайтишига ҳалал берди. Эндигина юра бошлаган Давлат пишиллаб ухларди. Ўтовнинг ичини зўрға ёритадиган

мойчиروق лип-лип ёнади. Ташқарида қишнинг совуқ шабадаси майин эсади. Атроф сукунатини овулдаги итларнинг қисқа ҳуруши бўлиб туради. Одамнинг хаёлини олиб қочувчи шундай дамларда аллақачон унут бўлаёзган бир воқеани ёдига туширади. Ойимсулувнинг кўз ўнгиде бир пайтлар тушида кўрган сарғиш-торғил йўлбарс жонлангандек бўлди. Вужудини қўрқув босиб, юраги алланечук ҳапқирди. Ўрнидан даст туриб, мойчиروق пилигини баланд қилди. Ташқарида совуқ шабада ўрнини кучсиз шамол эгаллади. Бўйноқ ит вовиллаб бир нарсага тармашди. Ойимсулувнинг қулоғига итники сингари, лекин ундан юз чандон ўктамроқ ириллаш чалинди.

«Чиндан ҳам ўша йўлбарс бўлса-я?!» — унинг хаёлидан ўтди. Вужудини совуқ тер босди. Ит ҳурган тарафга секин ўтов тирқишидан мўралади. Итдан сал узоқроқда бир нарса бир-бир босиб изига қайтиб кетарди. Узоқроқ бўлганидан рангини илғай олмади. Балки кўшни овулларнинг биридан келган битта-яримта ипини узган отдир-эшақдир, деб қўяқолди. Барибир кўзи илинмади. Энтикиб уйғонган Давлатга кўкрак берди. У очилиб, икки қўлчаси билан маҳкам тутиб сийнани сўрғиларди. Кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмиб, сийна сutiдан роҳат оларди...

Кўзларига уйқу илинмаган Ойимсулув ташқарига чиққанда, Боботот тарафдан оппоқ тонг отиб келарди. Уйқу тўла кўзларини уқалаб, юзини офтобдаги муздек сувда чайди. Тунда кўзига кўринган ўша махлуқ кетган тарафга ҳадик аралаш қараб қўйди-да, ишига уннаб кетди.

## ДАВЛАТ АРАЗЛАДИ

Тенгқурлари билан чиллик-ошиқ ўйнашиб, гоҳида уларга зўригини ўтказиб, онажонлатиб, йиғлатиб юрган ўғли Давлатни кўриб, Бўрончавандоз ўзича севинар, ўғлининг узун-узун бармоқларига қараб ўзича чавандоз бўлармикан, ё полвон бўлармикан деб қўярди. Ҳарқалай, ҳақини едирмайдиган ўғлон бўлишига ишончи комил эди.

Бегоналар энди ўн яшар Давлатни кўриб, бу ҳойнаҳой ўн беш, ўн олти ёшларда-ёв, деб қўярди. Давлатнинг кундан-кун ғайрати ошар, текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди. Бўйи чўзилиб, елкалари кенгайиб, билагидан ғайри-табiiй куч-қувват пайдо бўлаётгани шундоқ кўзга ташланиб турарди.

Қариялар ўзича каромат қилишар: «Зотида полвони борда», дейишса, кўпқари уругида чавандоз кўпда, деб қўйишарди. Айримлар эса «отасига тортганда», деб қўярди...

Отасининг саман тўриғини сувлаш баҳона Давлат унга ирғиб миниб олди. Узангига оёғини тираб, сувлиқни чайнатиб отнинг ёлига ёпишиб, жиловини маҳкам тутиб, қамчи босди.



Буни кўрганлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Чунки шу вақтгача ҳеч бир бола бундай тарзда от минмаган эди...

Яна бир сафар қўшни овулдан қайтаётганда унга жуда баҳайбат ит тармашиб кетди. Давлат ундан қочиб-писиб ўтирмади. Тўпаш-тўрри итнинг устига бостириб борди. У иккиланмай бўрибосарнинг икки орқа оёғидан қўшша қилиб ушлаб сойнинг пастига улоқтирди. Бўрибосар боши билан сойликда шарқираб оқётган сувга келиб тушди. Бу воеани эшитганлар бу ишни шу бола қилганига ишонқирашмади. Лекин итни улоқтиришни афсус шу бола эплаганди.

Бундай ҳолат бу қишлоқда бир-икки такрорлангач, ёшлар тугул катталар ҳам Давлатга «Бас келолмаймиз» дейишиб, чилик-ошиқ ўйинидан қочадиган, ҳеч бўлмаса бўйин товлайдиган одат чиқаришди.

Чунки Давлатнинг ёшида ҳеч бир кимса бунақанги гайри-табиий ишларни шу пайтгача қилмагани айти ҳақиқат эди.

Бир кун чиллик ўйини маҳал жигига теккан болаларни Давлат қаторлаштириб дўппослади. Оқшом пайти бурунлари қонашиб борган ўғилларини кўришган ота-оналар Бўронполвон ўғлининг бу ишидан норози бўлишди. Айтиқса, манглайлари қашқа-ғурра бўлишган болаларнинг ота-оналари:

— Бўронполвоннинг боласи бола бўлмади, бу бир бало бўлди, — дейишиб зорланишди. Ҳатто Бўрончавандознинг уйига келишдан ҳам тойишмади. Аввалига чавандоз «Бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин» дея, ҳазилга йўйди. Бу ҳолат бир-икки такрорлангач, чидаб туролмади. Оқшом пайти Давлатнинг сонига хивич билан савалади.

Давлат кўрқоқ болаларни дўппосласа ҳам майли эди, бироқ эшак минган кишини эшакдан тушириб, эшагини бир қўлда кўтариб ерга қўйди. Яна бирида бировнинг икки яшар хўкизининг бўйинини қайириб, ўлишига сал қолди. Бундай ўзбошимчаликлар чавандозни жонига тўйдирганди.

Ўғлини уришга урдику-я, лекин ишига пушаймон бўлди. Чунки ўғил ўстириб чертиб кўрмаган отага бу ҳолат таъсир қилди.

Хивич зарбидан Давлат аразлаб қаёққадир гойиб бўлди. Оқшом пайти ҳам она ўғлининг йўлига термулиб ўтирди. Уйдан икки тепалик нарига қочиб ўтган Давлат осмонга чиқдими ёки ерга кирдими ҳеч бир кишининг хабари бўлмади.

Она кўзларига зўр берди. Бўронполвоннинг ҳам таъби хира тортиди. Саман тўриқни миниб тепалик ортини қидириб ҳам чиқди. Атрофга овоз бериб чақирди. атроф жимжит эди. Аммо Давлатдан хабар йўқ эди.

Ойимсулув туни билан мижжа ҳоқмади. Кўзларини ўғли кетган тарафга тикиб, унинг қайтишини пойлаб ўтириб чиқди. Эрини койи-

ди. Қайта-қайта кўз ёши тўқди. Ўзи ҳам бир-икки атрофни айланиб келди.

— Бир мартага кечира қолмадингиз! Бугун уришса, эртага ярашиб кетишарди-ку, — дея зорланарди Ойимсулов.

## ДАВЛАТНИНГ ХИЗРГА ЙЎЛИҚИШИ

Отасидан калтак егани Давлатга алам қилганидан у аразлаб бир томони адирлик тарафга қочган эди. Аслида у томонга юрмоқчи эмас эди. Сайхонликда отасининг бир чўпон ошнаси яшашлиги ёдига тушди. У қанча йўл босганини билмади. Лекин оёқлари увишиб, толиқиш сезди. Атрофга қоронғилик кўланкаси ёйилаётган маҳалда теланинг энг баланд жойига чиқди. Атрофни кузатди. Узоқлардан от кишнагани-ю, итларнинг ҳурушигина эшитиларди, холос. «Демак, уйимиз йироқда қолибди. Бекор қипман. Ҳали ҳам қайтиб борсаммикин. Ҳаммадан ҳам энам аларга бўлади-да!...» — хаёлидан ўтказди. Давлат эндигина қуёш тафтидан қовжирай бошлаган ўтлар устига чўккалади. Оёқлари ачишиб, сонининг эти увишди. Онадан бино бўлиб бу даражада йўл босмаганини эслолмади. У чалқанча ётди. Қорни очганига қарамай, шу ерда тунаб қолишни ният қилди. Чунки ҳали бери отасининг чўпон ошнасиникини тополмаслигига кўзи етганди.

У чалқанча ётган кўйи хаёл сура бошлади. Бироқ уйқу ҳамма нарсадан устун келганди. Аъзойи-баданида толиқиш ҳукмрон эди. Кўзи илиниши билан босинқиради. Туш кўрди. Атрофда йўлбарслар галаси юрганмиш. Улардан бири унга ҳамла қилиш учун юра бошлаганда, қаердандир онаси Ойимсулов пайдо бўлиб, икки қўлини кўтариб олдини тўсганмиш:

«Қўй, болам! Бу шаштингдан қайт! Агар ўлдирсанг, абадул-абад отангнинг қарғишига учрайсан!».. деярмиш.

Шу пайт кимдир Давлатнинг елкасидан оҳиста туртгандек бўлди. Кўзини очса, оппоқ соқолли бир нуроний шундоқ ёнида кулиб турарди, «Туринг ўғлим! Бемаҳалда бу ерда ёлғиз ётманг! Уйингизга қайтинг! Ота-онани овринтирманг, айтиб қўйинг отангиз улоқчи отнинг бўғзига тиг урмасин...»

Давлат кўзларини каттароқ очиб, оппоқ соқолли чолга тикилиб қарамоқчи бўлди. Лекин ҳеч нарса кўринмади. Унинг кўзидан батамом уйқу қочди. Шу пайтгача Хизрбобо деб эшитгану, лекин дуч бўлмаган эди. Шунинг учун ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа гўё тушининг худди давомидек туюлди.

Тоғ орти оқариб, тонг бўзариб келмоқда эди. Этни жунжиктирувчи муздек шамол қўзғалиб, Давлат хиёл эти увушгандек бўлди. Вужу-дида алақандай оғриқ туйди.

Ўрнидан турди-да келган тарафга қараб илдам юриб кетди. Тушида кўрган йўлбарс ҳамласи-ю, ўнгидами ёки тушидами кўксига соқоли тушиб турган ҳалиги чолни эслашга уриңди. Туни билан алаҳсиб чиқиб уйқусидан ҳаловат бўлмаганиданми ё бошқа сабаб, барибир тушидаги воқеани тиклолмади.

Бўронполвон тўриқни елдириб, сойма-сой ўғлини ахтариб юрганида тўсатдан унга дуч келди.

— Кел болам! Энди бошқа урмайман. Уйга юргин, энанг шўрлик йиғлайвериб, адои тамом бўлди-ку?!

Давлат бошини эғди.

— Кечиринг ота. Мен ҳам энди бошқа ҳеч кимга тегмайман, урмайман?!

Ота-бола бир-бирларини бағрига босишди. Кейин отга мингашиб уйга қайтишди.

Она ўғлини кўриши билан кўз ёшини тия олмади.

— Оҳ, болам! Сени шу умидда худодан тилаб олибмидим... Ахир бундайда мени адои-тамом қиласан-ку?!

Давлат бошини ҳам қилиб онасининг кўксига қўйди.

— Тавба қилдим, энажон! Бошқа сизни хафа қилмайман...

Шу оқшом Ойимсулувга ҳам, Бўронполвонга ҳам еган-ичгани татиғандай бўлди.

## **БЎРОНЧАВАНДОЗ УЛОҚЧИ ОТНИНГ БЎҒЗИГА ПИЧОҚ УРДИ**

Кўшни қишлоқдаги катта кўпқарига от ҳозирлаётган чавандоз ўғли топилганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

Давлат тушидами ё ўнгидами, аниқ эслолмаган ўша оппоқ соқол чол тайин қилган гап ёдига тушиб, ўрнидан даст туриб отаси томон юрди.

— Отажон, — дея от жilовига ёпишди, мабода бирор жойда от сўя кўрманг!

Чавандоз ҳайрон бўлди. Бир кечада бу болага нима бўлди экан?! Ё жин-пин чадмикан-а?! — хаёлидан ўтказди.

— Бор болам! Мен от қассоби эмасманку?! Унинг устига от сўйишга эмас, кўпқарига кетаяпман.

Чавандоз от сағрисига енгил қамчи босди. Тезда тўйга жўнаётган чавандозлар тўдасига келиб қўшилди. Лекин ўғли Давлатнинг гапини ҳали ҳазм қилолмаган эди. Ўйлаб бош қотирди.

Лекин унинг тутқич бермас хаёлларига сойда тутунсимон чанг кўтарилиб чопишаётган кўпқари ҳалал берди. Кўпқари қизигандан-қизиди. Бўрончавандоз ҳадемай уст-устига бир-икки зот айирди. Барчанинг диққатини тортди. Соврин устига соврин, қўша-қўша қўй-эчки чавандозга тегишли бўлди.

Бири улоқ талашиб бораётган Бузрук эшоннинг оти устидаги чавандози билан ерга йиқилиб, отнинг бўйни қайрилиб тушди. Кўпкарида бошқаларга улоқ бермай устма-уст соврин олгач, тўриқ оғзидан кўпик сочиб хирилларди. Агар Бўрончавандоз отдан сакраб тушиб аввал чавандозга, кейин отга қарашмаганида, билмадик у ёғи нима бўларди. Бу ҳолнинг устига ҳаллослаб етиб келган Бузрук эшон Бўрончавандозга юзланди.

— Чавандоз, қирғиликни қилиб қўйиб, қараб турганингиз нима-си?! Ҳаром ўлдирмай, дарҳол чалиб ташланг энди!

Бўрончавандоз бир пас иккиланди. Чалай деса, ўғли айтган гап ёдига келади, чалмай деса эшоннинг олдига ўзини гуноҳкор ҳис қилди. Таваккал деб отнинг бўғзига пичоқ тортди. Лекин улоқчи отнинг кўзини боғлаш ҳеч кимнинг ўйига келмади. Қолаверса, барча улоқчи отлар кўз ўнгида отнинг бўғзига пичоқ қўйиб, қўли қонга ботиш — катта гуноҳи азим эканлиги шу тобда хаёлга келмади.

Олган совринлар татимай, чавандоз кўпкаридан хомуш қайтди. Отни қозиққа иларкан, ўғли Давлатга кўзи тушди. У отасига маънодор қараб турарди.

— Болам, энди бу ёғи нима бўлади?! Мен бир гуноҳ иш қилиб қўйдим... Бузрук эшоннинг гапидан ўтолмай, бўйни қайрилиб, ҳаром ўлаётган отини... Сенга бу гапни ким айтган эди?

Чавандоз олдига қўйган таомга ҳам қарамай, кўрпага чўзилди. Кўзларини юмди, кўз ўнгида ҳалиги от ёлларини ёйиб чопқилаб келарди. Чавандоз кўзларини очди. Вужудини тер босди. Ойимсулув эса бош тарафига келиб, эрининг маржон-маржон тер босган пешонасини аста артди.

— Бир кўпкаридан қолсангиз, эчкингиз қисир қолармиди?! Ойимсулув ўлиб қоласизми? — демоқчи эди, лекин истиҳола қилди. Шу кеча чавандозга тун ўтмас туюлди. Кўзини юмди ўша от, кўзларидан, оғзидан ўт сачратиб кўз ўнгида ўта берди. Қолган кунлар ҳам на ётишда, на туришда ҳаловати бўлди.

Эски одат бўйича ҳамма ирим-сиримни қилди. Муллага ўқитди, фолбинга югурди... Ахири от эгаси Бузрукхонга йиқилди. Чавандоз шундагина ўзига сал келгандек бўлди. Вақтинча кўпкарига ҳам бормайдиган бўлди. Бироқ чидаб туrolмади. Шундоқ ўз кишлоғида бўлаётган кўпкарига боргиси кела берди. Ниҳоят борди ҳам...

## ЧАВАНДОЗНИНГ ЎЛИМИ

Тўйхонага ҳар томондан улоқчи отлар йиғилган. Дид билан зеб бериб тўқилган эгар-жабдуқлар билан ясатилган тўриқ, чил, жийрон дунан-у фунанлар қозиви атрофида гир айланиб, ер тепинарди. Улар

кўпқари бошланишини интизор кутиб, бетиним кишнайди. Бўронча-чавандознинг тўригини кўриши билан йиғилган отлар бараварига кишнаб юборди. Улар олдинги оёқлари билан ер тирнашиб, кўзларини олайтиришиб қолишди. Бироқ бундан илгари Бузрук эшоннинг оти бўғзига тий тортган Бўронполвонни улар танишиб, шу кўйга тушаётганини ҳеч ким сезишмади. Улоқчи олар бир-бирларини, қолаверса, чавандозларни ҳам яхши танишади. Шунинг учун отларни сўйиш олдидан, бошқа отларни кўздан панароқ жойларга олиш керак. Бўлмас, кўпқари пайтида отнинг бўғзига тий тортган кимсани талаб ўлдирган пайтлари кўп бўлган.

Отларнинг бетиним ер тирнашиб, кишнашида кўнгли қочган Бўрончавандоз «уйга қайтиб кетсаммикан» деган ўйга ҳам борди. Лекин бошқа чавандозлар олдида сир бой бергиси келмади. Нима бўлса бўлди, дея кўпқарига от солди. Ўртага ташланган улоққа ҳар тарафдан чавандозлар ёпирилиб келишди.

Бўрончавандоз таваккалига биринчилардан бўлиб улоққа ёпишди. Орқадан келган тўриқ билан чил от оғзидан кўпик сачратиб чавандознинг елкасига оғиз солди. От устидаги чавандозлар отларининг бошига қамчи босиб қайтаришга уринар, бошқа отлар ҳам ҳар тарафдан чавандозга ёпишарди. Бу ҳол кўп давом этмади. Башараси қонга беланган Бўрончавандоз қон сизаётган аъзои-баданини ҳовучлаб отдан ерга ағнади. Отлар бирин-кетин тепишиб кетишди. Бу ҳолдан ҳамма ҳайрон. От жоловини бошқа тарафга буришга ҳаракат қилганлар ҳаракати ҳам зое кетди. Отлар эгаларига бўйсинишмади.

Бу ҳолдан бутун халойиқ ҳайрон. Отдан ағнаган чавандозга барча ёрдамга ошиқишар, лекин улар отлар ҳамласидан қўрқишарди. Кўпқари баковули отдан хиёл кўтарилиб, от устида ҳайқирди.

— Халойиқ! Бу қандай сиру синоат?! Бу нимаси?! Чавандозни отлардан ажратиб олайлик! Тезроқ бўлинглар!

Бўрончавандозни бир четга олишди. Энди отлар ҳамласи тинган. Чавандоз эса зўрға кўзини очиб, бетиним ҳансирарди. Аъзои-бадани оғриқнинг зўридан қақшар. Зўрға тамшанарди.

— Сув беринглар? Сув! — чавандознинг тили зўрға айланди. Кимдир мешдан муздек сув олиб чавандознинг лабларига олиб борди. Чавандоз бир-икки қултум ютган бўлди. Кўзлари юмилди. Чавандозни дўсти Тоғаймурод бағрига босди.

— Эй, халойиқ! Бунини тезда уйга олиб бориш керакка ўхшайди. Нега қараб турибсизлар-а?! Тезроқ бўлинглар! Тезроқ!

Бўрончавандозни уйига олиб келишганда ўғли билан хотини уввос солиб юборишди.

— Вой ўлмасам! Соппа-соғ кетган одамга нима бўлди?! Ё отдан йиқилдимми?..

Давлат отасига гирди-капалак бўлиб, ўзини қаёққа уришини билмас, аммо отни сўйганидан хабари бор эди. Нега кўпқарига боради? — деб ўзича куйинар, гоҳ ўтовдан ташқарига чиқар, гоҳ ичкарига кирарди.

Чавандоз бир-икки кўзини катта-катта очди-да, ўғли билан хотинига бир пас термулди. Бу ҳолат кўп давом этмади. Сўнгра кўзларини юмиб, оғир хўрсинди. Лаблари бир-икки тамшаниб жим бўлиб қолди. У бандаликни бажо келтирган эди...

Уввос солишган ўғли билан онанинг овозига бутун қишлоқ аҳлининг овози қоришиб кетди. Айниқса, ўғлининг никоҳ тўйини кўрмай бевақт кетаётганидан чавандознинг хотини Ойимсулув ўзини ҳар ёнга урди. Юзини тимдалаб, сочини ёйди. Ёқасини йиртди.

Барибир, чавандоз қайтиб турмади.

## ДАВЛАТНИНГ ЙЎЛБАРСГА ДУЧ КЕЛИШИ

Бир кун Давлат отасининг ўлимидан сўнг бобоси олиб кетган тўриқларини кўргиси, отни қайириб олиб келгиси келиб, чавандоз бобоси Тоғаймуродникига жўнади.

— Шундай қилиб тўриқни олиб кетишга келдим, де ҳали? — деди Давлатга Тоғаймурод чавандоз ясама кулги аралаш.

Давлат ерга қараб бош ирғади.

— Агар хўб десанг от тура турсин? Онанг тузалиб қолса, олиб борарсан. Уқдингми? Яқинда катта кўпқари бор. Отни шунга совутиб шайлаб турибман.

Давлат кеч кирганда бошини хам қилиб уйга қайтди. Отни чавандознинг ҳали бергиси йўқлигини сезиб, ич-ичидан сал хафа бўлди. Онам тузалгач, албатта олиб келаман, дея ўзини юпатди.

Атрофга қоронғулик чўккан. Ҳали уйгача икки-уч тепалик бор эди. Қадамини тезлатди. Бироз юргач, қаршисидан бир нарса секин-аста келаётганини пайқади. Ит деса, итдан савлатлироқ. Эшак деса, эшакдан пастроқ махлуқ. Орада бошидан анча воқеалар ўтиб, тушида кўрган йўлбарсни унутаёзган эди. Қаршисидан чиққан бу махлуқ ўша йўлбарслигини хаёлига ҳам келтирмади. «Ирр-р» деган овоз келди. Давлат таққа тўхтади У белига қўйиб келаётган калтагини қўлига олди. Енгини шимарди. Тўнининг икки ўнгирини белбоғига қайтарди. Ҳар икки томон ҳам бир-бирига бир қадам қолганда Давлат чаққонлик қилди. Ҳали йўлбарс ҳамлага ўтмасидан туриб, орқа тарафига қайрилиб ўтиб, калтак билан бошига туширди. Калтак зарбидан гандираклаган йўлбарс ҳамлага ўтди. У ўткир тигдай тишларини кўрсатиб, Давлатга ташланди. Давлат икки орқа оёғидан қўшша қилиб, уни ушлаб йўлнинг бир четига улоқтирди. Йўлбарс ўрнидан

туришга улгурмай, калтак билан бошига тушира кетди. Йўлбарс хириллай-хириллай чўзилиб қолди. Терга ботиб кетган Давлат орқасига қарай-қарай йўлида давом этди. Йўлбарс эса чўзилган кўйи ётарди...

Давлат терга ботиб, хансираб ўтовга бош суқди. Онаси аталага ҳозирлик кўраётган экан, ўғлининг бу алпозда кириб келиши ажаблантирди. Ё чавандоз бобоси билан отни деб сену менга бордимикан, деган ўйга борди.

— Давлатжон, от қани? — деди тердан ивиган уст-бошини алмаштираётган Давлатга юзланиб.

Давлат ўзини тутиб, онасини ортиқча чўчитмасликка уринди:

— Отни кейинроқ берармиш.

— Сенга нима бўлди, ўзи?

— Ҳеч нарса кулди, — Давлат бўлган воқеани яширган бўлиб.

Бироқ онага ёлгон гапирганидан гашилди ўзи. Алдаб ўрганмаган, эплотмаскан.

— Биласизми, эна? Келишимда йўлбарсга дуч келдим.

Ойимсулувнинг хаёли қочди.

— Йўлбарс дедингми? Қанақа йўлбарс?!

Она берган саволидан ўзи чўчиб кетди. Кўзлари катта-катта очилди.

— Қанақа бўларди. Йўлбарсдака-йўлбарсда, — деди ўзини босиқ тутиб.

— Сен тагин...

— Нима тагин... Йўлбарсни ўлдириб қўйдим. Қоронғида билмадим, тагин... Менимча йўлбарс бўлса керак.

Ойимсулув қилаётган аталасини унутди.

— Бекор қилибсан-да. Ўлдирмай қочиб қўя қолмадингми?!

— Икки ямлаб еса майлимиди?!

— Агар сарғич, тарғил йўлбарс бўлмасин тагин.

— Ҳа, ўшандай!!!

Онанинг кўзи намланди.

— Болам! Сен йўлбарсни ўлдирмабсан-а?

— Бўлмаса нимани?!

— Отангнинг ўлгани егмасиди?! Сен отангни... Ойимсулув у ёғини айтолмади.

## ДАВЛАТНИНГ БОШ ОЛИБ КЕТИШИ

Бўронполвоннинг қирқи ўтмасидан хотини Ойимсулувга бир нарса бўлди. У узун кунлар ҳам овзига ушоқ солмасдан нуқул ётадиган дардга чалинди. Елиб-югуриб Давлат хизмат қилар, отга ҳам ёлғиз

унинг ўзи қарайдиган бўлиб қолди. Бироқ отасининг отини миннишга, уни миниб кўпқарига боришга Давлатнинг юзи бетламади.

Тоғаймурод чавандоздан ҳам отасининг отини қайтариб олишга юраги бўлмади.

Она ҳам кўпга бормади. Қишлоқда вабо тарқалган эди. Бу касаллик текканидан фурсат ўтмай олиб кетганидан «калта касал» ҳам дейишарди. Ўша лаънати «калта касал» онани ҳам олиб кетди. Давлатнинг бир ўзи ёлғиз қолди. У онасини ҳам «Хўжамулки» қабристонига топширди.

Ҳам отадан, ҳам онадан ажраган Давлат елкасига бир нарса орталгандек зил замбил босиб борарди, ўзини қай ёнга уришини билмай, бошини олиб кетгиси келарди.

Тўриқдан бошқа ҳамма нарса ота-онасининг маракаларига кетди ҳисоб!

Бир кун туш кўрди. Тушида ўша бир пайтлар учраган Хизр бобо оппоқ соқолини осилтириб қараб турганмиш.

— Ўксинма, ўғлим! Бошга солганини кўз кўради. Ҳали сени яхши кунлар кутмоқда. Бу ердан кун чиқар тарафга кет. Бир бойнинг ўтови чиқади. Ҳақиқий ҳаётинг ўшанда бошланади...

Давлат чўчиб уйғонди. Кўзларини уқалай-уқалай ташқарига чиқди. Осмон тўла чарогон юлдузлар жимирлашар, ўроқсимон яримта ой тоғ ўрқачлари устига бориб қолганди. Демак, саҳар бўлибди. Бир пас кўзини юммаса, тонг отади. Хўрозлар бетиним қичқиришар, лекин айни куч қудратга тўлган Давлатнинг кўнглига қил сизмасди. Тонг отиши билан Хизрбобо айтган тарафга йўл солди. Ортада қолган киндик қони тўкилган қишлоғидан бегона бўлаётганидан алланечук кўнгли бузилди. Томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди. Юраги увишди. Кўзларидан беихтиёр ёш қуйилиб келди. Ота-онаси ёдига тушиб, йўлини ўзгартди. Зиёрат қилиб йўлга тушишни ният қилди. У ўз-ўзига «тақдир» ёш бошимга бунчалар савдоларни солмасанг бўлмасми? — деб зорлаңди.

«Яна қандай кўргиликлар кутмоқда» — дея мазор томон бориб қолди. Аввал отаси Бўрончавандознинг, кейин онаси Ойимсулувнинг қабрини қучиб ўкириб-ўкириб йиғлади. Белги бўлсин учун келтирган юмалоқ тошларни авайлаб қабрлар тепасига жойлаштирди. Кўксини тўлдириб хўрсинди. Кўзларини артиб кўкрагини шамолга очди.

— Менга оқ йўл тиланг, эй қиблагоҳ?! Мен нима бўларман энди, эй мушфиқ она?! Ундан кўра бағрингга ол!.. Эй худойим!..

У шу тариқа йиғлай-йиғлай мазордан йироқлашди. Сўнги бор ўйнаб-ўсган қадрдон юртига қаради. Орқадан келишаётган бир тўда одамларга кўзи тушиб таққа тўхтади. Улар Давлатнинг бош олиб ке-



таётганидан хабардор эди. Уларнинг ичида отаси отини насияга олган чавандоз Тоғаймурод ҳам бор эди.

— Қайт Давла болам! Менинг ўғлим бўла қол. Қайт изингга...

Чавандоз илк бора Давлатни Давла дея эркалаб кўксига босди. Қўлларини елкаси оша кўшиб, ялиниб ёлворди. Аммо Давла бундан кейин бу эда туролмаслигини ҳис қилди. Қишлоқдошлари билан бирма-бир хайрлашди. Улар зор-зор йиғлаб қолишди. Давла тақдир етаклаган томон одимлаб борарди. У қанча юрганини эслолмади. Толиқди. Бир тепаликка чиқиб чўнқайди. Пастда эса болалиги ўтган қишлоғи элас-элас кўринарди.

Белидаги тугунини ечиб, бир парча қотган нон олди-да, оғзига солди. Унинг хаёлида ўзи ҳам тушуниб етмайдиган фикр ғуж-ғуж айланарди...

## ДАВЛА ҲОКИМБОЙНИКИДА

Давла ўрнидан туриб яна йўлида давом этди. Аслида отасининг Насим исми чўпон ошнасиникини ахтариб чиққан. Бир сафар ҳам тополмаганидан кўнгли алланечук ҳижил бўлганди.

Давонма-даvon ошди. Сойма-сой сакради. Яқин орада итларнинг ҳургани қулоққа чалинди. Таниш чўпонники шумикан, деган хаёлга борди. Иккиланмай ўша ёққа юрди. Сойликнинг шундоқ текисроқ тарафида тикилган қиш ўтовга дуч бўлди. Сал нарироқда ҳам бошқа ўтовлар кўринарди, аммо бу қиш ўтовдан сал узокроқ эди.

Давла таваккал деб ўтов тарафга юрди. Итлар бегонани сезиб, Давланинг қўлидаги калтакни ҳам писанд қилмасдан унга ташла-нишди. Биринчи бўлиб ташланган итни калтак билан бошига бир уриб гандираклатгач, бошқалари ҳайиқишиб, ўзларини бир ёнга олди-ю, лекин тўрткўз ит қайтмасдан унинг устига сакраб ҳамла қила-верди. Қараса, бирор жойидан тишлаб, яралайдиган важоҳати бор. Давла бунга калтак ишлатмади. Икки орқа оёғидан илкис қўшиб ушлади-да, бир-икки айлантриб сойликнинг янада пастроқ жойига улоқтирди...

Бу ўтовлар эгаси Ҳокимбой шу итларга ишониб, бегофил ёнбош ташлаб ётганди. Айниқса, тўрткўзнинг қулоқни қоматга келтирувчи аччиқ товушини эшитгач, эгнига туяжунали чакмонини омонатгина ташлаб ўтовдан чиқди. Қараса итлар бир томондан аста-секин ҳури-шиб турибди, лекин булар ичида Тўрткўз кўринмайди. Сойга улоқтирилганидан хабари йўқ. Ҳокимбой олазарак итни дараклай бошлади. Чунки бу итига ҳаддан ташқари ишонарди. Бундан олдин ҳар қандай ман-ман деганни ҳам шу ит отдан ағдарган эди. Давланинг итни улоқтириш воқеасига бойнинг кенжа хотини Гулсумнинг кўзи тушою

эди. Бойга ҳам «Ташқари чиқсангиз» деган мана шу хотини эди. Бойга яқин келиб қулоғига нималарнидир шипшиди-да, ўзи эса ўтовга кириб кетди.

Бой гоҳ итларга, гоҳ алқомат Давлага термулар, ҳеч нарсага тушунмас, ўзича наҳотки, шу болакай шердек келадиган итни сойнинг тубига улоқтиролса дерди. Бой ахири ҳушини йиғиб олди. Чакмонининг енгини эғнига тортди.

— Худо ҳаққи, шу шу кунгача менинг итларимни бу тариқа ҳеч бир инсон ҳайиқтиролган эмас. Бери келчи, сен ўзи кимсан, болакай?!

Давла бойнинг олдида ўзини ноқулай сезгандек Ҳакимбой тарафга юриди.

— Ассалому алайкум! — дея қўлини кўксига қўйди.

Бой қўлларини узатиб, «Ваалайкум ассалом!» деди кўзлари пир-пираб.

Ҳакимбойнинг икки сурув ҳисори қўйи, бир-бир сурувдан йилқиси ва подалари бор бўлиб, яйловма-яйлов кўчиб юарди. У анча тадбиркор бойлардан бўлиб, етим-есирнинг бошидан силаб ишга соларди.

Улар ўтовга киргач, одат бўйича соғлик-омонлик учун юзларига фотиҳа тортишди.

— Хуш келибсиз, меҳмон! Аммо итларни сезмай қолибмиз, узр!

Ҳакимбой бояги ҳодиса учун ичида бироз хушламаган бўлса ҳам сир бой бермасдан босиқлик билан сўзларди.

— Ҳечқиси йўқ, бой ота! Тишлаб олмасин деб, қизишиб кетиб...

Ҳакимбой барваста бу йигитнинг йўғон билақларига, кенг елкасига тикилар, бу болани ўзимда олиб қолсам, ҳеч ҳам ёмон бўлмасди деган хаёлга борди.

Ўртага каттакон дастурхон ёзилиб, нон ушатилди. Катта ёғочтовоқда қатиқ келтирилди. Давланинг қорни оч эди. Бир кўтаришда товоқдаги қатиқни биратўла сипқариб қўя қолди. Бой ҳайратдан ёқа ушлашига сал қолди. Лекин яна сир бой бермади, тагин қатиқ келтиринглар, деб хотинларига буюрди.

## ДАВЛА ЁРДАМЧИ ЧЎПОН БЎЛДИ

Ҳакимбой Давлани сўраб-суриштирганича йўқ эди, ташқаридан кимдир шивирлади. Бой чўпоннинг нега келганидан саросимага тушиб қолди. Сурувни ҳоли қолдириб, чўпоннинг бой ўтовига келиши бирор фалокатдан ё, бирор совуқ хабар белгиси эди.

— Хўш, чўпон, қани гапир, нима гап?.. Ё бирор...

Чўпон чуқур нафас олди. Қақраган лаблари зўрға пичирлади.

— Бой ота! Бугундан бошлаб менга ёрдамчи чўпон бермасангиз ҳолим ҳароб. Бир сурувга югураман, бир ўтин сувга...

Ҳакимбой кўзларини бир нуқтага тикиб, узоқ жим қолди. Кўзлари пир-пир этиб чўпонга юзланди.

— Олдин овқатдан еб олчи! Ёрдамчи бўлса қочмас... Қара меҳмоним бор. Ҳали меҳмоним билан танишганимча йўқ! Шундайми, йигит, — дея бой қатикдан бўшаган товоқни ялаб-юлқаётган Давлатга юзланди.

Давла жойлашиброқ ўтирди. Гапни чўзмади. Ўзининг узоқ тарихини ҳам айтиб ўтирмади.

— Нима десам экан, нон-насибам қаерга сепилган бўлса, шу ерда юрмоқчиман. Тақдир экан...

Бу гапдан сўнг Ҳакимбой дилидаги ниятини изҳор этишига имкон тувилганини ҳис этди:

— Улим, агар хўп десанг, бизниқида қолақол! Мана шу чўпонимиз бир ўзи кўпдан қийналиб юрибди. Ёрдамчи бўлиб юраберасиз. Хизмат ҳақи эса бир йилга бир кўзили совлиқ, кийим-бош, еганичган бизнинг бўйнимизда...

Бой шундай дейишга деди-ю, лекин, барваста елкали, йўғон билакли бу йигитдан рости чўчиди ҳам. «Нима сенга мен қулбаччаманми», деб юборса нима деган одам бўламан деган ўйга борди. Кўпдан жим ўтирган Давла гапга киришди.

— Бой ота хизматдан бўйин товлаш йўғу, лекин чўпонингиз нима деркин?! Балки ҳали ёш экан, югур-югурга ярамайди деса нима бўлади.

Шу пайт бой ялт этиб нигоҳини чўпонга қадади.

— Чўпонимиз нима дерди: Ихтиёри биздада! Бу ҳам сизга ўхшаган бир пайтлар ёш эди. Умрининг кўпи ўтиб ози қолди.

Чўпон кўпдан ўртада бўлаётган тортишувга аралашмай, зимдан қараб ўтирган эди. У Давлани қуруқ гавда деди шекилли, назарига илмагандай бўлди, шу сабабдан эркин гап ташлади:

— Ҳали она сути оғзидан кетмаган экан. Кечаси билан бўри келди, тулки келди, деб дардисар бўлмаса гўрга эди! — деди, Давланинг ёшига ишора қилиб.

Давлага айниқса «бўри келди, тулки келди, деб дардисар бўлса», деган гапи таъсир қилди.

— Чўпон ака билиб қўйинг, аввал чўпон бўлмасам ҳам энди чўпон бўлганим бўлсин! Ҳали кўрасиз, ким «бўри келди, ким тулки келди» деркан!

Бу гап бойга ёғдай ёқиб тушди. Хуллас, шу хонадонда қоладиган, шу келган чўпонга эргашиб сурувга кетар бўлди.

Ёрдамчи чўпонни худо берганидан бой ўзида йўқ севинди. Давланинг кенг яғрини, барваста гавдасидан бой умид қиларди. Бу болага берган ноним зое кетмайди, дея хотинларига ҳам мақтанган бўлди.

Хуллас шу оқшом бойниқида зўр хурсандчилик бўлди...

Йўлда чурқ этмай эшакни хих-хихлаб кетаётган бойнинг чўпони Абдишукур гап бошлади:

— Бирданига чўпонликка розилик билдирдинг бола, илгари ҳам қўй-пўй боққанмисан? Ё кун ўтаргами?...

Давла ўзини босиб:

— Энди сиздан қўй боқиш сирини ўрганамизда чўпонбобо?! Биз қўйни қаердан кўрибмиз. Ҳали она сутимиз оғзимиздан кетмаган бўлса...

Давла чўпонга эргашиб сурув ётган қўтонга етиб борганида пешин бўлганди.

— Ҳа, майли, ўзининг ҳам чўпон бўлишга иштиёқи бор экан, шашти қайтмасин қабилида иш тутди, чўпон.

Давла бирга кела туриб чўпоннинг елкасига ҳазил аралаш залворли билганини кўйганди, чўпон гандираклаб, сал қолганди йиқилишига. Чўпон олдинги шаштидан тушиб, Давлага мулойимроқ муомалага ўтди.

— Энди бундай, чўпон йигитча! Қўйни боқишни бизга қўясан. Сен фақат кушхонада егулик пишириш, қатиқ-патиқ ивитиб турсанг бас. Буёғини менга қўйиб бер. Олдин икки орқа шувоқ келтир қўтонга, кейин бошқаси бўлар...

Давла эчки қилдан пишиқ эшилган арқонни қўлига олиб, чўпон кўрсатган шувоқли жилға томон дадил юриб кетди.

Аммо у бораётиб чўпонга нимага қодир, нимага қодир эмаслигини бир кўрсатиб қўйсам, деб хаёл қиларди. Айниқса, чўпоннинг «она сути оғзидан кетмаган», — деган гапи у ёқ бу ёғидан ўтиб кетган эди. Шу хаёллар билан одамнинг белига урадиган шувоқзорга етиб келганини пайқамай қолди.

Чўпон қўйларни ўтлатиб, Давланинг ҳолидан хабар олгани келиб қолди. Ҳар ерда шувоқ уюлиб кетгани, аммо Давла яқин орада кўринмас эди. У ҳадеб шувоқ юлар эди.

— Ҳой, чўпон йигит! Буни ким орқалайди деяпсан?! Мени орқалайди деб умид қилма! Тагин ҳаммасини орқалайман деб орқангдан айрилмагин-да, болакай!..

Давлага иккинчи бор чўпон ботиниб гапирганди. Уни анойи билди. Гўё ёш болага кучимни ўтказаман, деди. Ё кичиклигида кўзининг ўтини олмоқ бўлдим, бу ёғи қоронғу.

Давла бор шувоқни бир ерга тўплади-да, чўпоннинг ёқасидан илиб олиб шувоққа қўшиб болади. Чўпон Давланинг сиртмоғидан чиқмоқ учун бор кучи билан чиранди, аммо темир каби чирмовуқ, панжаларидан ҳарчанд уринсада қутилиш душвор эди.

— Ҳой, чўпон йигит, бу нима қилганинг! Бошқа ҳазил қилмайман, тез еч, — деб ялиниб-ёлворди ахийри.

Давла дод-войга қулоқ солмай, ўтинни чўпон билан бирга орқалади. Давла маҳкам боғланган шувоқни юмалоқланган ҳолда Ҳакимбойнинг овули устидаги тепаликнинг энг юқорисидан думалатиб юборди. Бойнинг кенжа хотини энди нон ёпаман, деб тандир атрофида айланаётган эди. Кападек келадиган юм-юмалоқ нарсани кўриб нақд юраги қинидан чиқаёзди.

— Ҳой тўрам! Бир бало келаяпти, — дея шувоқ келаятган тарафни бойга кўрсатди.

Бой ҳанг-манг бўлиб ўрнидан сапчиб тураман деб бошини ўтовнинг эрганагига уриб олишига сал қолди. Бой ташқарига чиққанда, ўтовга бир нарса келиб урилди-да, ичкаридаги товоқ-қошиқ солинган тўрва-халта, қатор-қатор юклар ўтов ўртасига қулаб тушди. Ўтов иғишиб бир томонга энкайиб қолди. Бой ўзига ярашмаган юриш билан пилдираб ўтовнинг орқа томонига ҳовлиқиб ўтди. У ҳанг-манг бўлиб гоҳ тепада кулиб турган Давлага, гоҳ шувоқ ичида ҳансираб зўрға нафас олаётган чўпонга қараб ҳуши учиб турарди. Агар бойнинг катта хотини Зубайда келиб, чўпонни ечиб олмаганида, бой чўпонидан ажраб қолиши ҳам ҳеч гапмас эди...

— Асраган чўпонингиз билан қўшша мозор бўлинг! Ўлдириб қўйсанима бўлади?! Бугундан бошлаб бу чўпон бачангизни кўрмайин, — дея шанғиллаб берди ўртанча хотин.

Чўпон бети бошини артиб, бор воқеани бойга қўшиб-чатиб сўзлаб берди. Бу ерда ортиқча қололмаслигини, агар қолгудек бўлса, чўпон бола яна ўлдиришдан ҳам тоймаслигини айтиб нолиди.

— Ким экан у, сени шувоққа қўшиб боғлашга жазм етган? Ҳечам шу тирранча боланинг шу ишни қилишга ишонмаяпман..! — дерди бой ҳам, хотинлари ҳам ҳовлиқишиб.

Абдушукур чўпон ҳали ўзига келмаганидан тили айланмас, агар гапиргудек бўлса, яна келиб чўпон бир нарса қиладигандай туюларди.

— Ҳа, энди билдим. Инсон зотини овулга йўлатмайдиган итни сойнинг ичига улоқтиришида бир гап бор эканда, бу баччағарни...

Чўпон иссиқ-иссиқ чой ҳўплаб, пича ўзига келгандек бўлди. Бойнинг ўртанчаси парвона бўла-бўла олдинги ҳолатини тиклагандек ҳолатга келди. Чўпон сурувга қайтиб боргиси келмасди. Уруғ-аймоғини йиғиштириб, бу боланинг роса адабини бериш, онадан туғма қилиб калтаклатишни дилига тутди. Лекин кетаман дейишга деди-ю, кейин режасини бойга билдирмади. Бу чўпоннинг бир амакиси ўғрибоши бўлиб, бойларнинг мол-мулкани талаб, уйини ўмариб тирикчилик қиларди. Шу топда чўпон ана шу ўғрибоши амакисига ишонган эди.

— Кетманг иним! У боланинг баҳридан ўтиб бўлса ҳам сени олиб қоламан. Ахир неча йиллик қадрдонимизсан.

Бойнинг катта хотини билан ўрганчаси чўпонга ёлворишди. Шунинг учун ҳам улар розилик бермай, кетмайсиз акажон деб туриб олишди.

Барибир чўпон жазманларидан уялибми ёки, алам қилибми ўз гапида туриб олди. Бойнинг норозилига қарамай, чўпон эрта тонгдан ўз юрти томон жўнаб кетди.

... Бой Давланинг олдига боринга ҳайиқиб, нима қилишни билмай боши ғовларди. Хотинлари ҳар томондан ғала-ғовур қилишиб бойнинг ҳоли-жонига қўйишмасди. Ахир бой далага уруғ селишга келган деҳқонини чақиртирди.

— Жўрабой, иним гап бундай! Чўпонимизни ҳалиги ўзингиз кўрган йигит шувоққа қўшиб боғлаб ўлдириб қўйишга сал қолди...

Алқисса, бой гоҳ ўзи, гоҳ хотинлари ҳар томондан жаврашиб на-ридан-бери тушунтирган бўлишди. Бориб сурувдан хабар олишга кўндиришди.

Давла чўпонни тепалиқдан шувоққа қўшиб юмалатгач, яна қайтиб кўтонга борган эди. Сурувда фақат сиртлонгина қолганди. Ит келиб бир-икки Давлани ҳидлади-да, худди ўз эгасидек индамай кўяқолди.

Бироздан кейин бойнинг деҳқони терга ботганича йилқига қамчи босганча етиб келди.

— Чўпон йигитча, қани нима гаплар?! Абдир чўпонни қаерга гум қилдинг?! Сенга ҳам азалий қилиғини қилибди-да! Менга ҳам ўша ҳунарини кўрсатган эди, — деди Жўра деҳқон ҳадик аралаш.

Жўрага ҳам бу чўпон ёқмасди. Бойнинг қизи Ойқизнинг устидан чиқишолмас, гоҳи бойнинг хотинларини ҳам деҳқондан гумон қиларди...

Давла билан деҳқон йигит Жўра ўртасида қизгин гурунг кетди. Сурувнинг эгалигини билиб, Жўра бойга хабарни етказмоқ бўлди. Чўпон нима мақсадда ўз юртига жўнаб кетганидан гап очилди.

Улар алламаҳалгача суҳбат қуриб, ахир деҳқон йигит отини миниб бойнинг овулига қайтди. Кеч пешин бўлиб қолган эди. Бой хавотирдан хотин-халажи билан ўтов ёнига чиқишиб ўтиришарди. Шу шашт билан кетган Абдишукур чўпон эса ўғрибоши амакиси Шодмон калтаникига етганди.

— Ўзи одам сиёғига ўхшайдими ё...?

— Бир одамга иложинг етмас экан, бойнинг қўйини боқиб нима қилардинг?! — деди Шодмон калта.

Чўпон ўғрибошига Давланинг гавдасини қўшиб-чатиб таърифлади. Аммо чангалига тушган одамнинг қутилиши гумон, деб гапини тугатди.

Шодмон ўғрибоши шериклари билан масалани ҳал қилди. Уларга зўр ўлжа борлигини ва бу ўлжа қўлга киритилса, бир умр еб ётса

бўлишини уқтирди. Бу ўлжа Ҳакимбойнинг бир сурув қўйи эканини ҳам гап орасида қистириб ўтди.

Давлани қай пайти бориб, ухлаган жойида таппа босиш, қандай қилиб қўл-оёғини боғлаш режаси келишилди. Ўша кеча зиёфат бўлиб, ўғрибоши ва шериклари ўзларини шер санашиб, халитдан Давланинг бошини мана бундоқ қилиб танасидан жудо қиламиз, дея ўзларича машқ қилишарди.

Улар алламаҳалгача қовурдоқ еб, айрон ичишиб сухбатлашишди. Абдишукурнинг гурунги қизиб, бойнинг уйида қилган ишларидан гап очди. Ўртада қийқириқ кулги кўтарилди. Ахийри ҳамма дуч келган жойга мизғиш учун калла ташлашди. Аммо Абдишукур чўпоннинг уйқуси ўчган эди. Бир сафар бойнинг қизи Ойқизни пойлаб, ўртанча хотинига дуч бўлгани, у билан тонг отгунча бирга бўлгани ёдига тушди.

Абдишукур чўпон бош олиб кетганига ҳам, ҳадемай ҳафта бўлиб қолган. Сурувда эса гоҳ ўтинга, гоҳ сувга югура бериб толиққан Давла донг қотиб ухларди.

Осмон тўла юлдузлар. Қўтондаги сурув тўдаси бир маромда ковуш қайтариб, итлар эса безовталанишади. Аллақерда бойўғли увуллайди.

Кундузлари панада яшириниб фақат тундагина йўл босган ўғрибоши бошлиқ қароқчиларга Абдишукур чўпон Давлат суруви билан ҳордиқ чиқараётган қўтонга етиб келишди. Улар қўтоннинг қорасини олган бўлсалар ҳам, ярим тун бўлишини пойлашиб бир жарликда бекиниб ётишди.

— Қўтондаги итни бир чеккага нон ушатиб чалғитишимиз керак, деб гап бошлади ўғрибошиларнинг ичида ўрта ёшдаги, бўйи паст чўтир башаралиси. Унинг гапини бошқалар ҳам маъқуллашди.

— Мана, мен чалғитаман, — дея Абдишукур чўпон гавдасини роз тутиб. — Чунки менга сурувнинг ити ўрганиб қолган. Ўз қўлимда хўрак еганку... дея шерикларини ишонтирди.

Ҳамма иш режа бўйича амалга ошадиган бўлди. Дастлаб итни нон ушатиб Абдишукур чалғитиб, сойнинг пастки тарафига бошлаб кетди. Айни уйқуда ётган золворли гавдага ҳар тарафдан чайир қўллар ёпишди. Улар Давлага ҳар тарафдан ташланиб, таппа босишди.

— Уйқудаги одам гафлатда бўлади. Номардлик бўлмасин. Ўлдирмай қўл оёғини боғлаб ташлаб кетсак ҳам, ўлишдан нари-бери бўлади. — деди уларнинг ичида кексароғи. Қароқчиларга оқсоқолнинг бу гапи маъқул тушди.

Қўл-оёғи маҳкам боғланган Давлат харчанд уринмасин кўпга бас келолмади. Айниқса, бошига теккан зарбадан сўнг нима бўлаётганини ҳам англаёлмади. Жон ҳолатда бақирди:

— Номардлар! Қароқчилар!.. Ҳаммангизни энангни..

Қароқчилар Давланинг қўл-оёғини боғлаб, кўнгли тинчигач, сурувни оромида оддига солиб ҳайдаб жўнашди. Улар осонликча бир кўтон қўйга эга бўлганидан ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Эрта нима кутаётганини ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзларича ширин-ширин гурунглашиб боришарди.

Қўл-оёғи чилвирга маҳкам боғланган Давла итининг отини айтиб бақирганича қолаверди... Атайин чалғитилган Сиртлон Давлани келиб бир-икки ҳидлади-да, финшиганча бойнинг ўтовни томон ҳаллослаб югурди.

— Бор жонивор, бойнинг уйига хабар бер! Чопқиллагин! — деганича чилвирни ечиш учун ҳар томон ағнар, лекин қаттиқ урилган калтак зарбидан ҳали ҳам ўзига келмаган эди.

Сиртлон ҳаллослаб бойнинг ўтовни қорасини олганда, тонг ёришиб, одам-одамни таниш даражасига борган эди.

Таҳорат учун офтоба кўтарган бой итни кўриб силласи қуриди-қолди. Ит эса тилини осилтириб финширди, бир фалокат юз берганидан дарак берувчи белгилари бор эди, унинг ҳаракатида. Кўздан бери фалокатни чўпондан кутаётган бойнинг хаёли алақаёққа қочди. «Нима бало, шердек йигитни ўлдириб кетишдимикан-а?!» — деди ўзига-ўзи. Совуқ шамол эсиб турса-да, вужудини тер босди. У ўтов тарафга интилди. Лекин олға босган қадами орқага кетарди.

— Ҳой, ким бор?! Уйим куйганга ўхшайди! Умримда сурувсиз уйимга келмайдиган итим келиб, тилини осилтириб, ҳуриб турса-я?! Нима деган одам бўлдим?!

Бойнинг хотинлари бирин-кетин уйғонишиб, ўғил-қизлари қий-чув қилишиб бойнинг олдида чопқилашди. Бу шовқин кўшни ўтовдагиларнинг ҳам қулоғига етди. Тумонат одам йиғилиб, ҳар ким ўзича фол очарди. Бой тўриқ қашқани, бошқалар ўз уловини минишиб яйловдаги кўтон тарафга жўнашди.

## БОЙГА ЖУДОЛИК

Ҳакимбой олдинда, бошқалар орқада қуюндай яйловдаги кўтонга етиб келишганда, қуёш таёқ бўйи кўтарилиб, атрофга илиқлик югурётган эди. Кўтонда эса қўл-оёғи чандиб боғланган Давладан ўзга ҳеч бир зор кўринмас, атроф гўё сув куйгандек жимжит эди.

Ҳакимбойнинг деҳқони отдан ирғиб тушиб, Давланинг қўл-оёғини чилвирдан озод қилди. Давла уйишган кўлларини ишқаб, уст-бошини қокди-да, бир бошидан сўзлаб кетди.

— Агар кўпчилик бўлмаганида, уйқумда таппа босишмаганда ўзим билардим... Лекин, бой ота сурувнинг урдасидан чиқишолмайди. Уни қайтариб келишни менга, ёлғиз ўзимга қўясиз!



Давланинг кўзлари ғазабдан ёнди. Муштлири тугилди. Бой одан тушиб Давлага энгашиди.

— Эй улим, аввали нима қилардинг, шу занғарни шувоққа қўшиб борлаб?! Мана энди оқибат...

— Бой ота, сиз ҳеч ҳам сурувдан хавотир олманг! Еса бировини ер, икковини ер. Боринги ўнини ер, лекин бутун бошли сурувни удаллаши қийин. Насиб бўлса бошига бало-қазо бўлиб бориб, сурувни қўтонга солмасдан мен ҳам қўймайман, — деди Давла бойни ишонтириб.

— Якка ўзинг-а? Бир тўда қароқчига қандоқ бас келасан?! Ахир улар кўп бўлишса...

— Бойбобо менга бир оқ дуо бўлса бас! Ҳаялламай изидан тушаман?

— Чиндан ҳам бир ўзинг уларга бас келмоқни ният қилган бўлсанг, нима ҳам дердим. Ом-и-ин, пирлар мадақдор бўлиб, Хизирбобо жилвор бўлсин! Илоҳи омин!..

Барча бараварига қўлларини юзига олиб боришди: «Оллоҳу Акбар!»

Давла қўлига заранг таёқни олгач, бир пасда тепама-тепа ирғишлаб ошиб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳакимбойнинг овулдошлари, оғзига етган ҳам етмаган ҳам, орқаваротдан маззах қилишга ўтишди. Давла гўё ўзи оёғи билан келиб давлатини яримлатганмиш, бойни кафангадо қилишга келганмиш.

Хуллас, шундай гапларни эшитабериб бойнинг боши ғовлади. Бу бола қаёқдан ҳам келди, бошимга битган бало бўлди деб, ўз-ўзига гудранар, оғзига бир нарса солган-солмаганини яхши эслолмади. Айниқса, бойнинг мол-дунёси учун хотин бўлиб юрган кенжа рафиқаси Гулсум бойнинг қўйнида тек ётмас, сурувни тилга олавериб бойнинг фиғонини баттар орттирар эди.

— Эй, нима бўлса бўлди, энди шу сағана қолгур сурувни менга эслатмай, қўяқолинлар! Ҳар эшитганимда юрагим ёниб, суяк-суягимгача кул бўлиб кетдим-ку, ахир?!.. Ато қилган бўлса бир кун келгинди йигит «мана қўйларингиз бой ота», деб ҳайдаб кеп қолар, бўлмаса нима ҳам дердим...

Шу-шу бўлди-ю, бой тақдирга тан бериб, қолган қўй-эчкисига эғалик қилиб, ўзини бир мунча кўниктирди. Аммо мол аччиги — жон аччиги, деб бежизга айтишмас экан. Кечалари уҳ тортади, на уйқусида ҳаловат бор, на еб-ичишида! Хотинларига ҳам илиқ гап айтиб, билагидан тутмаганига ҳам ҳийла вақт бўлиб қолди. Устига устак Абдишукур чўпон кетиб, ўртанчи хотиннинг ҳам ҳийла хуноби ошди.

Ҳадеганда, девқомат, дўлвори йигит Давладан дарак бўлавермагач, бой қўлини ювиб қўлтиғига урди. «Бўлди энди! Бир қўтон қўйнинг

чиқаси келган экан-да. Бу болани худойим атай жўнатгану, яратганнинг иродаси билан бу иш бўлган-қўйган» деб, бой деярли ҳар куни ўз-ўзига таскин берарди. Қуруқ гапиринса ҳам майли, баъзида икки қўлини орқага қилиб қирга чиқади, узоқларга қўлини соябон қилиб кўз ташлайди. Қўшни бойнинг сурувини чўпони сувлатишга ҳайдаб тушаётганда сал қолди «ўзимнинг отарим келди», деб бақириб юборишига. Хуллас, бой телбанамо ҳаёти бошланганига ҳам ярим ойча бўлиб қолди.

Бой ўйлайвериб рангидан ранг кетиб, тузуккина тўшак қилиб ётиб қолди...

## ДАВЛА СУРУВНИ БОЙГА ҚАЙТАРДИ

Давладан аламини яхшигина олдим, деб ўйлаган Абдишукур чўпон қароқчилар тўдаси билан чопа бериб, тоғ бағридаги жарликнинг одам пайқашни мушкул бўлган камарига сурувни қамаб, ўзлари эса семиз қўйлардан тандир осиб хилватда маишат қилиб юришди. Давла бу камарни олдиндан билгани учун тўппа-тўғри тоғ биқинидаги ёлғиз оёқ йўлдан илдам борди.

Йўлдан учраган отарнинг чўпонидан бир тўда одамларнинг сурув ҳайдашиб ўтган-ўтмаганини сўраб суриштирди. Бирор инсон чурқ этмади. Давла қанчалик куч-қувватга эга бўлмасин ҳали ёш, тажрибасиз бўз йигит эди. Унинг хаёлида тўғри йўлдан очикчасига ҳайдаб кетаётган бўлса, бир бошидан калтак билан уриб-йиқитиб, сурувни орқага қайтараман деган ўй ўйнарди. Бироқ, у ўйлаганча эмас эди. У неча кундирки адирма-адир юриб, қароқчиларни ахтариб кунларни бекор ўтказди. Ахири ҳафсаласи пир бўлиб изига қайтди.

Қароқчилар бир неча кун хилват камарида тандир еб яйрашгач, изидан ҳеч бир киши сурувни йўқлаб келавермагач, ўзларининг манзили сари очикча ҳайдаб жўнашди. Сурувни атиги икки киши бошлаб борарди. Қолганлар эса кўрганлар «кўпчилик бўлиб бир сурув қўйни ҳайдаб кетишяпти», деб шубҳа қилишмаслиги учун учрашув жойини келишиб тарқалишганди. Давла қўй боқиб юрган бир чўпоннинг дўмбирасини созлаб, энди бир-икки нағма қайтарган эди, шундоқ қаршисидаги тепалиқдан ўзига таниш бўлган сурувни икки киши пастликка қараб ҳайдаб келаётганига кўзи тушди. У дўмбирани эгасига тутқазиб, аста қўлига заранг таёқни олди.

Узоқдан Давланинг сини-симматини кўрган Абдишукур чўпон жойида қотиб қолди. Уни ўша кеча таниёлмай қолганидай, ҳеч нарсадан хабари йўқ шериги Абдишукур чўпоннинг ҳолатидан безовталанди.

— Абдишукур ака, сизга нима бўлди?! — деди шериги.

— Қочдик!..

Давла ранги оқарган икки қароқчини ҳам қўлидан чиқармай роса адабини бермоқ пайида уларнинг орқа тарафидан айланиб ўтиб, қочиб кетишга йўл қўймаслик йўлини ахтарди. Лекин Давланинг авзойини пайқаган иккала ўғри мўқкисини ечиб қўлига олишди. Улар сурувни ташлаб, тарс қочишга шайланишди. Сўнгра ўнг биқинидаги сойликка яланг оёқ, яланг бош, жонҳолатда ўзларини уришди. Аммо, олд тарафидан келган Давланинг заранг таёғидан еб, ҳар иккиси ҳам довдираб қолишди. Уларни ерга бағирлатиш учун яна бир-икки зарба кифоя қилди, холос.

— Мана, буниси қароқчиларни бошлаб келганинг учун, мана буниси эса...

Давла чўпонларнинг бетиним ялиниб-ёлворишидан сал юмшади. Уларни тавбасига таянтириб, ахири қўйиб юборди.

Атрофда ҳалиги дўмбиракаш чўпондан ўзга зоғ бўлмаганидан деяри ҳеч ким ҳам бу тўс-тўполондан хабар топмади ҳисоб.

Давла сурувни ҳайдаб, билганча қўшиқ киргойи қилиб, бой ўтовининг қорасини олди. Бу дамда алақачон атрофга қоронғилик чўкиб, одам-одамни танимас даражасига келиб қолганди. Фақатгина кўқда шўъла сочиб турган яримта ой, юлдузлар шодаси бир маромда жимир-жимир қилар, узоқлардан чўпон итларининг ҳуриши тун сукунатини бузарди.

Ярим тунгача, гоҳида туни билан мижжа қоқмай чиқадиған ҳолатга келиб қолган Ҳақимбойнинг бугун ҳам уйқуси ўчиб, тепалиқда узоқларга термулиб, сурувимни ҳайт-ҳайтлаб бир томондан олиб келиб қолармикан деган ўй билан айланиб юрганди. Узоқдан шарпани сезиб сергақланди.

Агар кундузи бўлганида ҳаддан ташқари ҳалққиришдан юраги тарс ёрилармиди. У ёғи бойга ҳавола.

Алқисса, бой ўзининг қили ер чизиб юрадиган қадрдон бўрта серкасини таниди.

Унинг ҳар одими энди оёқ босаётган чақалоқнинг қадамини эслатарди...

## ДАВЛА ҲАКИМБОЙНИНГ ДУОСИНИ ОЛДИ

Сурувнинг эсон-омон қўтонига қайтиб келганидан севинган бойнинг касали бирдан ҳам тузалиб, кўзи шартта очилди.

— Яшавор, шаввоз!.. Йигит деган бундоқ бўлибди-да! Камига гал йўқ! Ҳақимбойнинг суруви қайтибди, давлати қайтибди деса бас. Еса бешта егандир, боринки ўрни гумдон қилгандир...

Кўпдан чурқ этмай ўтирган Давла қатикдан бўшаган товоқни бир четга сурди-да, бўз сочиққа оғзи-бошини артган бўлди.

— Энди бой ота, мана кўнглингиз ҳам жойлашди. У ёғидан хавотир олманг! Аввали, бу ўғрилар бу ўртага қадам босолмас! Мен уларни бу ерларга келадиган қилганим йўқ. Энажонлатиб, бўзлатиб бир умр эсдан чиқмасдан қилиб тавбасига таяб юбордим...

— Хўп, улим, — деди бой Давланинг нигоҳидан кўзини олмасдан. Унинг мақсадини олдиндан билиб, бой унга жавобан гап очди.

— Улим, кетаманингни қўй! Сени бизга худо берибди. Энди бу уйнинг тўри сеники! Сурувдан хоҳлаганча қўй-эчкини ажратиб, ўзингники қилиб ол.

Давла бу ерда ортиқча қолгиси йўқ эди.

— Бой ота, менга ҳеч қандай қўйингиз ва эчкингизнинг кераги йўқ! Менга бир ҳовуч дуо бўлса бас! У ёғи бир гап бўлар... Мен даргоҳдан кетмасам бўлмас, — деди Давла гапида қатъий туриб.

Бойнинг боши говлади. Давлага жавоб берса, чўпонсиз қолади. Жавоб бермаса, шундоқ ҳам кетиб қолиши ҳеч гап эмас...

— Балли, шер йигит, Худо берса, йигит моли ер остида дейишади. Бор болам, умрингдан барака топ! Бахтингни ол! Худо олдиндан берсин, илойим омин!!

Бойнинг овулдошлари ҳам бараварига юзларига қўлларини тортишди.

Бойнинг катта хотини Ҳадича янги қавилган тўнни Давланинг эгнига ташлади. Давла қўлига заранг таёғини, бой совға қилган дўмбигасини олиб кунчиқар тарафга таваккал, деб йўл солди.

Шу билан Давла Ҳакимбойнинг хонадони билан хўшлашди...

Унинг шу билан долғали умри бошланаётганини ўзи ҳам ўйлаб, охирига етолмасди. Ҳали олдинда нималар кутаётгани ёлғиз яратганга маълум эди. Ота-онадан эрта ажралган Давла дарбадарликни касб қиламан деб, хаёлига келтирибдими. Балки тақдирнинг айтгани шудир, балки тангри унинг ризқ-рўзини шундай яратгандир. Ҳар ҳолда шулар ҳақида ўйлайбериб қанча йўл юргани-ю, қаерга бориб қолишини билмасдан боши қотди. Нима бўлганда ҳам бирор сувли жойни кўзлар, минг қилса ҳам сувли жойда кун кечириб, деҳқончилик қилиш мумкинлигини қишлоғидаги қариялардан эшитган эди.

Кўпдан тўриғини қистаб, бу барваста қомат йигитнинг суҳбатини оламан, дея соч-соқолига оқ оралаган отлик ахири саманини қамчилаб Давлага етиб олди. Давланинг ашқомати бу одамда киши билмас қизиқиш уйғотганди. Бу йигитнинг қайси жиҳатлари биландир ўғилларини эслатар, унинг сини-симмати ҳатто тўнғич ўғли Темирполвондан ҳам ўқтамроқ эди.

— Қани улим йўл бўлсин? Пиёдалаб юравериб толиқмадингми?! Қўққисдан берилган нотаниш отлиқнинг саволидан Давла сал ўнғайсизланди. У толиққанини билдирмасликка уриниб, ўзини бардам тутди.

— Чарчаганим йўғ-у, лекин оёғимдаги мана бу мўкки сал қисаяпти, — деди бироз ийманиб. Устига адрас тўн кийиб олиб, бошига кўкиш тоза матодан саллани яраштириб ўраган бу киши — Оқтош қишлоғининг оқсоқоли Мулла Исмоил эди. Эл орасида обрўйи баланд бўлганидан юртидагилар уни Исмоил оқсоқол, дерди.

— Кел, ўғлим, манзилгача мингаштириб борай, — деди тўриқнинг жиловини тортиб оқсоқол.

Давла анча толиққан, қорни ҳам очиққанидан оқсоқолнинг таклифини қабул қилишга рози бўлди. Тўриқ қашқага мингашиб Оқтош элининг қорасини олганда, кун кеч бўлиб қолган эди...

— Айтмоқчи ўғлим, йўл бўлсин, дейиш ҳам хаёлимдан кўтарилибди. Мен эса овулга келдим ҳисоб. Ё тўппа-тўғри уйга ҳайдайми?

Исмоил оқсоқол Давланинг барваста қоматига, чайир кўлларига разм солиб, кўнглидан бир гапни ўтказган эди. Бу йигит агар нон талаб бўлиб йўлга чиққан бўлса, кучидан фойдаланиб ўз уйида олиб қолиш режаси ҳам йўқ эмасди. Шунинг учун ҳам Давладан садо чиқавермагач, борар жойи йўқ экан, деган ўй уни от бошини тўғридан-тўғри ўз ҳовлисига буришга ундади.

— Бир сени ўғилларим билан таништириб, ошна қилай дея оқсоқол от жиловини чор атрофи пахса девор билан баланд ўралган ҳаводор ҳовли тарафга бурди.

Учқур саманлар олти жойда қозиқ айланиб пишқиарди. Ўғиллари отасини кўришларини биланоқ, ҳар томондан келиб бири от жиловини ушлаб, от устидан залварли хуржунни эгнига олди.

— Мана сенларга яна бир ука олиб келдим. Энди етти орайни, етти ботир бўлинглар-қўйинглар, — дея оқсоқол Давлага ишора қилди.

Давла чаққонлик билан тўриқдан ерга сакраб тушди-да, чанг илашган яктагини қоққан бўлди.

— Сардор кўринмайди, қаерда? — деди бой ўртанчи полвон ўғлини суриштириб.

— Акамлар Қизилқояга олишгани кетган. Ҳали замон келиб қолишса керак, — деди кенжаси Совурполвон.

Исмоил оқсоқолнинг олти ўғли, бир қизи бўлиб, ўғилларининг деярли барчаси кураш тушиб, чавандозлик қилишарди. Қизи Гулойим эса эндигина ўн олтига чиққан бўлиб, ҳар тарафдан совчи ёғилиб оқсоқолни ҳам, хотини Бибиойшани ҳам безор қилишарди. Тенги чиқмаганидан уйдагилар ҳеч қайсисига узатишга розилик

бермас, уларнинг назарида тенги камида чавандоз ёки полвон бўлиши керак эди.

## ОҚСОҚОЛНИНГ ХОНАДОНИДА

Қош қорайганда Исмоил оқсоқолнинг хонадони ўғиллару-келиндар билан жамул-жам бўлди. Ўғиллари ҳар тарафдан олган совра-рини отга ортиб келишди.

Бир-биридан барваста йигитлар Давланинг алп қоматига зимдан қарашар, шу дамгачи қомат бобида ўзларидан ўтадиган йигит бу ёруғ дунёда борлигига ишонқирамас эдилар. Ахир ўртага дастурхон ёзил-гач, Давла билан танишиш, сўраб-суриштириш бошланди.

— Яхшиси, улим ўзингни ўзинг танит? Қаердасан, кимнинг ули бўласан, қаерларга бораётган эдинг?..

Берилган саволдан Давла бир томони ўнғайсизланди, бир томони ота-онаси ёдига тушиб, хиёл кўнгли ҳам бузилди.

— Отим Давла, — деди. — Аслида Давлат дейишарди. Ота-онам эса...

Давла у ёғини айтишга ўнғайсизланди. Йиғлаб юборишдан ўзини тийди. Борадиган ерини айтиб ўтиришга ҳожат қолмаган эди. Оқсоқол ҳам, ўғиллари ҳам, бир пас жимиб қолишди-да, ўртадаги жимликни оқсоқол бузди.

— Хафа бўлма улим! Бир сен эмас, ота-онадан етим қолган. Тўрт мучанг соғ бўлса, ҳамма нарса топилади, — дея Давланинг кўнглини кўтарган бўлди ва ўғилларини бир бошидан таништиришга тушди.

— Мана буниси Сардорполвон, ҳам чобоғон, буниси Темирполвон, лекин от чопмайди, фақат полвон...

Хуллас, оқсоқол қолган ўғилларини ҳам Соатмурод, Сафар, Холтўра, кенжасини Савур деб танитди. Улар Давла билан қайтадан кўришиб, жой-жойларига бориб чўккалашди. Улар шу алпозда алла-маҳалгача суҳбат қуриб, ярим тундан кейин жой-жойларига бориб ётишди.

Давла яёв юрганиданми ёки толиққаниданми, ётиши билан донг қотиб ухлаб қолди...

## ДАВЛА КУРАШДА ҒОЛИБ

Давланинг қадди-қоматини зимдан кузатган, унинг истиқболига умид билан қараган Исмоил оқсоқол ўғилларига уни курашларга эргаштириб бориб, даврада синаб кўринглар-чи, деб тайинлаб қўядиган бўлди. Ҳалигача Давлани қуруқ савлат деб юришган эди. Ҳамма нар-

са ҳовлидаги қуриган дарахт тўнқасини қулатишда равшан бўлди-қўйди. Кўпдан уриниб, қулатишолмай қуриган дарахт тўнқасини Давла бир ҳамладаёқ авнатди-қўйди. Буни тирқишдан полвон йигитларнинг онаси ҳам кузатиб турган эди. Ўғиллари неча кундан бери битиришолмай қийналиб турган ишни бу йигит қаш-паш дегунча эплаганидан ичига қандайдир илиқлик югурди.

Бир сафар Давла оқсоқолнинг ўғиллари билан Оқтошнинг шундоқ бир чеккасидаги донғи элга овоза бўлган бир чавандознинг катта йиғинига борди. Олишиш аввал ёшлари борса ўн-ўн икки ёшлардаги болалардан бошланиб, бир пасда катталашиб кетди.

Бу курашда оқсоқолнинг кенжаси Совур ҳам бирдан йиқилиб, бутун акаларининг юзини ерга қаратди. Ҳайрият, Давла чиқиб бир қўлда юдуз санатди. Лекин кураш охирлаб ўртага бир парча матодан товоқ ташлаганда илқис бориб, Темирполвон кўтарди. Одамларга унга қарши мана шу йигит бир ўйин кўрсатади, дейишиб, Давлага ишора қилишди. Давла бошини ҳам қилиб, келган кунлари оқсоқолнинг айтган гапларини эслади. «Мана энди олти йигит, еттов бўлиб, тоғни ҳам жойидан силжитадиган бўлдинглар», деганди ўшанда оқсоқол, ахир қандоқ қилиб унга қарши курашади, ёқасидан ушлайди. Ҳатто Исмоил оқсоқолнинг ўзи аралашиб ҳам унга кураш тушишга розилигини ололмади. Бу сафар шу тариқа кураш тарқади. Лекин Темирполвон ўзидан Давланинг ўктамлигини сезиб ич-ичидан зил кетиб уйга қайтди.

— Темирбек сизга тенг топиламаса ҳам бунча хомушсиз? — деди қўшниси. — Ё бирор иш бўлдимми?

Бу оқшом Давла кенжа ўғилнинг орини олиб, у ҳам ўлжали бўлиб қайтган эди, оқсоқол тўйдан олган қўйни кўриб жилмайиб қўйди. Бу маъноли жилмайишни оқсоқолнинг хотини ҳам зимдан сезди.

Лекин кейинги сафарги йиғинда бутун эл-улус Давланинг зўрлигини билган шекилли, тана товоқни бирданита Давланинг номига эълон қилди. Давла баковулнинг бу ишидан норози бўлиб, тобоқни Темирполвонга қўйишни ялиниб-ёлвориб сўради. «Сиздан сўралмайди, кимга тобоқ қўйиш- кимга қўймаслик», — дея кўнишмади баковулар.

Ҳар тарафдан ҳалойиқ «Давла полвон ўртада айлансин, бўйибастини бир кўрайлик» дейишиб даврани бошига кўтаришди. Ахири бўлмай Давла қимтина-қимтина даврада бўй кўрсатди. Кўкрак мускуллари ўйнаб турган Давлани кўргач, ҳовур бир оз босилиб, сув сепгандек жимжитлик ҳукм сурди.

Энди эса ҳалойиқ, Темирполвоннинг давра қуришини билдиришиб қийқиришди. Темирполвон кўпдан курашмай соврин олиб одатланган эди. Ич-ичидан отасини койиди. Бу балойи-азимни қайси

гўрдан олиб келди, дея аччиқланган бўлди. Давла полвон доира чи-  
зиб айланишдан тўхтаб, отаси отда миндириб, уйининг тўридан жой  
берган одамнинг ўғлига кураш тушишни ор-номус билди.

Тинган қийқириқ яна қўзғалиб, бутун бошли элнинг казо-казо-  
лари унга келиб, «Полвон чиқинг эди. Сизнинг курашингизга ҳамма  
қараб турибди, ахир», — дейиша бошлашди. Ҳеч қайсисига унама-  
ди. Ахир оқсоқолнинг ўзи келиб Давланинг елкасига аста қўлини  
қўйди.

— Тургин ўғлим, курашда отангни аяма деган гап бор! Агарда  
менинг юзимдан ўтолмай турган бўлсанг, мен сенга рухсат бердим,  
— дея Давлани ўтирган жойидан қўзғатди.

Темирполвон баттар жаҳли чиқиб илдам айланар, қўйиб берса  
Давлани еб қўйгудек кўринарди. Давлани кўп айланишга қўймай, унинг  
олдини ўради. Улар одатга кўра курашди. Давла қўлини кўксига қўйиб,  
Темирполвонни олдинга ўтиб юришига ундади ва ниҳоят, икки алл  
йигит бир-бирини маҳкам чирмаб ушлади. Бир ушлашидаёқ Темир-  
полвон Давлада чексиз куч-қудратни сезди. Яна бир ушлашиб қойил-  
ман, деб чиқиб кетмоқни дилига тугди. «Темирполвон гурсилаб йи-  
килди», дегандан кўра, «қойил бўлди» деган гап дурустроқ эканлиги-  
ни фаҳмлади.

Темирполвон яна қайтиб, бир қўл Давла билан маҳкам сиқилиб  
ушлашди-да, даврадан чиқиб одамлар орқасига ўтиб кетди. Лекин  
Давла уни йиқитса бўларди, оқсоқолдан истиҳола қилди. Унинг  
раўйига қарши боролмади. Боқовул Давлани совринни олишга чор-  
лади. Лекин Давла бирдан совринни бориб олишга уялди. Бу ишни  
Исмоил оқсоқолнинг кенжа ўғли Совур элади.

— Балли йигит! Курашда отангни аяма деган гапга амал қилган  
ҳам яхши! — дея бир четда кийинаётган Давлага далда берди оқсо-  
қол.

Лекин дилини бир нарса куйдирар эди. Шу пайтгача кимсан оқсо-  
қолнинг елкаси ер кўрмаган Темирполвон ўғли бугун қойил қолиб  
турса, отага ҳам алам қилар экан! Лекин бир далда бор эди. Барибир  
соврин бегона бўлмади.

Кураш тугаб ҳамма уй-уйига тарқалиб, одамлар орасида шов-  
шув, ўзаро шивир-шивир бошланди. Давланинг кимлиги, қаердан ке-  
либ қолганлиги ҳали оқтошликларга маълум эмасди. Улар бир-бири-  
дан тинмай суриштирар, лекин биронтаси аниқ жавоб беролмас эди.  
Кимдир Қабодиёндан, яна кимдир Жиликўлдан, яна кимдир Ҳисор-  
дан деб ўзича фол очар, аммо у улар тахмин қилган жойдан бўлиб  
чиқмади.

Шу пайтгача кўпчилик Давлат деб атайдиган полвон бир-икки  
курашдан сўнг, Давла номи билан аталиб кетди. Эндиликда катта-



кичик Давлаполвон деб унинг исмининг ёнига полвон сўзини қўшадиган бўлишди.

Одамлар ўтирса ҳам, турса ҳам полвоннинг яқинда тўй бўлажagini, уч куннинг кундузи кўпқари, кечаси эса кураш бўлажagini ҳам айтиб қолишарди. Бир куни эртаги тўйдаги курашга қорабой Амин полвон ҳам келажagini қўшиб қўйишди.

Давланинг қулоғига Хўжамулки сўзи эшитилгач, болалиги ўтган, киндик қони тўкилган ўз юрти ёдига тушиб, бир-икки кун сархуш юрди. Ундаги ғамгинликни кўрган Гулойим ҳайрон бўлиб, пайт пойлаб сўз қотди.

— Давла ака, намунча хомушсиз?! Акамлардан биронтаси хафа қилдимми?

Давла у ён, бу ёнга қараб олдида, Гулойимнинг ёниб турган кўзларига, тиниқ чеҳрасига қарашга журъат этди.

— Ўзим шунчаки, сиз бор жойда мени ким ҳам хафа қиларди! — дея олди юрак ютиб. Бу гапни айтишга айтди-ю, ўзини ноқулай ҳис қилди. Гулойим бу гапдан хиёл жилмайиб ишига уннаб кетди.

Давладаги вашлик тарқаб, ўрнини аллақандай ажиб бир ҳис эгаллади. У шу пайтгача Гулойимнинг кўнгли бўлмаса, жеркиб берса, нима деган одам бўлдим деган ўй билан яшарди. Барибир, болалиги ўтган ўша Хўжамулкани ҳадеганда ёдидан чиқаролмай, устига-устак ота-онасидан эрта ажраб, Ҳакимбойнинг қўйини боққани, унда чўпон билан ораларида бўлиб ўтган мажоралар кўз ўнгидан ўтаберди. У ҳар қачонгидан хурсанд эди.

Эртанги тўй ўз юртида бўлаётганидан кўнгли таскинда эди. Иккинчи томондан бироз ҳаяжонда ҳам эди. Негаки, бу курашда елкаси ер кўрмаган Қорабой Аминдек полвон билан кураш тушиши керак эди. Кўп жиҳатдан шу курашга кўрсатажак ғайирлиги унинг бундан кейинги ҳаёт йўлини белгилаши лозим эди. Агар Қорабой Амин полвоннинг устидан валаба қозонса, оқсоқол ҳеч иккиланмай қизи Гулойимни кўзини юмиб Давлага унаштириб, тез орада тўйни бошлаш нияти ҳам йўқ эмасди. Давла оқсоқолнинг ниятини аллақачон пайқаган, ич-ичидан севиниб юрарди. У кўпдан бери шу ширин хаёл оғушида яшар эди. Кечки тамаддидан сўнг, Давла Гулойимга пинҳона қарай-қарай хобгоҳи томон аста одимлади. У енгилгина ечиндида, ўрнига чўзилиб, кўзларини юмиб эртанги бўладиган кураш ҳақида ўйлай кетди. Аммо Гулойимнинг ишқи ҳам унинг дилини куйдириб юборар, у ҳақида ўйлаган сари бошқа хаёллар ўз-ўзидан чекинардди. Шу зайл қанча маҳал хаёл оғушида ётгани аниқ ёдида йўғ-у, лекин эрта тонгданоқ оқсоқолнинг томоқ қиришидан салчиб ўрнидан турди...

## ДАВЛА ЎЗ ЮРТИДА

Исмоил оқсоқол ҳамишагидек бўз от миниб, оппоқ салласининг пешини бир ён қайириб, сипоҳиларга хос виқор билан борарди. Ёнидаги шоввозлар эса ўғиллари бўлиб, Давла билан олтовлон бир-биридан сину-синоатда қолишмас, ҳадеганда бир туп оломонни яксон қилгудек ҳар қайсининг кўзидан ўт чақнар, тўсатдан қаршисидан чиққан одам чиндан ҳам ҳайиқиши турган гап эди.

Улар узоқ йўл босиб бир тепалиқда тўхташди. Оқсоқол бўз отдан сакраб тушиб, таҳорат олишга шайланди. Шу пайт Давла чуқур нафас олди. Бир пайтлар яланг оёқ шу тепалиқда дам олгани ва йўлда оқсоқолга дуч келгани ёдига тушди.

Кеч кириб, қош қорайганда улар қаторасига ўтовлар тикиб ташланган, ташқарида бесаноқ қозонлар осилган, одамлари гужжа-гуж овулга кириб боришди. Отларни кўриши билан улоқчи отлар ер тепинишиб, бетиним кишнашиб қолишди. Тўйхонадан баковулнинг товуши чиқди.

— От жиловидан тутинглар, меҳмонлар келишди!

Биринчи бўлиб тўй хизматчиси келиб оқсоқолнинг бўз отининг жиловидан тутди. Галма-гал йилқиларни бир-биридан йироқ боғлашди. Меҳмонларни эса ўтовларга бошлашди. Ўтовда зиёфат қизигандан-қизиди. Учоқда эса арча, жулғун, ўтин чарсиллаб ёнарди. Қумфонда чой шарқилларди. Улкан қозонда чори кўйнинг гўшти ҳилпиллаб-ҳилпиллаб пишарди. Ўртага дастурхон ёзилди. Нонлар ушатишди. Машшоқ бахши дўмбира куйига, кўзини юмиб бош чайқарди. Бу тўй ўз даврининг ўзига тўқ кишиларидан Мадаминбойнинг тўйи бўлиб, ҳатто ўша куни тўйнинг маслаҳат ошига ҳам бир така ташланиб кўпқари берганди. Улоқ талашиб ҳориган бир-икки чавандоз ўртадан дастурхон олиниши билан пинакка берилишса-да, лекин оқсоқол бошлаб келган йигитлар эса гуруннга қулоқ бериб ёнбошлаб ётишарди...

Осмонда ой қалқиб, бутун Хўжамулки қишлоғининг қир-адирини нурга бурқади. Шериклари пинакка кетишгач, Давла аста остона ҳатлаб тоза ҳавога чиқди. Кўксини енгил эсаётган шабадага бериб, бир керишди. Уларнинг овули қишлоқнинг кунботар томонида эди, шекилли, у эслашга ҳаракат қилди. Ўз юртига келганини ҳали на оқсоқолга, на шерикларига билдирмаган Давла сир бой бермай ўтирарди. Осмондаги бодрокдек жимир-жимир қилаётган бесаноқ юлдузлар орасидан хаёлан Гулойимнинг юлдузини излади. Кўксини яна шабадага бериб, чуқур нафас олиб хўрсинди. Эртанги бўладиган кўпқари, тунда бошланадиган кураш ҳақида ўй сурди ва унинг олдида жиддий синов турарди.

Унинг курашда эришган ютуқлари оқсоқолнинг уйига шунчалик керак эди. Бутун Оқтош қишлоғида йигитлар орасида талаш бўлган Гулолим насибаси бўлиш-бўлмаслиги кўп жиҳатдан унинг галабасига боғлиқ эди. Айниқса, Қоробой Аминдек кураги ерга тегмаган курашчини йиқитиб, галаба нашъасини тотиш ҳазил иш эмас.

Давла шулар ҳақида ўйларкан, ўтовга келиб жойига чўзилгач ҳам то саҳаргача кипригига уйқу инмади. У шулар ҳақида ўйлай-ўйлай саҳарга бориб кўзи илинди...

## ДАВЛА ҲАМ КЎПКАРИДА ҒОЛИБ

Мадаминбой тўйининг доврўгини эшитиб, турли тарафдан келган чавандозлар ҳар ер-ҳар ерда отларини яланғочлаб совитишарди.

Уларда бир ният бор эди. У ҳам бўлса, тўйдан кичикроқ бўлса ҳам соврин билан қайтиш.

Ниҳоят, кўпкари бошланадиган бўлди. Тойчавандозлар улоқни бирикки судрашгач, навбат донгдор чавандозларга тегди.

Бош баковул овозини баралла қўйиб, ҳар тарафдан донгдор чавандозлар келганини, совринларнинг кичиги серка, энг каттаси туядан иборатлигини баралла айтди.

— Ҳо-ҳо-ҳой! Эшгитмадим деманглар! Бу оқшом каттакон олиш бор-ов-в-в! Кураги ерга тегмаган Қоробой Амин полвониям бо-о-ор! Чабоғонлар! Тагин эшитмадим деманглар! Ҳалоли айирасан<sup>1</sup>. Ип солиб чилвир ўтказиб овора бўлма, барибир зот бермайман!

Бош баковул тагин кўпкарининг барча қонун-қоидаларидан йиғилганларни огоҳ қилгач, гавдаси бесўнақай боши танасидан жудо қилинган серкани ўртага олиб келтирди.

— Ҳамма эшитсин! Кимки ҳалол айирса, бир кийизи, бир тўни, ўн червон пули бор! Оласан!

Бош баковулнинг хитобидан сўнг, барча чавандоз ўртадаги улоқ сари от сурди. Отлар бетиним кишнашар, айримлари иккала оёғини ҳавога кўтариб, оғзидан кўлик сочарди. Отларнинг оғзидан чиқаётган буғ бир-бирига бирлашиб, қуюқ туман сингари ҳавога ўрларди. Отларнинг туёқ изларидан кўтарилаётган чанг-тўзонда қайси чавандоз улоқни кўтаргани-ю, қайси бири ҳаракат қилишаётганини аниқ билиш мушкул эди. Шу пайт Тўриқ қашқа отлиқ ерда ётган залворли улоқни илкис ердан узди-да, отнинг сағрисига бир-икки аччиқ қамчи тортди. Қамчи зарбидан тўриқ қашқа отлар орасидан бир томон чаққон ирғишлади. Чавандозлар ҳайқириғи кўтарилди. Улар «қўйма-қўйма» дейишиб, ҳалиги Тўриқ қашқа минган чавандозни таъқиб

<sup>1</sup> Айирасан — бу ерда: совринни ҳалоллаб олиш.

қила бошлашди. Ҳали кўпкарини сирдан кузатиб туришган оқсоқол ўғилларига қаради:

— Бу чавандозни танидим. Бу оққопчиғайлик Туроб Амин чабохон! У бор жойда биронтасига улоқ тегмайди! Ана...

Шу пайт бош баковулнинг баланд овози «Ҳало-о-л!» деган хитоби янгради. Ҳалиги чавандоз эса оломондан анча-мунча ўзиб кетиб, улоқни ҳалоллаб ғалаба қилгани маълум бўлди. Чавандоз иккала қўлини ҳавога кўтариб ғалаба нашъасини сурарди.

Оқсоқолда ёшликка хос гайирлик уйғонганди. Тўнғичи Темирполвон унча-мунча кўпкарида соврин олиб ўз эли Оқтошда кўзга кўринганди.

Оқсоқолнинг ўғлига дегани Давлага ҳам айтгани эди. Ҳар иккиси шитоб билан отликлар орасига ўзларини уришди. Баковул эгардан бироз кўтарилиб, қўлини ҳавога узатди:

— Эшитмадим деманглар! Бу сафар зотни ошираман-ов! Бир хўкизи, бир ёқали тўн ва ўн червони бо-о-ор!

Чавандоз аҳли бор кучи билан улоққа ёпишди. Бу сафар Туроб Амин чавандоз ўзини тийди. Чунки чавандозларга хос одоб сақлади. Ҳозир соврин олволиб дарҳол қўрага тушибди дейишмасин, деган хаёлга борган эди.

Темирполвон қамчини тишида тишлаб улоққа энгашди. Бўлмади. Кимдир орқадан отнинг сағрисиغا қамчи тортди. От ирғишлаб олдинга ўтиб кетди. Темирполвоннинг қўли улоққа етмай қолди. Бу ҳолни кўриб турган Давла энгашди. Тагидаги бўз тарлон туриб берди. Давланинг улоқнинг бутидан роса ушлашига фурсат етганди. Давла улоқни тақимга қисгач, бўз тарлоннинг сағрисиغا бир-икки қамчи урди. Бўз тарлон отлар орасидан ёриб, бир томонга ўқдек отилди. Бировнинг кўзи илғади, бировнинг кўзи илғамасди. Оқсоқолнинг қулоғига бош баковулнинг «Бўз тарлонники ҳало-о-ол!» деяётгани келди. Чинданам Давла абжирлик қилганди. Бир пасда тўйнинг хўкизи соврини қўлга киритди. Ҳали ўзини танитмагани учун бу қарчиғай йигитнинг отини тутиб, эълон қилишига ҳам бош баковул улгурмаганди. Баковул номини амаллаб билиб олгач, «ҳозирги хўкизни айирган чобохон ҳисорлик Давла чобохон экан» дея баралла бақирди.

Шу тариқа Давлаполвон кўпкарининг бош соврини тирик туяни ҳам олиб, бутун йиғилганлар орасида ўзининг чинакам абжирлигини, зўрлигини намойиш этди. Худди шу пайтгача. Давланинг доврўғини фақат полвон деб эшитиб, чавандозлигини билмаган чавандозлар айримлари сиртида, айримлари ичида чапаналик билан сўкишиб, соврин тегмаганидан диллари хуфтон эди.

Оқсоқол эса ўзида йўқ севинди. Ҳатто ўғилларининг соврин олмагани ҳам хаёлидан кўтарилиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек димоғи

чоғ эди. Бу йигитни асло қўлдан қўябермасликни дилига қайта-қайта тугар, қизига совчи қўйган барча бойваччалар Давланинг тирноғига ҳам арзимаслигини қайта-қайта имон келтирарди... Тўйнинг кўпка-рисига шу тариқа якун ясалди.

## КУРАШ

Тўйга келган барча одам доира ясашиб, курашнинг бошланишини интизорлик билан кута бошлашди. Кўпкари чолиб соврин ололмаганларга эса курашдан ўчини олиш фикри тинчлик бермасди. Курашнинг доврўғини эшитган етти яшардан тортиб, то етмиш яшаргача полвонман дегани отли-пиёда етиб келганди. Қорабой Амин полвон бундан оддинги курашларда белисандлик билан барибир менга тенг келадигани йўқ қабилида иш тутган бўлса, бу сафар юраги ҳаддан зиёд ҳапқирар, кимдир Давланинг доврўғини керагидан ортиқча келтиргани аниқ эди. Ўзи ҳам бутун бўлиб ўтган кўпкарини ўз кўзи билан кўргани бунинг тасдиғи эди.

Қурнинг<sup>1</sup> бир чеккасида гулхан гуриллади. Бутун атроф гулхан шафағи ичра кўзга ташланди. Полвонлар бир-бирларини кўра оладиган бўлишди. Ёш полвонлардан бошланган кураш бир зумда катталашиб, одамларнинг ҳайқирғи аралаш қизигандан қизиди. Ҳамманинг нигоҳи Қорабой Амин полвон билан Давлада эди. Иккала кураги ер кўрмаган курашчининг беллашувини интизорлик билан кутишарди. Ниҳоят, тобоқ<sup>2</sup> ташланди. Тобоқ Қорабой Амин полвоннинг номига эълон қилинди.

— Биродарлар! Эшитдим, эшитмадим деманглар! Шу тобоқ ҳаммамизга маълум бўлган Қорабой Амин полвон номига ташланди. Кимки иштайи урса, юрагида ўти, танасида ғужури бўлса шу полвонга чиқман деб, қурни бир-икки айлансин! — дея бош баковул ўртада туриб баралла қичқирди.

— Атрофдан «йў-ў-ўқ» деган хитоб ҳам келди. Чунки Қорабой Аминполвоннинг тенги чиқмасдан совринни шунчаки олиб кетган пайтлари ҳам кўп бўлганди. Ҳамма ҳам курашга Давладай зўрнинг келганини қаердан билсин?!

Лекин қурнинг чеккасидан «Бо-о-ор!» деган хитоб баланд овозда чиқди. Барча шу тарафга аланглади. Бош баковул баланд овозда яна қичқирди:

— Яна қайтараман! Агар Қорабой Амин полвонга талабгор бўлса бўйини кўрсатиб, қурни бир-икки айланмаса, ҳисобмас, — дея яна бақирди. Шундан сўнг, ўрта бўй, яғриндор, кўкраклари, елкалари кенг бир йигит охиста бўйнига рўмол ташлаб, қил чакмон кийиб даврага

<sup>1</sup> *Қур* — кураш маҳал одамларнинг доира бўлиб туришлиги.

<sup>2</sup> *Тобоқ* — соврин.

чиқди. Барча бараварига: «Бунинг нимаси Қорабой Амин полвон билан олишади?!» — дейишди. Улар томондан ҳақ эди. Давланинг бўйи Қорабой Аминдан кўра пастроқ бўлиб, жуссаси хиёл япалоқ, бошдан-оёқ туташ келган билан фарқ қиларди.

Ҳар иккиси бир-бирлари билан гўё сирдош дўст сингари қуюқ кўришишди. Улар бир-бирини сиз биринчи, сиз биринчи юринг қабилада ундашиб туришгач, Қорабой Аминполвон Давладан ёши каттароқ бўлганидан биринчи гир айланиб кетди. Икки-уч айланишгач, қўлларини ялашиб олишди. Давла қўлига сув олиб овзини чайди.

Ниҳоят, икки полвоннинг ораларида қизгин кураш бошланди. «Ёпирим» деган Давла полвоннинг полвонларга хос ғайирлиги даврага эшитилди. Атроф сув қуйгандек жимида-қолди. Уларнинг чайир қўллари бир-бирининг ёқасидан туташганди. Қорабой Амин полвон рақибининг ичидан илдириб баландга кўтармоққа чоғланди.

Лекин қилган ҳаракати зое кетди. Давла айтган йўлига юрмади. Қорабой Амин полвон бошини чайқаб қўйди. Улар яна давра айланишда давом этишди. Бу сафар Давла полвон рақибининг олдини тўсиб чиқди. Ҳар иккисининг чайир билаклари ҳавога кўтарилди. Полвонларга хос қилиқ кўрсатиб, лапанглаб ўйинга тушишди. Давла рақибининг иккала ёқасини кўшиб тутдида, ўнг учасига олиб, Қорабой Аминнинг икки оёғини кўша қилиб чалди. Томоша талаб одамларнинг барчаси деярли ўринларидан туриб кетишди. Қорабой Амин полвон шунча кураш тушиб, бундай ҳолатга тушмаганидан бош чайқар, ўзидан зўр борлигига энди чинданам ишонганди. Шу пайт Қорабой Амин полвон гурс этиб ерга елкаси билан ағнай деганда ўзини ўнглаб олиб, иккала тиззаси билан чимлоққа келиб тушди. Полвоннинг залворидан иккала тиззаси чимга ботиб кетганди. Бу ҳолатни синчков кузатиб турган бош баковул иккала қўлини ҳалойиққа кўтарди:

— Биродарлар! Ким нима деса-десин йиқитган полвонники бўлмади. Елкаси билан урганда бошқа гап эди... Шундай эмасми, оқсоқол? — дея чеккароқда ўтирган нуроний кишидан сўради. Барча бўлди дейишса-да, Исмоил оқсоқол тараф жим ўтира берди. Шу пайт устбошини қоқиб Қорабой Амин полвон ўртага чиқиб келди.

— Дўстлар! Оға-инилар! Бу ерда бир гап бор! Шу пайтгача мен ҳеч бир полвон елками ерга теккизиш у ёқда турсин, ҳатто яктизза<sup>1</sup> қилган эмас! Агар шу нарсани ҳисобга олсак, шу полвон инимизники ҳисоб бўлди.

Полвон одам қандай бўлмасин, мард бўлиши, қўлини кўтариб даврандан чиққач барчанинг ҳовури босилди. Соврин Давла полвонга тегди. Давла полвон қўлини кўтариб тойчоқ етаклаб ўртага чиқди.

<sup>1</sup> Яктизза — бир тиззасини ерга тегизиш.

— Оча-инилар! Бир дақиқа қулоқ берингизлар! Шу полвон акамиз мени ҳурматлаб, яқтизза бўлишига қарамай, мени ғолиб ҳисоблаган бўлса, мен ушбу зотни ўз ихтиёрим билан қўш-қўллаб у кишига топширсам?! Рухсат берингизлар?!.

Алқисса, Давла полвон айтганидек, бош соврин Қорабой Амин полвонга улашилди. Ҳалойиқ гуруллаб дуо беришди.

Қорабой Амин полвоннинг устидан қозонган Давланинг ғалабаси оқсоқолнинг хонадонига унинг мавқеи янада ошишига олиб келди.

## ОҚСОҚОЛ ХОТИНИ БИЛАН КЕНГАШДИ

Тўйдан тўлиб-тошиб қайтган ўғилларини кўриб, оқсоқолнинг аёли Бибиойша ҳам ўзида йўқ суюнди. Нарсаларни бир-бир кўздан кечираркан онахон севиниб Давланинг елкасига қоқди.

— Улим, сизни ўз улларимдан ҳечам кам кўрмайман. Ўнта бўлса ўрни бошқа, дейишган-а! Меҳмон келар эшиқдан, ризқиси тешиқдан...

Давла унинг гапларидан ўзида йўқ суюнса-да, сир бермай навбатдаги тўйга жўнаб кетди. Оқсоқол ўғиллари йўғида хотини билан кўпдан кўнглида тугиб юрган бир тадбирини ҳал қилиб олишни режалаштирган эди. Анчадан бери қўшни қишлоқдаги Тўғонбой исмли бой ўғли Эрнийезга Гулойимни сўратиб, оқсоқолнинг ҳоли-жонига қўймай келарди. Мана пайти келганида оқсоқол гапни шундан бошлади.

— Нима дейсан, хотин қизимиз бўй етганини эшитиб, Тўғонбой қулоғимга тегизиб, қизингизни ўғлимга берасиз, деб ҳар кўрганида офиз солади. Ахир қизингнинг тушган жойидан туйниги кўриниб турсин, деган гаплар бор.

Бибиойша эрига юзланди-да, гапни шартга бўлди.

— Ахир хонадонимизда топиш-тутиши бир олам, туппа-тузук йигит туриб, уни қўлдан чиқармоқчимисиз?

— Бой бўлса, бор-йўғини бира-тўла қўшиб берармиди? Ким қиз сотиб бой бўлган?

Исмоил оқсоқол ҳам қизини бегона қилиш нияти йўқ эди. Хотини синаш шартда берган гапи кўнглидагидай чиқди. Давла келгандан буён оқсоқол кам бўлмади. Бирпасда кўраси қўй-эчкига тўлди. Ҳовлисида қўша-қўша ҳўкиз-қулун пайдо бўлди. Юкида қати бузилмаган гилам-кигизнинг сони ортди. Чол кампир булар ҳақида ўзаро суҳбат қуришиб, орқаворотдан қизи Гулойимнинг суҳбатни пойлаб турганини сезишмаган эди.

— Ҳа, майли, тўғри айтасан бинойидек, тоғни талқон қилгудек йигит турганда, умри бино бўлиб тўйдан битта зот олмаган Тўғоннинг шу қуруқ ули тушдими бизга! Сен айтганча бўла қолсин!

Эрининг бу гапани пойлаб турган хотинига жон кирди.

— Мана, энди ўзингизга келдингиз! Қайси гўрдаги отасининг мол-дунёсига суяниб умрида бир мири топмаган йигитни кўндаланг қиласиз. Хотин эрнинг вазири деб бекорга айтмаган, билиб қўйинг!

Ташқаридан Гулойим ичкари бош суқди-да, уларнинг гапи бўлинди.

— Давлат акамлар тўйдан бир тана олиб келди.

— Барака топгур тўйнинг охирига етса ҳам қуруқ қайтмабди-да, — деди Исмоил оқсоқол севиниб.

Давланинг бу хилда қайтиши ҳозирги бўлаётган ўзаро маслаҳатларга худди атайлаб қилингандек эру-хотиннинг кўксини тоғ қилиб юборди. Улар бир-бирларига қарашиб, сирли жилмайиб қўйишди-да, оқсоқол ўғилларидан бирини чақирди.

— Темир, Сардор...! Тезроқ чиқиб кўрани очиб охурини тушириб олинлар, дея оқсоқол ташқарига чиқди-да, ўғилларига хитоб қилди.

Давланинг кўзи бир четда юзлари лов-лов ёниб турган Гулойимга тушиши билан бўшашди-қолди. Бундан олдинги ота-онасининг гап сўзларидан кўнгли тўқ бўлган қиз ўзини Давладан хиёл олиб қочиб уринди. Бу сирдан ҳали огоҳ бўлмаган Давлада бошқача ўй пайдо бўлди. Мабодо менинг йўғимда оқсоқол биронтасига Гулойимни ун-нашиб қўймадимикан, деган хаёлга ҳам борди.

— Оқсоқол бобо! Бугун иш унча юришмади. Кўпкари тарқай деган маҳал борибман. Агар эртароқ бўлганда...

— Ҳечқиси йўқ! Шунисига ҳам шукур! Акангларнинг қалашиб уйда ётишини қара. Э, садқай Темирчабохон деган ном кетгур...

Оқсоқолнинг уйига катта дастурхон ёзилди...

## СОВЧИЛАР ҚУРУҚ ҚАЙТИШДИ

Вақт пешиндан ошган пайт оқсоқолникига икки отлик тепадан эниша бошлади. Эшик-орани супириб-сидириб юрган Бибиойша отлиқларни таниди. Исмоил оқсоқол эса ичкаридан пешин намозидан сўнг, тасбеҳни ўтириб алақандай калимани пичирлаб ўтирарди.

— Ҳой отаси, туринг, меҳмонлар келишди, — деди оқсоқолнинг аёли.

Оқсоқолнинг кенжаси Совур чаққон ҳаракат қилиб иккала йилқини ҳам бир-биридан йироқроқ боғлади-да, эгаларини меҳмонхона сари бошлади. Улар оқсоқол билан қуюқ сўрашиб, бир-бирларини ясама тавозе билан ичкари таклиф этди.

— Илоҳи омин, биз келдик, бало келмасин! — дея Тўғонбой юзига қўлини суртди. Бошқалар ҳам бараварига қўлларини юзига олиб бо-ришди.



Исмоил оқсоқол бир-икки йўталгач, ўртада ҳамма нарса муҳайё бўлди. Тўнғич ўғил Темирполвон келиб адоқдан катта хум чойнакдаги чойни ҳафсала билан қайтарди. Дастурхонга янги қовурма тортилди. Тўғонбой қилинаётган зиёфатдан ўзича хурсанд эди. Ич-ичидан қуруқ қайтмасмиз, деб севинарди. Ахири у мақсадга кўчди.

— Тақсирим, айбга буюрмасалар, илгарилари ҳам бир-икки қуло-вингизга текизиб эдим, эсингиздан чиқмагандир оқсоқол?!

Кўпдан бошини хиёл эгиб, гапга қулоқ бериб турган оқсоқол тил-га кирди.

— Эсимда, бир қиз бўлса-у, қочмасдик... Лекин... Оқсоқол бироз тараддуланди-да, давом этди, — Қизимиз эгали-да, тақсир...

Исмоил оқсоқолнинг кейинги гапи негадир жуда синиқ чикди. Бу гапдан Тўғонбой кўлини чаққон артди-да, юзидаги севинчидан асар ҳам қолмай, ўрнини киши билмас, аллақандай жаҳл аралаш вам эгаллаган бўлди.

— Ие, шуни олдинроқ айтмайсизми?! Биз сизларга ишониб, казо-казо жойлардан қолиб ўтирибмиз, ҳали!... Ким экан ўша сизнинг бизлар оғиз солган қизингизни эгаллаб, эшингизга келишга журъат этган? Билсак бўладими? ...

Оқсоқол энди очигини айтмаса бўлмайдиган бўлди. Ёнига Биби-ойшани ҳам чорлади.

— Қани ўзинг айтчи, бор гапни! Мен сенга нима дедим!..

— Келган оёқларингиздан айланай совчижонлар! Қизимизни уйимизда кўпдан хизматимизни қилиб юрган йигитга унашиб қўйганимизга кўп бўлди. Ёлғоннинг нима кераги бор...

Кўпдан жим ўтирган тўнғич Темир ялт этиб онасига қаради. Лекин шу пайтгача гапини икки қилмагани учун юрак ютиб бирор нарса дея олмади, чунки бу ишлардан ўғилларининг ҳали хабари йўқ эди.

— Ҳали шунақа денг! Бир яланг оёқ деб бизларни... Бўлмаса бизлар кетдик! — дея Тўғонбой ирғишлаб ўрнидан турди. Аччиқдан юзи қизариб Совурнинг йилқини етаклаб келишига ҳам қарамай, ўзи илдам отга миңди.

— Билиб олингизлар, одамда лабз деган гаплар бор!

— Сизга ким лабз қилиб эди? — деди ўктамлик билан оқсоқолнинг хотини уларнинг орқасидан.

Отга аччиқ қамчи босган иккала отлиқ тезда кўздан ғойиб бўлди. Бу сирдан хабардор бўлган Темирполвон воқеани хотинига оқизмай-томизмай етказиб борди. Бутун овсинларнинг қулоғи динг бўлди. Улар пана-панада қайинсинглиси Гулойимни чорлаб: «шу гап ростми, ё ёлғонми», дея сўроққа ҳам тушишди. Ҳар гал сўрашганда Гулойим жавоб бериш ўрнига рўмолини қоши узра тушириб қочиб кетарди.

Кўздан Темирполвон тумшуқ қилиб, ичидагини ота-онасига билдирмай юрганди. Чунки Давла келиб унинг йўли бойланган. У олиш керак бўлган совринларни Давла олар, унинг номи бироз бўлса-да сусайгани аламини келтирар эди.

— Фарзандлардан яширадиган гап ҳам бор денг ҳали? — деди бир сафар Темирполвон онасига.

Сўнг яна бир-икки офиз кинояли гаплар билан дилининг гашигини тарқатгандай бўлди.

## НИКОҲ ТҶЙИ

Давла билан Гулойимнинг никоҳ тўйини оқсоқол кузакка белгилади. Тўкин-сочинликни кўзда тутгандир, эҳтимол. Акалари ҳам бир-икки тумшуқ қилишиб, кўниқди-қолди.

Исмоил оқсоқол ният қилган эди. Қизи билан куёви Давланинг никоҳ тўйида бир кунлик кўпқари ҳам берди. Фақат шу атрофдан Тўғонбойнинг қавмидан бошқа барча чавандоз йиғилиб, кўпқарини қизитгандан-қизитди. Давла билан Гулойимнинг никоҳ тўйи базми-жамшидга айланди. Ҳар тарафдан машшоғу бахшилар кела беришди. Ота-боболар удуми қилинди. Бир-бирларига бир умр содиқ қолсин учун Давла тўнига қўшиб Гулойимнинг адрас қийиғини куртага ипак билан боғлаб қўйишди. Хотин эрдан ўктамроқ бўлсин учун оёқ босар удуми ҳам четда қолмади...

Атрофга оқшом чўкиб, висол онлари бошланай деб ҳам қолди. Улар бир-бирларига киприк қоқмасдан бирпасгина термулишди-да, ўтли нигоҳларини бири-биридан олиб қочишди. Ҳаприққан юраклар бир-бирига талпинди. Давланинг томирларига йигитликка хос ғужур ғулу солиб, Гулойимнинг нозик билагидан оҳиста ушлади. Қиз эса юзини тесқари олиб, бир-икки силтанди. Йигит қаллиғининг юз-кўзларидан ютақиб бўсалар олди. Улар гўё бир зум дунё ташвишларини унутгандек бир-бирининг бағрларига сингишиб кетдилар.

... Давланинг довруғи тобора ошгандан ошди. Унинг тенги йўқ полвонлиги, дўмбира черитса, ҳатто карвонни бир зум тўхтата олиш қобилиятидан, кўпқари чолса, ҳеч бир чавандоз ундан улоқни юлқиб олишга қодир эмаслигидан деновлик Берди додҳо хабардор бўлганди.

Кунларнинг бирида Берди додҳо Давлани ўз саройидаги бир зиё-фатга чорлади. Бибиойша бир ўзи боришдан кўра деб тўнғич ўғил Темирполвонни ҳам куёвининг ёнига қўшди. Давла тевараги баланд девор билан ўралган сарой дарвозасидан кираркан, додҳонинг нима мақсадда чорлаганини билолмай, ҳар хил хаёлга ҳам борди. Хизматкорлар пойи-пиёда югургиришиб қолишди. Қолганлар эса додҳо ва

эшик оғаси билан бирга чиқишди. Бошқа мулозимлар эса қўл қовуштиришиб сал четроқда бошларини эгиб туришди.

— Илоҳи додҳонинг мартабаси бундан ҳам зиёд бўлиб, давлатига давлат қўшилсин. Жанобларининг саломатлигини Оллои-талло ўз паноҳида асрасин! Илоҳи ом-и-ин, дея ҳамма баракайига юзига фотиҳа тортишди. Бу сўзларни сарой эшони баралла айтди.

— Хуш кўрдик, паҳлавон! Уй-ичингиз, бола-чақангиз, қавмуқариндош қалайлар?! Йўл юриб от толиқтириб қўймадими? — дея эшик оға биринчи бўлиб ҳол-аҳвол сўрашди, сўнг уларни меҳмонхонага бошлади.

Давла бир оз жойлашиброқ ўтирди-да, қайноғаси Темирполвонга қараб қўйди. Бунда мен кичикман, аввал сиз сўрашинг деган маъно бор эди. Улар наридан-бери ҳол-аҳвол сўрашгач, ўртага дастурхон тортилиб, оппоқ бўрсилдоқ нонлар келтирилди. Меҳмонхона дарчасидан тушган қуёш нурларидан устидаги симобий тўн ял-ял товланиб берди, додҳо оҳиста гап бошлади.

— Хўш полвон! Сизни ҳузуримизга бир мақсад ила чорлаган эдим. Айтишларича, сизнинг овозангиз бутун оламга ёйилмиш. Бири елкаси ерга тегмас паҳлавон деса, бири улоқ бермас чавандоз дейишади. Дўмбира қўлингизга тушса сайратиб юборармишсиз... Унику бутун эшитамиз. Мен бир нарсага кўпдан қизиқаман. Пойга кўрмаганимга кўпи билан ўн йилча бўлиб қолди-ёв! Агар пойга ҳунарлари бўлса бир кўрсатса, хуморидан чиқиб мириқиб томоша қилсак деган эдим, полвон?!.

Додҳонинг асл мақсади пойга кураш ҳам эмасди. Гапни айлантириб Давлани саройнинг паҳлавони сифатида олиб қолишни дилига тугган эди. Бирданига айтишга эса тили бормади. Шу аснода Давлани синаб олмоқни ҳам дилидан ўтказган эди-да.

Давланинг ёнбошидан гардиши кашталанган, бош тарафига гулдор тупак тақилган дўмбира келтириб қўйишди. Лекин Давла пойга ҳақидаги саволга жавоб бермаган эди, ҳали.

— Таърифимни бироз ошириб юбордингиз, қуллуқ пойга деса чавандозда жон қолармиди?! Дилингиз пойга тусаган бўлса, ё насиб қўлдан келганча ҳунаримизни кўрсатамиз, — деди воят мулојимлик билан Давла.

— Баракалла, паҳлавон! Унисини эртанга қолдирамиз. Бу оқшом эса биз учун дўмбира бас! Дўмбира эшитиб мириқамиз! Хоҳласангиз ҳузурингизга зананалар<sup>1</sup> ҳам ташриф буюришади, йигит! — кулди Додҳо, Давла қайин оғаси олдида бир оз ҳижолат бўлди-да, ўзини ўнглаб бош чайқаб, кераги йўқ ишорасини қилди. Додҳонинг ҳали

<sup>1</sup> Занана — жувонлар демоқчи.

Темирполвон Давланинг қайноғаси эканидан хабари йўқ эди. Давла ёнидаги дўмбирани олиб созга солиш учун қулоғини бурай бошлади...

## ДАВЛА ПОЙГАДА ҒОЛИБ

Саройдан анча четда, даштнинг ўртасида пойга жойи мўлжалланди. Атрофга жарчилар юборилди. Саройдаги қари-ёш Давланинг довуруғини эшитиб, ялангоёқ, ялангбош эргашишган, ҳеч бўлмаганда Давланинг бўйини бир кўриб қолишга зор бўлган қизлар девор оша мўра-лашиб, қиқирлашиб, бўй-бўйлашиб бир-бирига навбат бермайди. Пойга туташ жойига оқ ўтовлар тикишиб, қўйлар сўйилиб, қўша-қўша қозонлар осилган. Карнай-сурнай чалиниб Давла бўз тарлонда пойгабоши томон йўл олди. Шарт қуйидагича белгиланди: Додҳо қирқта манаман деган улоқчи отини, шунга яраша қирқта шаввозини Давла билан пойга қилишга қўядиган бўлди. Лекин Давла яёв, улар эса от минишадиган бўлди. Бунга барча ҳайрон, ҳатто қайноғаси Темирполвоннинг ҳам ҳуши бошидан учди. Додҳо эса кўм-кўк ўтлар устига гилалардан тўшаттириб, пойганинг яқун ясаладиган жойига қараб турадиган бўлди. От минган йигитлар, Давлани галварсликка йўйиб, ўзаро зимдан кулишарди. Бошида ҳуши бўлса отликқа қарши пиёда ҳам пойгага тушадими деб, мазах қилишарди. Хуллас, тайин қилинган пойга вақти-соати ҳам етиб келди. Отликлар ипга тизилгандай қатор бўлишди. Давла эса парвойи палак, гўё ҳеч нарса бўлмайдигандай жилмайиб турарди. Қирқ отлик ва Давлага пойгани бошлаш руҳсати берилди. Баковулнинг рўмоли пастга туширилгач ҳам Давла қимир этмай тураверди. Шартга кўра қўйилган ўн чақирим жойнинг деярли бир чақиримини отликлар босиб ўтишганда Давла ўқдек отилиб жойидан қўзғалди.

Давлага раҳми келган етим-есирлар ачинганидан далда беришар, гўё Давла орқада қолса, уни бирёқли қилиб юборадигандай ҳис қилишарди. Давла қўйнига солган қарс-қуйруқнинг бир бўлагини танглайига ташлаганда отликлар ярим йўлни босиб қолишган. Танглайига тушган қуйруқ оғзида эриб Давланинг чанқоғини босгандай бўлди. Шитоб билан пишқириб кетаётган отлар оғзидан кўпик сочиб бирин-кетин ортда қолаберди, отлар кўпдан арпага боқилиб, ҳали кўпқарига фурсат борлигидан етарли совутилмаган, тезда ўпкаси тошиб, қора терга тушиб қолишган эди. Устидаги йигитлар уялгандан бетиним қамчига тутгани билан отлар, илгарилаш шаштидан қайтиб, оғзидан кўпик сочарди. Давла бир сакраб энг орқада бораётган отлик йигитнинг бошидаги тўлдирма ироқи дўпписини олди-да, қўйнига урди. Шу алпозда бирин-кетин йигитлар бошларидаги дўппиларидан ажралишди. Пойгоҳга ҳали икки чақиримча масофа бўлишига қарамай

Давла отликлардан олдинга ўтиб олганди. Буни кўрган барча халойиқ ёқасини ушлаб, айримлар тушимми ё ўнгимми, дея «астафзурулло» дейишарди.

Шу пайт ажойиб воқеа юз берди. Додҳо қаршисида ҳаммадан илгари етиб келган Давла иккала қўйнидаги дўппиларнинг барчасини тўкиб солиб, ўзи эса терини қотириш учун яна югуриб кетди. Берди Додҳо бир Давлага, бир йигитларга ва ердаги дўппиларга қарар, нималар бўлаётганига тушунолмаб боши қотганди. Йигитлар эса бошларини ҳам қилишиб, унинг юзига қарашга ботинолмасдан узоқроқда туришарди.

— Э, ҳаром ўлгирлар! Сенлар нимага ярайсанлар, ўзи?! Тағин отдамиш... Додҳо ғудранли.

— Бу зангарга чинданам худо берган кўринади. Бўлмаса отни рад этиб, яёв пойгага чиқмасди. Балки кўзимизни...

Додҳо торпешона, соқолига ора-чора оқ оралаган мулозимнинг ясама гапидан баттар бўлди.

— Бас қилинг!... Кўзимизни боғлаганмиш... Ҳаромтомоқлар! Фолиб йигитни бу ёққа чорланг! Бошидан танга сочиб, зарбоб тўн кийдиринг! Қандай бўлмасин, саройда қолишига кўндиринг. Сенларнинг мингтангдан шунинг бир ўзи афзалроқдир.

Давланинг ҳовури босилиб, энди тери қотай деганда Додҳо ҳузурига чорлаётган хабарни етказишди. Давлани Темирполвон етаклаб, терини артиб, рўмоли билан елпиб юрганди. Аввалига бу чорловдан хиёл чўчишди ҳам, лекин йиғилган халойиқ тинимсиз «Давла, Давла»... дейишиб олқишларди. Тумонат одам Давлани ўраб олишиб, унга олқишлар ёғдиришарди. Давла толиққан гавдасини тик тутиб Додҳонинг қаршисига келди. Қўлини кўксига қўйиб, пойга томошасидан мамнун эканлигини сўради:

— Пойгадан кўнгиллари тўлдими? Йигитлар отларни етарли совутмаган эканлар...

Додҳо Давлани бағрига босди. Унинг ҳали бирон кишини бағрига босиб ютуғидан севинмаганини кўриб, барча саросимага тушиб қолишди. Айниқса, саройда тилёғмачилик қилиб кун кўрувчилар кўрқувдан зир-зир титрар, улар «саройдан кеткизса ҳолимиз не кечади», деган ўйга ҳам боришганди.

— Йигит, чинданам худо берганлигини исбот қилдинг! Олиб келинг косани! — бақирди Додҳо.

Мулозимлар тангалар тўлатилган косани бошидан то адоқ тўкишди. Темирполвонга уларни териб, белбоққа туғишини бужорди. Темирполвон ва хизматкорлар тангаларни белбоққа тутишга-тутишди-ю, лекин Давла уларни агрофга йиғилган камбағал-қашшоқларга бўлиб беришни илтимос қилди. Танга теккан бева-бечоралар қўлларини фотиҳага ёзи-

шиб, узундан-узоқ Давлани алқашди. Унинг номига сон-саноксиз олқ-ишлар ёғдиришди...

Давланинг галабасига бавишланган тўй тантанасининг давоми саройда давом этадиган бўлди. Фолиб йигит устига кийгизилган зарбоп тўн, унга совға қилинган тўриқ от Давлага янада куч-қувват бағишлади. Унинг олдида бир масала кўндаланг турарди. Саройда қолиш ёки қолмаслик. Давла шу пайтгача саройга кўникмаганидан бу ерда қолгиси йўқ эди. У дала-даштга ўрганганди.

— Ҳамма нарса ўз йўлига. Хўп десанг, бир таклиф бор, — дея гапни узоқдан бошлади Додҳо, — сендай шерюрак, паҳлавон йигит фақат бизнинг саройгагина муносиб. Давлатимнинг яrimi ҳам сеники. Хоҳла менга ёрдамчи бўл, хоҳла сарой полвони бўлиб қол! — деди муддаога кўчиб.

Давла шундайга ҳам уч кундан буён саройда сиқилар, устига-устак Гулойим билан тўйлари бўлиб ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унга кенг адир-худудсиз чўлу-сахро кераклигини бу ердагилар тушуниб етар деганди...

— Менга кўрсатган барча иззат-ҳурмат учун сизга қуллуқ. Лекин мен кенгликни ёқтираман, болалигим ҳам дала-даштда ўтган. Ўзим саройга сиққаним билан, кўнглим сизмайди. Менга энди оқ дуо берсангиз, бас! Мен уйли-жойли одамман, бунинг устига...

Додҳо ҳарчанд уринмасин, барибир Давла саройда қолишга кўнмади.

## ҚАРОҚЧИЛАР ҚУРШОВИДА

Орадан йиллар ўтиб Давла киндик қони тўкилган ўз юртини бир кўрмоққа муштоқ бўлди. Ота-онасининг қабрини зиёрат қилиб, бундан кейинги ҳаётини тоат-ибодатда ўтказмоқни ният қилди.

— Мен бир ҳафтагача бир жойга бораман, — деди хотини Гулойимга, — тагин ҳаяллаб кетсам, алағда бўлманглар, ҳафта ўтар-ўтмас, етиб келарман...

— Тагин қаёққа? Тўйгами?

— Бу сафар бошқа томонга, сени ҳам бир кун олиб борарман. Ҳозирча...

Давла бир оқшом қайнота-қайнонасини, қайноғаларини уйига чорлаб, дилидаги ниятини айтиб, уларнинг рухсатини олди. Ёши улғайган сари тувилган жойига, ота-онасига бўлган чанқоқлик Давлага тинчлик бермас, ёши ўтган сари уларнинг қадри кўпроқ ўтаётгандай, ўзини бу ерда бегона ҳис қиларди. Гулойим билан тўйлари бўлиб ўтгандан кейин икки йил ўтар-ўтмас ўфилли бўлишди. Мана Ширинбек атак-чечак чопқиллаб юриб кетганига кўп бўлди.

Дастурхонга фотиҳа ўқиш чоғида қайнотаси томирлари бўртиб чиққан титроқ қўлларини дуога ёйиб, Давланинг сафар олдидан омон-эсон бориб келишига оқ фотиҳа берди...

Давла жўнаш олдидан ечиниб ўрнига чўзиларкан, бутун ўтган умрини сарҳисоб қилди. Кўзларига ҳа деганда уйку илина бермади. Мана шу ўтган умри давомида беҳисоб кўлқари чопди, бесаноқ қўй-эчки соврин олди, лекин бир нарсани унутай дебди. Ҳали бирон марта ота-онасини эслаб, уларга атаб хатимқуръон, иси-чироқ қилай демабди.

Кўпни кўрган бўлишса ҳам Исмоил оқсоқол ва хотини ҳам унга эслатмабди. Шулар ҳақида ўй суараркан, бетизгин ўйларининг чеки кўринмас, албатта бу хатосини тузатажаги кераклигини англаб етди. Шулар ҳақида ўйлаб-ўйлаб кўзи илинди. Давлага кимдир ота-онасини зиёрат қилишга борса яёв боргин, шундагина зиёратинг ижобат бўлади дея насиҳат берган эди. Шу боисданми, оқ тарлонни минай демади. Пиёда, оёқлари толиқиб борса, гўё ота-онасининг арвоҳи шод бўлиб, унинг руҳияти енгил тортадигандек туюлди.

Қанча яёв юргани аниқ ёдида йўқ, лекин бир тепалиқда оёғини чўзган ҳолда дам олмоқ учун пинакка кетди. Бир вақтлар бу ерларда Абдишукур чўпон ва унинг ўч олиш пайи бўлган қароқчилар, унга рўпара келишга ҳайиқиб юришарди. Давланинг хаёлидан алақачон кўтарилиб, энди унут бўлаёзган воқеалар, ҳали жабр кўрган чўпоннинг ич-ичидан кемириб юрганини Давла қайдан билибди?

Давла чўзилиб ётган жой уларнинг овулига яқин бўлиб, бир чўпон кўпинча шу тепалик ортидан сурувни суворишга ҳайдаб ўтарди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

«Ие, — деди чўпон ҳушёр тортиб, тепалиқда бундай маҳал бемалол дам олаётган мард ким бўлдики?», — деди ўз-ўзига ва ўша томон аста одимлади.

Чўпон қай кўз билан кўрсинки, Давла чалқанча ётар, ҳали бери туриш нияти йўқ эди. Чўпон қадамини янада секинлатиб овул томон чопқилади. Шериклари ўтовда экан. Кечагина қўлга туширган ўлжани ўртага олиб, қўйдан бирини сўйиб, қовурдоқ қилишаётган эди. Чўпон нафасини ростлаб:

— Бери келинглар! Ҳалиги бор-ку, ҳалиги зўр ахир у, худонинг қаҳри, тепалиқда...

Барчаси ўридан туриб Давла ётган тепалик сари чопқилашди. Ўғрибоши Шодмон калта заранг таёқ билан, қил чилвирини ҳам олишни унутмаган эди.

Абдишукур чўпон кўзининг ўти шунчалик олинган эдики, ҳатто уйқудаги Давланинг қорасини кўриб шайтонлади. Унинг саси чиқмас, нафаси ичига тушиб кетганди. Бир нарсалар деб гудранар, гап

фақат Давланинг уйқусида таппа босиб тутиб олиш кераклиги ҳақида бораётгани аниқ эди. Шодмон калта қўлини пастга ишора қилди-да йигитларга аллам балоларни ўргатгандай бўлди. Ўзи эса қўлидаги қил чилвирига ишора қилиб бирдан қўлларини қайириб боғлаб олишни шивирлади. Улар режа бўйича Давлага ҳар тарафдан ташланишди. Давла уйқули кўзларини очиб, атрофга назар солгунча бошига келиб тушган заранг таёқ, унинг тик қадини буккан эди. Давла харчанд типирчилаб, қутулишга уринмасин, орқасига қайириб боғланган қўллари ҳалал берар, кўпроқ ҳаракатга келса, қил чилвир қўлларига ботиб борарди.

— Номардлар! Ўзи йигитмисанлар?! Қўяберинглар? Агар эркак бўлсаларинг, қўябериб гаплаша беринглар! Қочган номард!...

Давланинг дод-войига қулоқ солмай уни ўтовга келтиришди.

Шодмон калта Давланинг оғзидаги латтани олишга буруқ берди.

— Қани зўравон, гапирчи?! Қўлга тушар экансан-ку?!

— Номардлар! Бу эркакнинг иши эмас! Қўлларимни ечинглар.

— Ҳали шунақами?

— ...

Абдишукур аламини олмоқ учун заранг таёқни Давланинг боши узра кўтариб эди, лекин Шодмон йўл қўймади.

— Бас қил, Абди! Бугуннинг эртаси ҳам бор... Бу бизга керак...

— Ҳали шунақами?..

— Ҳа, шунақа!..

Ўғрибошига Давладек паҳлавон кўздан керак эди. Чунки сурувдан қўй бўлиб қочгудек бўлса, манман деганида бас келадиган одамга кўпдан муҳтожлик сезишарди. Шунинг учун ҳам унга хушомад қилишга ўтди.

— Таёқни ташлаларинг! Ҳамманг ташқарига чиқ! Бу паҳлавон йигит билан битта ўзим гаплашаман. Қўлларини ечинглар...

Қўли ечилган Давла қўлини чилвир қийган жойларини аста силади. Таёқ зарбидан зирқираган бошини ушлаб қўйди.

— Хулмас, полвон йигит, гап бундоқ, — гап бошлади Шодмон, — хоҳла бизга бошлиқ бўл, хоҳла олиб келинган молларга эгалик қил. Лекин дангали сендай зўр бизга жуда керак. Ўтган ишга салавот! Нимаики гуноҳ ўтган бўлса, ҳар икки томон ҳам бугундан эътиборан ўтин қилдик.

— Энди эсларинг кирдимми? Анави қайда? Бир бошлаб адабини бериб қўяй! Бир таёқни ўн таёқ қилиб қайтариб олай, кейин айтарман гапимни?!

— Сен полвон йигитсан. Довруғинг етти иқлимга кетган! Бориб-бориб, бир ялангоёқ чўпон билан тенг бўлиб ётасанми, энди ўтган ишга салават, дедикку?!.



— Хуллас, гап бундай. Мен энди қолган умримни тоат ибодатда ўтказишга қарор қилдим. Қароқчилик, йўлтўсарлик менга ёт нарса! Бу ишни авлод-аждодим қилиб кўрмаган. Нонимизни курашиб, кўпқари чопиб топиб еганмиз. Ўғрибоши бўлиш менинг етти авлодимга бегона...

— Яхшилаб ўйлаб кўргин! Замонага қараб иш тут! Биз уй-жойдан бешиб, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб юрибмиз. Ишлай десак иш кўп-у, лекин бўйин совиб кетган.

— Ҳали ҳам бўлса бу ишни ташланглар! Бир кун бўлмаса, бир кун панд беради. Фарлик билан ўтирлик уч кун ер остида ётармиш. Ундан кейин на яшириб, на йўқотиб бўлади...

Шодмон калта Давлани ўғрибошиликка осонликча рози бўлади деган эди. У айтганидай бўлиб чиқмади. У энди нима қилишини билмай калавланди...

— Ҳали ҳам айтган таклифларга рози эмасман дегин?! Текин мол тешиб чиқади дегин! Бўлмаса, қўйиб юбориб бўпмиз?! Бизнинг сифимизга қўшилсан, ё ўласан! Шуни билиб қўй! Биздан тирик қутулиб бўпсан! Итга сариёғ ёқмас деганлар...

Давла буларнинг қўлидан тирик қутулишига кўзи етмади. Бир найранг ўйлаб топди. Шунда ҳам рози бўлишса.

— Гап бундай, менинг шартим бор. Одамларинг отлик, мен эса пиёда қочаман. Хуллас, бундай айтганда, отли-пиёда пойга кўямиз. Агар отлиқларинг менга етиб олишса, мен сен айтган шартларга кўнганим бўлсин. Борди-ю, етиша олмаса йигитчасига жавоб берасанлар. Ҳам овуларинг учун бир бепул томоша бўлади...

— Хих, хих! Вой, зўравон-ей! Бўпти бўлмаса!.. Чинданам пиёда қочасанми? Бизлардики отда бўладими?

— Ҳа-да! Пиёда қайга ҳам борардим?!

— Эй, йигитлар! Бери келинглар! Бу зўравон бир антиқа ўйин ўйлаб топди. Бу пиёда, сенлар эса отда пойга кўярмишсизлар. Агар етсангларчи, етсанглар бу зўравон бир умрга қул бўлармиш.

Йигитлар бараварига «кўп» дейишди. Улар гўё бир пастда етиб олиб кўпқари қилиб чопқиси келди, эрмакталабларига эрмак топилганмиш гўё. Пойга шартига кўра қирнинг ҳув четидан то шу ўтовгача етишса, демакки Давланинг шўри қурийдди. Агар етиша олмаса Давлага худо беради. Биргалашиб улар пойга бошланиш жойига боришди. Давла кўйлақчан, шай бўлган эди. Отлиқлар гўё бир ҳамлада етиб олишга кўзи етгандек унчалик тайёргарлик кўришга шошилмас, гўё Давланинг пиёда пойгага қатнашиши уларни мазах қилган бўлиб туюларди.

Давла қароқчилар белгилаган шарт бўйича югурса, уларнинг ўтовига етиб келиши керак эди. Лекин пойга бошлангач нариги сой томон, отлар юра олмайдиган жарлик томон қочишни режалаштир-

ган эди. Пойга ҳам бошланди. Узоқда кўлини кўзига соябон қилиб Шодмон калта турарди. У Давла лақиллатганини ҳали тушуниб етмас, Давлани осонликча кўлга туширдим, энди бир умр мол-дунё топиб беради, деб ўйларди. Эс-хуши сурув-сурув кўй-эчкида эди.

Давла аввал тикка югуравериб, кейин йўлини ўзгартириб, қоя тошлар сари жарликка йўл олди. Отагилар саросимага тушиб от бошини у ёққа буришди. Айримлари отдан сакраб, у ёқдан-бу ёққа зир югурарди, ўғрибоши эса бўралаб сўкарди. Давла ўқдек отилиб жарлиكنинг ёлғиз оёқ йўлига тушиб олди. Ўзаро чувиллашган, бир-бирини бўралаб сўккан қароқчилар галаси жон талвасада жарлик ёқасига аранг етиб келишганда Давла жарнинг нариги бетига пилдираб борар, энди югурмаса ҳам одам зоти ета олмаслигига кўзи етганди.

## ДАВЛА ОНА ЭЛИДА

Шундай қлиб Давланинг қароқчилар сиртмоғидан қутилгани рост бўлди. У толиққан оёғини аранг босиб, Хўжамулки қишлоғига кириб борди. Қуёш эса тоғ чўққисига чиққан, уфқ ял-ял ёнарди. У тўппатўғри бундан бир неча йил олдин тўйида чавандозлик қилган Мадаминбойнинг уйига рўпара бўлди.

— Ҳой опалар, уйда ким бор? — деди эшиқда ивирсиб юрган аёллардан бирига. — Меҳмон оладиган борми? — Ҳалиги аёл куртасини<sup>1</sup> қимтидида, ҳозир деганча ичкарига кирди. Бир пасдан сўнг ичкаридан елкасига оқ чакмон ташлаган, соч-соқолли оппоқ бир чол мўнкиллаб чиқди.

— Ассалому алайкум, бобо!

— Ваалайкум! Келабер ўғлим! Кўзим борламай қолган. Ўғилларим ҳали замон келиб қолар.

Давла чолни таниди. Мадаминбой кексайибди. Давла энгашиб кўришди. Чол Давлани ичкари бошлади.

— Илоҳи омин, биз келдик, бало келмасин!

— Айтганинг келсин, болам!

Улар наридан-бери қуюқ сўрашди. Давла ўзини танитди. Чол Давлани эслагач, қайтадан қучоқ очиб кўришди ва узоқ бағрига босди.

— Сен ҳали Бўрон чобағоннинг ўғлиман дегин?! Ўзимизнинг Ойимсулувни-я?! Давлатман дегин?! Келган оёғларингдан! Қандоқ шамол учира қолди? Нега элим, овулим демадинг, шу пайтгача? Ахир шу кунгача қайларда бўлдинг, қайси элда яшадинг болам?

— Э, нимасини сўрайсиз! Кун чиқар тарафларда. Бир Оқтош деган жой бор. Эшитиб эдингизми, ё йўқ. Исмоил оқсоқол деган гапга чечан оқсоқоли ҳам бор... Ўшаёқларда катта бўлдим.

<sup>1</sup> Курта — бу ерда бошга ёпингич.

— Э, ҳа! Эсладим. Уллари кўп бари чобогон, полвон!

— Ҳа, — Давла чол билан ўзаро гаплашиб ташқаридан келган бойнинг тўнғичи Тошбойни пайқамай қолди. Тошбой Давла билан кўришгач, адоқда чўккалади. Мадаминбой унга ўғрилди.

— Улим, бутун бизникига чакана одам меҳмонга келмаган. Зир югурда кўрадан бир бўрдоқини ағдар! Укангларга айт, қўни-қўшниларни чақирсин...

Зиёфат қизигандан-қизиди. Бутун Хўжамулки, «улусман» дегани Давлани кўзида ёш билан бағрига босишар, гўё ўлган яқинлари тирилиб келгандай эди. Улар галма-гал Давлани меҳмон қилишга навбат олиб, уни бир мартагина меҳмон қилишни ўзларига шараф билишарди. Ота-онасини кўриб қолган Алибой кўзларидан сизаётган ёшини арта-арта хўрсиниб гоҳ севиначар, гоҳ эса кўз ёшларини артиб оларди. Мадаминбойникидаги зиёфат то тонггача давом этиб хўрозлар бири олиб, бири қўйиб қичқираётган маҳал тарқади. Давла толиққан гавдасини юмшоқ кўрпачалар устига ташлаган кўйи пинакка кетарман деган эди, бўлмади. Қоварган оёқлари зирқирарди. Таёқ зарбидан боши ёрилай дерди. Ўз она юртига етишганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Тақдир уни не кунларга солмади. Яна қандай ҳаётнинг ўйинлари эрмак қилиш ҳақида ўйлар эди.

Энг сўнгида, ота-онасини топширган «Хўжамулки» қабристонида абадий уйқуда ётишган волидайи муҳтарамаси, падари бузрукворни ҳақида ўйлаб, ўйи тўхтаб топди. Шу билан пича ором олди.

## ТЎРИҚ ҚАШҚА МИНГАН ЧАВАНДОЗ

Орадан йиллар ўтиб, ер билан деярли теп-текис, чўкиб кетган ота-онасининг қабрини Давла бир пайтлар белги бўлсин, деб қўйилган қизғиш ялпоқ тошга қараб зўрға топди. Унинг юраклари увишди. Давла ҳали олдинги шаштидан қайтмаган бўлса-да, аста-секин нур тарк эта бошлаган кўзларидан шошқатор ёш тўкилди. Айниқса, Ойимсулувнинг қабрини узоқ кучиб бўқириб йиғлади. Агар ота-онасидан эрта етим қолмаганда балки шу кўйларга қолмасмиди. У шулар ҳақида ўйларкан, оғир хўрсинди. Кўзларини белбоғи учига артди. Кўксини тўлдириб чуқур нафас олди. Юзига муздек шабада урилди. У туғилиб ўсган юрти Хўжамулкига узоқ термулди. Мадаминбойнинг ўғли Тошбой бу ҳолни зимдан кузатиб турарди. Охири у ҳам чидаб туролмади. Давлани юпатишга тушди.

— Қўйинг, полвон ака! Ота-она ўлмоқ мерос! Ҳаммамиз ҳам бир кун келиб шу...! Ҳеч ким оёғида кетмайди. Юринг, борайлик!

Давла олдинги ҳовридан тушди, кўзларини қайта-қайта артиб орқасига қайтди. Ўша кунни сойҳонликда мулла Шойназар исмли

бадавлат кишининг кўпкариси эди. Мадаминбой ўғли Тошбойга Давлани эргаштириб, тўриқ қашқани миниб боришни тайин қилган эди.

— Давла ака! Сизни бир кўпкарига томошага олиб борсам... Шундоқ бир-икки тепалик ошсак бўлди. Нима дейсиз?

— Йўқ дермидим, лекин...

— Нима, лекин?

— Кураш йўқмикан, демоқчиман-да?! От устида юриш ҳам малол келиб қолган. Кураш бўлса унча-мунча...

Хўжамулкидан бир тўп отлиқ чавандозлар сойхоннинг кўпкари чопилаётган адирига кириб боришди. Кўпкари энди авжига чиққан эди. Ўртадаги улоқни чавандозлар у ёқдан-бу ёққа тортқилашар, лекин ҳеч қайсиси илож қила олмасди. Хўжамулкиликлар отларни ағнатиб, совутишиб кўпкарига қўшилишди. Мадаминбойнинг ўғли Тошбой хурмат юзасидан бойнинг тўриқ қашқа улоқчи отини Давлага тутқазди.

Давла ака, кўпдан шу улоқни ҳеч ким ташқарига олиб чиқишолмай оввора бўлишаяпти! Ўзингиз бир кўрасизми? — деди.

Давла миқ этмай Тўриқ қашқанинг белига бургутдек қўнди. Бошига қулоқчин, устига эса бой кўпкарига олиб юрадиган пахталикни ва оёғига махсус ҳаққари<sup>1</sup> этик тортган эди.

Бир-бирини биладиган чавандозлар Давлани таний олмай боши қотишди. Лекин бундан бурун бирга улоқ чопишган Туроб Амин чавандоз, шериги Оққўзи чавандозлар дарҳол танишган эди. Ўртага ташланган тана ичи ёрилиб-жини тўкилмаганидан бир илож қилиша олмай терга ботишган эди.

Давла Тўриқ қашқанинг бошини улоқ сари бурди. Бир-икки қамчи еган от ирғишлашиб, қўранинг<sup>2</sup> ичига ёриб кирди. Чавандозлар гимирлашиб қолишди. Уларни саросима босди. Чавандозларда бир одат бор, агар ўзларига тегишли, ўз юртидан бўлса улоқни ердан олишлари билан чавандозига ёрдам беришади. Жилла бўлмаса отининг сағрисига қамчи тортади. Улоқни олган от ўқдек чеккага ирғишлайди. Уларнинг орасида атай улоқни олдирмай ҳалал берадиганлари ҳам топилади...

Давлага унақа қилишмади. У бир энгашганда ерда кўпдан кўтарилмай, ҳамма чавандозни қийнаб турган улоқ ердан узилди. Лекин оти улоқнинг бутини босиб ерга туширди. У яна ички бир ғайирлик билан улоққа ёпишди. Бу сафар улоқ Давланинг сонига қапишган эди. Давла Тўриқ қашқанинг сағрасига бир-икки қамчи тортди.

Довруғини узоқдан эшитгану, лекин ўзини яқиндан кўрмаганларга Давла қизиқиш уйротди. Кўп маҳал ердан кўтарилмай қолган улоқ

<sup>1</sup> Ҳаққари — кўпкарида кийиладиган этик.

<sup>2</sup> Қўра — бу ерда: отлар галаси маъносида.

тўриқ қашқа минган чавандозда кетганидан бош баковул ҳам от устида туриб қичқиришга мажбур бўлди.

— Шу чобағанники ҳало-о-л!... Ҳа-о-ол!

Давла ўнг қўлини ҳавога озод кўтариб, тақимига қистирган улоқни қўйиб юборди, ўзи эса от жilовини изига қайирди. Орада бошқа бир чавандоз ҳам улоқни олиб жўнашга-жўнади-ю, лекин улоқнинг залвори уни ҳалоллаб айиришга ҳалал берди. Яна Давла от қўшди. Алқисса, қаторасига Давла уч-тўрт марта зот олгач, умид билан келган чавандозлар ўртасида улоқнинг қорнини ёриб ичак-чавоғи олинсин деган яла-говур кўтарилди. Меҳмонлар хафа бўлишмасин деган бу тадбир жайдари чавандозларга қўл келиб, улар ҳам қуруқ бўлишмади. Кўпқари томошасига келганлар ичида Давлани яхши танийдиган Менглибой оқсоқол ҳам бор эди. Кўпроқ Давлани полвон деб эшитгану, чавандозлигидан кўра ҳам полвонлиги қизиқтирар эди.

— Биродарлар! Бу ерда бир гал бор! Агар кўнсангизлар ҳозиргина кўз олдингизга шундай зилдай улоқни қойиллатиб айирган чавандоз Давла бўлади. Чавандозлигини ҳамма кўрди-я?! Шу кўпқарининг қолган қисмини олишишга буюрсак нима дейсизлар?...

Тўй эгаси Мулла Шойназар бободан ижозат олинди. Менглибой оқсоқолнинг таклифи кўпчиликка маъқул бўлган эди. Кўпқарига яқун ясалиб, кўпқарининг давоми катта кураш яқунланадиган бўлди. Курашда эса дарёнинг у юзи, бу юзи тараф-тараф бўлиб курашга тушадиган бўлди. Давла эса Ҳисор беқлиги тарафидан келгани учун дарёнинг кунчиқар тарафидан курашга тушадиган бўлди.

Отлар совитилиб, эгар жабдуғи босилди. Курашмайдиган чавандозларнинг айрими ичида дўнғиллаб, ўзларича норози ҳам бўлишди. Лекин оқсоқолнинг гапи бу ерда қонун эди.

## ТАНТИЛИК

Тўй эгаси Мулла Шойназарбобо ўртага чиқди.

— Тўйга келган халойиқ! Элимизнинг катта-кичиги мана шу Менглибой оқсоқолнинг гапига кириб келган. Олишиш бўлса — олишишда. Менга қай бири бўлса ҳам қизиқ ўтса бўлди. Кўпқариси бор тўйларга кураги ер кўрмаган полвонлардан Аллаёрполвон дегани келмаган...

Улуснинг гапига етар оқсоқоллари ўзаро кенгашиб, бир чопарни кураш бошланмасдан Аллаёр полвонга жўнатишди. Қандай бўлмасин, уни бир амаллаб олиб келишни қаттиқ тайинлашди. Бир пайтлар Аллаёр полвоннинг отаси Қорабой Амин полвон Давладан йиқилгани кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган. Қорабой Амин полвон қазоси яқинлашгач, ҳузурига ўғли Аллаёрни чақириб, вақти келиб полвонлик насиб этса зинҳор Давла отлига чиқа кўрма, — деб қайта-қайта

тайинлагани Аллаёр полвоннинг қулоғига қўрғошиндек қуйилиб қолгани кўпчиликка маълум эди.

Катта кўпқари ярмида курашга айланди. Бунда Давланинг курашини кумсаган кишиларнинг талаб-истаги кўпдан Аллаёр билан Давланинг курашини интизор кутган кишиларнинг қистови сабаб бўлди.

Кураш бошланди. Аллаёр полвон келгунча баковулар ёшларни атай курашга тушириб беллашувни чўзиб туришди...

Бу атрофда даврага зўрлигини ўтказадиган полвон чиқмаслигини билган Аллаёр полвон чопарга юзланди.

— У қанақа полвон бўлди? Афғ-ангори, турқи қандай? Тағин Давла дегани бўлиб, менга ёлғон сўзлаётган бўлма-да? Давла бўлса қадамимни босмайман. Отам раҳматликка сўз берганман. Билдингми?

— Исмини айтишмади. Ким бўлса ҳам даврага зўрлик қилиб, полвонман деганини чалқанча ташлаб, ҳаммани расво қилди, — дея чопар озроқ қўшиб-чатди.

Алқисса Аллаёр полвон полвонларга хос ғайирлик билан отининг белига миңди. Унга укаси Чори ҳам эргашди. Аллаёр полвон тағин Давла дегани шу томонларга ошиб келиб ҳамманинг додини бердимикан деган ўйлар билан курашнинг қорасини олди. Барча уни кўриб чапак чалишиб, дарёнинг кунботиш тарафи одамлари қийқиришиб ўринларидан туриб кетишди. Аллаёр полвон ечинмасдан туриб, у ёқдан бу ёққа виқор билан одимлаётган ўртабўй, яғриндор, кўкрак қафаси хиёл бўртиб чиққан полвоннинг келбатига зимдан қаради.

— Қани, нима гап? Кўпқариси бор дейишган эди. Кураш кетаяптими!

— Биласанми, Аллаёр, — деди баковул унга яқинроқ келиб аслида кўпқари эди. Бир сабаб билан...

Аллаёр полвон даврани совутмаслик учун уни чақиртирган элбошилари олдига чўккаланди.

— Мен нима қилишим керак? Бу полвон ким ўзи?

— Узумини е, боғини сўрама деган, — деди ошпоқ соқоли кўксига тушган нуроний киши. — Сенга оти нимага керак. Шу полвон йиқитсанг бас! Вассалом!

Шу орада бош баковул Аллаёр полвоннинг қулидан тутиб ҳавога кўтарди.

— Олишга келган халойиқ! Эшитмадим деманглар! Ҳозиргина даврага келган мана бу Аллаёр полвон ўзимизнинг, бутун юртимизнинг орини олиб келган, асли ота-бобоси Қўнғиротнинг Тортувли уруи Мунку-Оқсоқбачча шохидан етишиб чиққан. Шу кунгача бу полвонимизнинг кураги ер кўрмаган. Мана шу юртимизнинг, элимизнинг зўридир. Халойиқ, мана шу элимизнинг зўрига бир гуриллаб дуо берин-чи, бор кучини кўрсатсин!

— Ҳа, қани, илоҳи оми-и-ин...!

Барча олишга келган халойиқ юзига қўлларини суриб, Аллаёр-полвон ҳамда рақиби Давла полвонга дуо беришди.

Аллаёр бош чайқади. Полвоннинг номини билмаси чиқмаслигини билдирди. Тағин отаси Қорабой Аминга зўрлигини ўтказган Давлага чиқиб отаси раҳматлининг васиятини бузишга юраги бетламади. Атрофдагиларга эса томоша кераклиги шундоқ кўриниб турарди. Орномусни деб ота васияти оёқости бўлмаслиги Аллаёрга ором бермасди. Бутун йиғилган томошаталаб халойиқ эса уни Давлага чиқишга ундарди. Кўпдан ўртадаги мажорани кузатиб турган Давла полвон ижирғанди. Аста Аллаёр полвонни ёнига имлади. Улар қўл бериб кўришди. Давла полвон ўзини аста танитди. Аллаёр полвон бош чайқаб орқага тисарилди. Ҳамма нарса равшан бўлган эди. Аллаёр полвоннинг ёдига отасининг гаплари беихтиёр келди. «Вақти келиб полвон номини олсанг асло, Давла отлига курашга чиқа кўрма. Барибир сени йиқитади».

Аллаёр полвон галма-гал ялиниш-ёлворишга қарамай, Давлага қарши курашга тушмаслигини очиқ айтди. Ҳалиги соқоли кўксини қоплаган нуроний бутун Тортувли элининг Мухторхон Ҳожи деган эшони эди. Барчанинг ялинабериб ҳафсаласи пир бўлгач, Мухторхон Ҳожи эшон Аллаёрнинг қулоғига энгашди.

— Ҳеч бўлмаса бир ушлаш. Шундан чиқмасанг, бутун элнинг ихлосини қочирасан, улим. Курашда отангни аяма деган гап бор...

Аллаёр қўлини кўксига қўйди. Бўлмади. Бу сафар Давла яна чорлади. Давла Аллаёрнинг қулоғига шивирлади.

— Полвон иккиланмай чиқаверинг, бир ўйин кўрсатмасак бўлмай-дигандай...

Аллаёр ечинди, томошаталаб кишиларнинг юзига қон югурди. Уларда жонланиш пайдо бўлди. Уларнинг дарёнинг икки тарафи бўлиб тарафкашлик билан курашга тушиши ҳам унут бўлди. Кураш чинакам қизиди. Аввал Давла доира чизиб, айланиб турган бўлса, унинг изидан чакмонининг енгини чирмаб, икки ўнгирини белбоққа қистириб, Аллаёр полвон айланишга тушди. Кўпдан айланавериб зериккан Давла Аллаёр полвоннинг олдини тўсиб полвонлар удумига кўра курашишга чорлади. Давла чайир қўллари билан Аллаёрнинг қўлларини қисирлатиб, юбораман деган эди ўзича, лекин энди кучга тўлган, зуваласи пишиқ Аллаёр унга чинакам рақиб бўлиб туюлди. Унинг қўллари худди темирни тутгандек қўлларига ботди. Давла полвонларга хос иккала қўлини ҳавога кўтариб худди лайлақлар қанот қоқиб учишига шайланаётгандек ўйинга туша бошлади. Одамлар чапак чалишиб олқишлашди. Уларнинг бир-бирлари билан ёқа ушлашиб чинакам кураш тушишга ундади. Давланинг ёши ўрталаб, соч-соқолларига оқ

оралаб қолгани шундоқ кўриниб турарди. Лекин куч-қудрат ҳали тарк этмаганидан мускуллари бўртиб чиқа бошлади. Биринчи бўлиб, кўп курашларни кўрган Давла Аллаёрнинг енгидан тутди. Чайир қўллари бир-бирига ёпишди. Давла ёшлигидаги каби бирдан ошириб юбораман деган эди. Чаптастлик билан қилинган ҳаракат зое кетди. Аллаёр полвон чаққонлик билан унинг оёққа қўшша бериш усулига қарши усул ишлатган эди. Давла Аллаёрнинг ёқасини қўйиб олиб, қайтадан давра айланишга тушди. Атрофдан эса ҳалоллаб оласан, деган хитоблар бетиним ёғила бошлади. Аллаёр эса энди бир оз ғайирлик билан Давланинг олдини тўсиб, бу сафар унинг белбоғидан тутишга уринди. Давла шу пайтгача бир ушлашда полвон зотини йиқитгани, бу сафар эса чўзилиб бораётганидан ўзича хуноб эди. Ёши ўтгани, устига-устак Аллаёр ҳам ўзидан асло қолишмаслиги, ҳатто баъзи бир жиҳатлари билан отасидан ҳам устунлигини Давла юракдан ҳис қиларди.

Давла челақдаги сувдан оғзини чайиб, фарғара қилди-да, иккала қўлига сув пуркаб бир-бирига ишқалади. Бу сафар ғайритабиий ғайирлиги тутди. У чаққонлик билан Аллаёрга ташланди. Белидан қучиб қаттиқ қисди. Аллаёрнинг қовурғалари қисирлаб кетгандек бўлди-да, кўз олди қоронғилашди. У Давланинг ғайирлик билан қилган ҳамласидан амаллаб қутилди-да, оқсоқоллар олдида чўккалади. Бурнидан илиқлик билан қон сизаётганини пайқади. У енги учиде бурнини артди. Не кўз билан кўрсинки, бурнидан қон келган эди. Аллаёр энди ота васиятини ҳам бир зум унутгандек, қон сизаётган бурнини чакмон енги учиде арта-арта Давлага ташланди. Давла бу ҳолатни кутмаган эди. У бир оз эсанкиради. Ўзини қўлга олиб, Аллаёрнинг ўнг оёғи ичидан илдириб ташлашга ҳаракат қилди. Бу сафар ҳам ҳаракат зое кетди. Бўлмади. Бор кучи билан ё пирим деб кўтаришга уринди. Аллаёр чаптастлик билан унинг чайир қўлларидан юлқинди. Бу сафар Аллаёр полвон отаси раҳматлининг бир усулини ишга солмоқ учун Давлани уччага олиб, бир ёнбош ерга ташлади. Бўлди шовқин... Ғала-ғовур кўтарилди. Атрофдан Аллаёр полвон йиқитди деган хитоблар айтилди. Ўртада Давла бош чайқаб қолди. Аллаёр эса даврадан ташқари чиқиб кетди.

Бош баковул қўлини кўтариб ҳаммани тинчитди.

У Давланинг оқсоқолларига юзланди. Давла тараф оқсоқоллар эса номдор полвонларники шунча йиқитса, йиқитганга ўтади, дейишди.

— Эшитинг. Ана халойиқ! Ҳатто Аллаёр полвоннинг оғайинлари ҳам Аллаёрнинг йиқитмаганини айтишмоқда. Полвон келинг...

Кўпдан бери чекқада маъюс турган Давла ўртага чиқиб келди. Қўлларини ҳавога кўтарди.

— Халойиқ мен шу пайтгача олишдим. Курашиб армоним қолмаган. Ҳали бирон полвон зоти чалқанча у ёқда турсин, яктизза қилиб



кўрмаган эди. Тагин бу ерда бир гап бор. Бир пайтлар Аллаёрнинг отаси билан кураш тушганимда мен унинг икки тиззасини ерга теккизганимда, полвон йиқилганини тан олган эди. Агар шуларни ҳисобга олсангизлар, шу бутун мен Аллаёрдан йиқилдим...

Шундан кейингина барча Давланинг тантилигига қойил қолишди.

Аллаёр қайтадан қучоқ очиб кўришди-да, олган тойчоқ совринини етаклаб Давлага тутқазди. У отаси билан кураш тушиб, эндиликда тиззасини ерга теккизган ҳолда йиқилганини тан олгани учун Давлани азият тутди.

Ҳар иккаласига бутун халойиқ дуо беришди. Давла шу кундан бошлаб Аллаёр полвон билан бундан кейин кураш тушмайдиган бўлди. Бундан кейин Давла билан Аллаёр оғайни бўлиб қолишдига аҳд қилишди.

## ДАВЛАНИНГ ДАРЁ ОРТИГА САФАРИ

Давла пойи-пиёда қуёш ботиш олдидан Оқтошга кириб борди. Уйда бир ойдан буён илҳақ ўлтирган қаллиғи Гулойим ҳам севиниб, суюкли фарзандлари Ширинбек ва Ҳамзабеклар «отам келди-я, отам келди-я», дейишиб Давланинг бўйнига осилишиб яйраб қолишди.

— Намунча узоқ кетдингиз? — дея гап бошлади гинахонлик билан Гулойим. — Буларингиз ҳар кунни отам қайда дейишиб ҳоли-жонимга қўйишмади.

Давла елкасидаги егуликларни ўтовнинг бир четига қўяркан, ростдан ҳам ҳаяллаб кетгани ёдига тушиб, хотинига лом-лим демади. Ўғилларининг бирини олиб, бирини қўйиб, суйишга тушди.

— Ота улим, бобо улим... полвон улим, эрка улим...

Тезда дастурхон ёзилиб, бирин-кетин қайновалар ҳорманга кела бошлашди. Давла борган жойларидан, кўрган кишиларидан гурун берди.

Шу атрофда Зирил исмли омади чопмаган кимса бор эди. У от чопиб кўпкарини ҳам ялчитмаган, кураш тушиб бунинг ҳам уддасидан чиқмаган эди. Кўпдан Давланинг куч-қувватидан, абжирлигидан фойдаланиш пайида юрар, гапига юрса ўтрибоши қилиб, шунинг эвазига фаровон ҳаёт кечиринини дилига тугиб юрарди. Зирил кўпдан Давла билан яқиндан танишиб, уни иложи бўлса дарё ортига олиб ўтиш пайида юрарди. Бир неча бор Давланинг йўғида ахтариб келиб, уни учрата олмай хуноб эди. Бу ҳақда Гулойим бир киши ахтариб келганини ва уни топмай қайтиб кетганини эрига етказганди.

Орадан ҳафта ўтар-ўтмас итларнинг ириллаб тармашишига қарамай ўрта бўй, жуссаси сал бесўнақай бир киши отдан туша бошлади. Давла Зирилни орқаваротдан эшитгану, лекин нон-туз бўлмаган. Зирил Давлани курашларда бир-неча бор кўриб, унинг савлатига, мардлигига тан бериб юрган эди.

— Меҳмон оладиган борми? — дея Зирил Давлага шўхлашди, худди аввалдан келиб-кешиб юргандек.

Давла меҳмонни ичкарига бошлади. Бир-бири билан куюқ сўрашди. У ёқдан-бу ёқдан суҳбат кетди. Зирил Давланинг уйи қайноғалари билан гавжум бўлганидан муддаосини очмади. Гапни бошқа томондан олдида, Давлани ўз уйига меҳмонга чорлади.

— Ўзим шунчаки яқиндан танишиш пайида эдим. Бундан кейин борди-келди қилсам, деган ниятдаман, — деди Зирил сир бой бермай. Давла йўқ дея олмади. Келгуси ҳафтанинг пайшанбасига Зирилнинг уйига боражагини билдирди.

Зирил Давланинг келишига роса бир ҳафта тайёргарлик кўрди. Бир жойдан қўй келтирди, бир жойдан қовун-тарвуз дегандай...

Қўни-қўшнилари дастурхонга дуо қилишб уй-уйларига тарқаб, Давланинг ёлғиз ўзи қолганида Зирил муддаога кўчди.

— Дўстим, сизни кўпдан биламан. Сизга ҳавасим кетиб, бир тўн ёлиб дўст бўлиш орзусида эдим. Устига-устак дарёдан ўтиб, бирикки бор дарё сиртига ҳам бориб қайтганман. Ҳа, ишонаберинг! Балх ҳокимининг Нодирбек деган елкаси ерга тегмаган полвонидан ҳолимни чагламай йиқилганман ҳам. Аммо зотни юқори қўйишаркан.

Алқисса, Зирил Давлани роса қизиқтирди, ўғирлик қилишдан гап очмай гапни бошқа тарафлардан олиб, охири кураш билан кўпқарига тақади. Аслида-ку, Давла олган совринларини камдан-кам уйга олиб келарди. Ўзидан қолган бева-бечораларга, кўпқаридан қуруқ қайтган чавандозга улашарди. Кўпинча эшонларга инъом қилиб бир ҳовуч дуо оларди. Зирилнинг оғиз кўпиртириб айтган гапидан бошқача завқ олар, энди курашни мутлақо ташладим деганда, Балх ҳокимининг Нодирбек исми полвони билан кураш тушиш нияти туғилди.

— Мен курашни ҳам, кўпқарини ҳам ташлаган бўлсам. Унинг устига ёшим ҳам бир жойга борган. Энди тоат-ибодатда бўлиш ўрнига, дарё кечиб кураш ахтарсак...

— Полвонлик худо берган касб бўлса, ташлаб нима қиласиз? Бунга етган ҳам бор, етмаган ҳам бор...

Давланинг кўп бор унамаслигига қарамай, Зирил охири уни дарё ортига боришга кўндирди. Улар дарё ортига кураш фасли бошланиши билан отланадиган бўлишди.

Давла уйига қайтиб шулар ҳақида ўйлар экан, ёши бир жойга борганда, эл ошиб кураш тушишни, бошқа лок-нопок ишларга қўл ураман деб ўйлаб кўрмагани ёдига тушиб бошқача бўлди. Ўша келган йигит билан дўст бўлмоқчи экан. Йўқ, дея олмадим, гап бошлади. Давла катта қайноғаси Темирполвонга, яна бир томони Афғонга ўтиб Нодирбек исми полвонни йиқитиб оримни олиб берасиз? — деб холи жонимга қўймапти.

— Ишқилиб эҳтиёт бўлинг. Нотаниш одамлардан ҳар нарса кутиш мумкин! Дўст билан душманни фарқлайдиган вақтингиз бўлиб қолди. Дадамиз раҳматлик айтарди «синамаган отнинг ортидан ўтма» деб, тағин ўзингиз биласиз. Бу томони фарзандларингиз бор...

Давла туни билан тўлғониб чиқди. Тонг отса янги топишган дўсти келади. Улар иккита бўлишиб, яна битта-яримта бекорчини қўшишади-да, дарёдан кечишади. У ёғини худо билади...

Кўзи илинди дегунча гоҳ отаси, гоҳ онаси тушига кириб, уйқусида ҳаловат бўлмади. У тонгни шундай оттирди. Айни шу маҳалда тепалик тарафдан от кишнади, демак, Зирил келаяпти деган ўй унинг кўнглидан ўтди. Ҳали замон улар ота кўрмаган, она кўрмаган ўзга юртга юришади. Гулойим эса уйда кам бўладиган эридан хафа бўлиб ғудранди. Унинг кўксига алам билан хавотир аралаш бир нарса зоҳир эди. У барвақт туриб човғумни ўчоққа осиб тагига олов ёққанди. Пишиллаб ухлашаётган ўрилларига бир-бир қараб олган Давла чойга ҳам қарамай Зирил билан йўлга тушди.

— Мана бу эр йигитнинг иши, ҳадеб уйда қамалиб ўтирган билан дунёнинг ўзи мана мен деб кириб келмайди, — деди Зирил Давланинг ўз йўлига юргизганидан мамнун жилмайиб. Устига-усти сиз Додҳодан, бекликдан рухсат олгансиз. Бирор кориҳол бўлса ҳам бирикки мартага сизга сўров йўқ. Шундайми дўстим, Давлат?...

— Шундайликка-шундайку-я, лекин беклик ножоиз иш қил, бировга озор бер демаган!...

— Бе, сизга ким ҳали бировга озор қилинг, бировни уринг деяпти? Охири бахайр бўлсинда, ишқилиб!

Улар ўзаро суҳбат билан бўлиб чошгоҳ маҳал бир сурув қўйнинг устидан чиқишди. Чўпон Зирилга узоқ термулди-да, лекин Давлани кўриб оғиз очмади. Яқиндан шу отардан беш-олти қўйни олиб қочишганда Зирилни сал пайқаб қолган эди. Лекин ой қоронғи бўлганидан ушлаш мумкин бўлмаган эди.

— Бу ердан тезроқ кетайлик, деди Зирил сир бой бермай, — тағин бировнинг бир нарсаси йўқолиб, биз балога қолиб юрмайлик.

— Ўзи тўғри одамнинг кўнглига ҳеч нарса келмайди, — деди Давла ёнида ранги-рўйи оқариб бораётган Зирилга қараб. Яна гапида давом этди, — Агар ўзи тўғри бўлмаса, ўғри ўзини билдирар деган гаплар бор...

Улар гурунг билан отардан тезда йироқлашишди. Отлар терлаб оғзидан кўпик соча бошлашди. Отлар толиққан эди, унинг устига сувга ташналик бошланган эди. Улар анҳор бўйида ёнбошлаб дам олишди. Белларида тугилган нонни сувга ивитиб еб ҳам олишди.

— Дарёдан тун маҳал ўтмасак, кундузи кўрган одамлар ҳар хил хаёлга бориши тайин, — деди Зирил. — Бунинг устига, ўзга юртга борапмиз...

Тонг саҳардами ёки ярим кечадан кейин ҳамма уйқуга кетади. Улар яна йўл юришиб кеч кирганда Вахш дарёси қирғоғига етиб келишди. Отларидан эгар-жабдуғини олишиб, ўзларини эса ўтлашга қўйишди. Дарё пишқириб оқар, Давланинг сўнгсиз ўйларига ҳалал берарди. Қолган умрини тоат-ибодатда ўтказиш ўрнига, ўзга юртга улоқиб бораётганидан кўнглида гашлик бор эди. Зирилни эса текин мол-дунёга кўмиламан деган ўй анча тетик қилган эди.

## БЕКЛИҚДАГИ НОМАРДЛИК

... Курашга бутун атрофдаги полвонлардан ташқари Қундуздан, Мозоришарифдан, Қандаҳордан ҳам ўзига ишонган полвонлар ташриф буюрди. Ҳар галгидек Балх ҳокимлигига қарашли Найман беклигининг нуфузли бойларидан бири кўпдан ўтил кутиб орзуси ушалаётган кез, «Ҳатто эғнидаги тўни қолмагунча зот<sup>1</sup> кўяман», — дея кураш бошланиш олдидан ваъда ҳам қилган экан.

Ҳар галгидек Нодирбек полвон ғоз юриш билан баковуллар олдидан чордона қурди, белисандлик билан атрофга қараб, унга тенг келадиган кўринмаслигидан ўзича оғиз кўпиртириб сўзларди. Ўртага баковул чиқиб, бир тутам қизил тангани ерга ташлади.

— Узоқ-яқиндан келган полвонларнинг бари-бари эшитсин! Кимки юраги урса, Нодирбекка қарши курашга ўзини чоғласа, шу тобоқни (тобоқ — кураш сўнгида зўр полвонни аниқлаш учун қўйиладиган соврин) келиб олсин. Йўқса, полвонга зоти берилади... Катта баковулнинг гапидан барча сергақланди. Иложи етса-да, етмаса-да, ўзи олиб келган полвонини уни олишга чорлаб, Зирил зотнинг туя эканлигини эшитиб ўридан бир туриб, бир ўтириб ўзини қай ёнга уришни билмай қолди. Элчиликда, нариги томонда ўтирган тарафдан басавлат йигит эғнига белбоғини ташлаб кўриниш берди-да, ёнидаги шериги ўртада кўпдан турган қизил латгачани қўлига олиб қайтиб ўтирди. Ҳалиги полвон даврани гир айлана бошлади. Нодирбек лапанглаб ўридан туриб, четга ўтиб апил-тапил ечиниб майдонга тушди. Нодирбекка атрофдан олқишлар ёғилди, ҳалиги полвонни баковул Ҳиндиқуш тоғлари бағридан бир қишлоқдан эканлигини айтиб таништирди.

— Давла сизга нима деган эдим. Тезда бориб олганимизда туя бегона бўлмас эди-да! Энди нима бўлди? — дея Зирил Давлага аланг-лади...

— Ўзингни бос! Олдин Нодирбекнинг олишидан хабардор бўлиш керакми, ёки таваккал қилиб... таваккал қилсак, тап этиб тагига тушсак унда нима бўлади... Кулги бўламиз-ку?!

Шу пайт даврада гурс этган товуш эшитилди-да, давра чангиб қолди, чанг тарқагач маълум бўлдики ҳалиги полвон чалқанча туш-

<sup>1</sup> Зот — бу ерда соврин.

ган экан. Нодирбек эса сакраб-сакраб ўйнар, гўё ундан ўзга одам йўқдай, иккала қўлини кўтариб қолиблигидан дарак берувчи аллақандай бачкана қилиқлар қиларди.

— Бекликнинг полвони галаба қилди! Зоти берилсин, — қичқирди бош баковул баланд овозда.

Шу пайт тўй эгаси ўртага чиқди. Ёнига бош баковулни чорлади. У чўнтагидан бир кичкина тугунни қўлидан салмоқлаб кўрди. Уни ҳавога кўтариб дилидаги ниятини баён қилди.

— Қадрдонлар! Тўйга келган полвонлар! Шу ўғилни узоқ кутдим. Худо берса, мана шу отам раҳматлидан қолган тиллони уни тўйига қўяман, деб ният қилган эдим. Шуни ўз номимдан бош соврин сифатида баковул эълон қилса, шу бугун даврани зўри шуни олса...

Барчада жонланиш пайдо бўлди. Ҳамма бир чеккада кийинишга шошилмай ўтирган бекликнинг елкаси ерга тегмаган полвони Нодирбекка қаради. Гўё унга чиқадиган йўғу, у шунчаки текин олиб кетишидан барча йиғилганлар саросимада эди. Шунинг учун уларга унча қизиғи ҳам йўқдай туюларди.

Кураш охирлаб қолганда яна бир янгилик бўлди. Бу атроф тўйлариди тилло биргина ушбу тўйда қўйиладиган бўлди. Мана шу тугундаги зот яна Нодирбек номига қўйилди. Узоқ-яқиндан келган полвонлар армонда кетмай, олишиб кетиш ниятингиз бўлса, мана Нодирбек тайёр, — дейишди баковуллар.

Кўпдан вужуди жимирлаб ўтирган Давла чакмонининг белини белбоғ билан салқи (салқи — бўш, юмшоқ) боғлади. Ерга энгашиб дуо қилди-да, пирларига ичида шивирлаб сифинган бўлди. Шу пайтгача Давлани битта-яримта кексалар эшитишгану, лекин унинг афт-ангорини кўришмаганди.

Баковул Давланинг ўнг қўлидан тутиб танитишга тутди.

Давла секин шивирлаб ўзини қаердан эканини ва номини айтди. Бош баковул овозининг борича:

— Эҳ-ей, халойиқ! Бизу-сиз кўп нарсалардан беҳабар эканмиз! Юртимизга узоқ юртдан меҳмон келган экан. Бу полвоннинг номини Давла дейдикан. Ўзи эса шундоқ Вахшнинг нарёғи Ҳисордан, эшитдим-эшитмадим деманглар! Бу иккала полвоннинг ҳам шу пайтгача елкаси ер кўргани йўқ. Ҳар иккиси агар ҳалоллаб олсалар, устига қўшиб айтар зоти ҳам бор!..

Давланинг номини эшитган кекса-ю ёш бари-бариси қўлларини кўзига соябон қилишиб Давланинг бўйи бастига, кенг яғринига киприк қоқишмай қарашар, унинг миқти пишиқ жуссасини кўришиб Нодирбек гўё бир ҳамлада ерга қапиштириб қўядигандек ҳафсалалари пир бўларди.

Нодирбек Давла меҳмон бўлгани учун уни олдинга ўтиб гир айланишга чорлади. Давла эса кўп тавозедан сўнг олдинга ўтишга мажбур

бўлди. Одат бўйича кўришишди. Биринчи кўришишдаёқ Нодирбекнинг ичи музлади. Ҳали ҳеч бир полвон зоти унинг қўлларини бу қадар қаттиқ сиқмаган эди. Биринчи бўлиб Давла иккала қўлининг бармоқларини ялаб рақиби сари бора бошлади. Нодирбек эса белисандик билан рақибининг бир енгидан ушламоқчи бўлди, лекин Давла чаптаст юлқинди ва енги Нодирбекнинг қўлидан чиқиб кетди. Давла илкис унинг ёқасидан тутди. Барча кўзларини ҳар иккисига тикиб, бутун вужудлари билан кузатар, беклик тарафдагиларнинг ранги-рўйи бузилган эди. Улар полвонига тенги топилмай тиллони шунчаки олиб, қўрғонда байрам қилишга ошиққан эдилар. Улар ўйлагандай бўлмаганидан диллари хуфтон бўлишди.

Давла пайт пойлаб рақибининг ёқасидан бир қўли билан маҳкам тутиб, иккинчи қўли билан унинг заиф тарафини пойларди. Давла рақибининг иккала оёғига қўшша усулини қўллади. Рақиби бир орқага кетабериб ўзини ўнглади-да, Давлани кўтариб олишга уринди. Полвонларнинг ҳаракатлари зое кетиб яна ажрашди. Томошаталаб одамлар эса галабани жон-диллари билан кутишарди. Галаба эса осонмасди. Ҳаммаси зое кетганидан бекнинг полвони тутоқар, бундан олдинги курашларда бунчалик куч сарфламагани қийнади. Куч сарфлаган тақдирда ҳам бир-икки ҳамлада рақибини бир ёқди қиларди.

Давла Нодирбекка чинданам иложи етишини ҳис қилиб даврада ўзини эркин тутар, бамайлихотир айланарди. Шу галдаги рақиби билан бўладиган ушлашишда бир ёқди қилиб, галаба нашъасини суришига кўзи етарди. Шу боисдан ҳам кўп чўзмай рақибининг олдини тўсиб, уни курашга ундади. Нодирполвон эса атрофдан уялганиданми ё йиқитиб, ё йиқилиб бир ёқди бўлай деган ўй билан рақибига қапишди. Давла ички бир шижоат билан рақибига шердек ташланди. Уларнинг чайир қўллари бир-бирининг ёқасини тутди. Зирил ўрнидан туриб кетган, ҳадеганда дами чиқмас, агар бақириб-ҳайқиргудек бўлса атрофдаги одамлар гўё дуч келган жойига тушириб қолишидан қўрқарди.

Давла рақибини ётиб отарга содди. Чўнкайиб бир ёнбош бўлди-да, рақибини устидан ошириб ерга олиб урди. Залвори билан ерга тушган Нодирбекнинг иккала кураги чанга беланди. Атроф эса сув қуйгандек жим турсада, дарё кечиб келган ўзбеку-тожиклар олқишу-ҳайқириқлар билан Давлани қутлар, оломоннинг олқиши ичида Зирилнинг қийқириғи қулоққа чалинмас эди.

Баковул беклик полвоннинг шу тариқа гурс этиб тушганини яқин орада кўрмаганидан фирром десаммикан, деган ўйга ҳам борди. Ҳар иккала кураги чанг изи бўлиб турган Нодирбекка кўзи тушгач, у фикридан қайтди.

— Эй халойиқ! Сизлар нима дейсизлар, шу меҳмон полвонники ҳалол бўлди. У валаба қилди!

Атрофдан тўғри-тўғри деган хитоблар янгради. Шу полвон валаба қилди, ҳалоли бўлсин, — деди яна аллаким бир чеккадан.

Агар бир ёнбош бўлганда ҳам бошқа эди. Тиззаси билан тушганда-ку Давланинг меҳнати зое кетиши тайин эди. Шулар ҳақида ўйлай-ўйлай Давла тугунини қўлига ушлаб секин кийина бошлади. Зирил эса «Тугунни менга бериб, сиз кийиниб олинг», деб дам-бадам қистанарди...

## ПАҲЛАВОННИНГ ДАРЁДАН УТИШИ

Давланинг қай кўпқарига борса, қай курашда бўлса соврин олиб қайтиши Зирилга алам қилди. У шунчаки мол бўлиб қочиб, енгил-елли ҳаётга ўрганиб қолган эди. Шу сабабли у асл ниятига етишиш учун Давлани ҳоли-жонига қўймай, яна дарё ортига олиб ўтди.

Бу сафар улар узоқ юртга юришмади. Шундоқ Вахшдан ўтгач, шу атрофдаги овуллардаги катта-кичик курашларда бўлиб қайтишга келишишди. Аслида-ку Давланинг ўзга юртларга ўтишга ҳуши йўқ эди. Бироқ Зирил тағин бир-икки шериклар топиб, шу сафар мол бўлиб қочиб нияти борлигини Давлага билдирмади. Улар одатдагидек кечувдан молнинг терисига дам тўлғазиб гупсар миниб ўтишдию, Зирилга ваъда берган шерикларининг бири сал гилай бўлиб, қавоғи остида чақнаган катта-катта кўзлари йўл тўсарларга хос ғалати боқарди. Иккинчиси эса сал ёшроқ бўлиб, Зирил айтганидек уларга югурдак бўлиб борармиш. Гўё уларга йўл-йўлакай нон-сув дегандай хизмат қилармиш...

Баҳор пайти бўлгани учун қўй-эчки совилаётган отарнинг устидан чиқишди. Ўтов ёнидаги қария итларни зўрға қайтаргач, уларни ўтовга чорлади.

— Бизнинг туриш турмушимиз шундай! Ҳозир қўй қатиғи билан меҳмон қиламиз, — деди ҳалиги қария соқолини силаб.

Давла қўй қатиғини кади<sup>1</sup> идишда сипқара бошлашди. Қолганлар ҳам бирин-кетин қатикдан қорнини тўйдиришди. Шу атрофда тўй-пўй йўқми, отахон? — деди Зирил Давланинг гавдасига ишора қилиб.

— Буларни бир олиштириб қайтай деган ният билан чиқиб эдик, — деди Зирил саволга ўрин қолдирмай.

Чол салласини қўлига олиб бошини қашлади.

— Нега олиш йўқ бўларкан, кўпқари ҳам, олиш ҳам бизларда сероб, ўзим олиб бораман, хўп десанглари?!

Улар мамнун бош ирғашди. Меҳмонлар чолнинг оёқ узатишиб, оёқларига ором бериш билан тунни ўтказишди.

<sup>1</sup> Кади — қовоқ идиш.

Балхда Давла отлиқ полвоннинг шуҳрати ҳар томонга тарқаб, беклик полвони йиқилгани бутун вилоятларга етиб борган эди. Шунинг учун ҳам Афғон ерларида бўладиган тўйларда чеккадан қандайин полвон келмасин аввал синчков назар соладиган, сўнгра Давлами ё бошқами суриштирилгач, оҳиста чиқиб полвонлар олишишарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Сатторбой бир тўп йигитлар билан келибсиз, уларнинг ичида олишадигани ҳам бордир? — дейишди уларга ишора қилиб кимдир.

— Бўлса бордир, ўзим шунчаки дам олиш томоша қилиш ниятлари бор экан, меҳмонларни эргаштириб келабердим, — деди унга жавобан Давлаларни эргаштириб борган чол.

Елкаси ерга тегмаган Нодирбек чалқанча йиқилганидан кейин юрда ҳар томонга овоза бўлган эдики, Давла отли полвон яна қайтиб олишишга келгудек бўлса, ҳалол йиқитса ҳам зоти берилмасин, деган. Бугунги бўладиган тўй баковуллари обдон огоҳ этилган эди. Бир пасдан сўнг кураш ёш-ялангдан бошланди-да, орадан сал ўтмай катталашди. Давла ҳар замон атрофга қараб қўяр. Бу ердаги курашнинг урф-одатини зимдан кузатарди. Яхшиямки, чалқанча йиқитмаса ҳаққи берилмас экан. Демак, бироз бўлсада ҳақиқат бор экан деган хаёлга борди.

— Энди катта полвонларга навбат берамиз! — дея қичқирди елкадор баковул ва қўшиб қўйди, — кураш тушиш ниятида келган ҳар бир киши ноумид кетмасин.

Бу ерда ҳам олдинги давралардагидек табоқ ташлаш одати бор экан. Бўйи новчадан келган яғриндор бир йигитни ўртага етаклаб чиқишди. Бу полвон тўйларнинг бош совринини олиб юрадиган чоғи баковулнинг гапига унча юрмай, ман-манлик билан давранинг ўртасида тинч турмай, кимки чиқмоқчи бўлса мана мен тайёрман қабилида ўзини кўрсата бошлади. Лекин баковул унинг енгидан маҳкам тутиб атрофга қаради.

— Биродарлар! Эшитмадим деманглар, Маҳкам полвонга тарафдор бўлса ўзини кўрсатсин. Кимки шу полвонга жазман бўлса, ҳар иккисига бир дўнан от қўями-из! Марҳамат!...

Зирил апил-тапил Давланинг чакмонини тугундан чиқарди. Давла оҳиста полвонларга хос одоб билан ерга энгашиб юзига фотиҳа тортди-да, шитоб билан Даврада гир айлана бошлади. Бош баковул иккала полвонни ёнига чорлади.

— Бир пас жим бўлинг! Мана, буниси ўзимизнинг Маҳкам полвон, мана буниси эса айримлар эшитганми, ё йўқ шундоқ қўшни Ҳисор беклигидан Давла полвон! Ҳар иккисининг ...

Давла номини эшитиш билан зот қўйиб ўтирган баковуллар бир-бирларига маъноли боқишиб, ўзаро саросимага тушиб қолишди.

— Ким дединг?! Давла дедингми?! — деди эшитмаганлар.



Атроф сув қуйгандек жимлик қўйнига кирди. Маҳкам полвон ҳам мана-ман деган зўрлардан бўлиб, барибир ўзаро беллашувда Нодирдан йиқилган эди. Давланинг номини, доврўғини эшитган бўлсада, уялганидан унга чиқишга мажбур эди, йўқса одамлар хаёлида қўрққан ҳисобланади. Алқисса, улар урф-одатга кўра бир-бири билан кўришишгач қўллари ялашиб, ўйинга туша бошлашди. Давла ички бир гайирлик билан рақибининг олдини тўсиб, ўнг қўли билан ёқасини маҳкам ушлади. Маҳкам ҳам анойилардан эмас эди. Елкасини қаттиқ юлқиниб Давланинг чайир қўлларида чиқазишга ҳаракат қилди. Давла рақибининг ўнғойини пойлаб ўнг оёғи билан рақибининг чап оёғининг ичидан илдириб бир ёнбош буради. Маҳкам полвон Давладан анча ёш эди. Айни кучга тўлгани билан ҳали етарли тажрибага эга эмаслиги кўринди қолди. Бу сафар олиш одатига кўра «ит йиқилиш» бўлганидан баковул уларни қайта олишга чорлади.

Шу пайт ўртадаги «бўлди, бўлмади»ни айтадиган баковулни бош баковул олдига чорлаб қулоғига бир нарсаларни шивирлади.

Бу воқеадан сўнг курашнинг фирромлик билан тугаши шундоқ кўриниб турарди. Давла Нобирбекни йиқитгач, бутун юртга овоза бўлиб, четдан келган бирорта полвон номдор полвонларни йиқитиб кетмаслиги тайин этилгани Давлага аён эмасди. У бор вужуди билан ҳалол олишни ўйлаганди.

Баковул Маҳкам полвонга имо-ишора билан уни курашга ундади-да, бош баковулларга қараб қўйди. Давла рақибига шердек ташланди. У бу сафар бош баковуллар ўтирган жойга яқин бориб курашга тушди. Рақибнинг ҳар икки ёқасини қўшиб тутиб, орқа томонидан оёқларига қўшша беришга улгурди. Маҳкам полвон бу усулни кутмаганиданми чалқанча тушаман деган ўйга ҳам бормаган эди. Ер чангиб қолди. Маҳкам полвон эса икки елкаси билан тупроққа беланиб ерда ётарди. Баковуллар сиридан воқиф бўлмаган камбағал эл полвон Давла полвонни олқишлай бошлади! Баковулнинг қўллари тушириш ишорасини кўргач, жимиб қолишди. Алқисса, Давла полвоннинг рақибини йиқитгани бекор бўлди, фирромлик қўл келган рақиб елка чангини ҳам қоқишни унутиб Давланинг ёқасидан олди. Давла аччиқ аралаш рақибини кўтариб кетиб, бош баковуллар чордона қуриб ўтирган жойгача борди-да, берироқда Маҳкам полвонни ташлаб юборди. Бу сафар ҳам гўё Давла кўполик қилганда айбланиб, йиқитгани бекор қилинди. Давла миқ этмасдан чиқиб кетаркан адолатпеша одамларнинг норозилигини кўриб юраги эзилди. Лекин бу ердан ҳақ олиб кетолмаслигига кўзи етган эди. Улар озчилик бўлганидан ҳожат ҳам йўқ эди. Гўё Давла рақибидан қўрққан, қойил бўлди қабилада иш тутилиб Маҳкам полвонга от соврини берилди. Давла ҳақиқий ғолиб бўлса-да, мағлублик аламини тортар, рақиб эса юзсизларча отни ўртадан етаклаб ўтди...

Курашда ҳафсаласи пир бўлган аламнок Давла шериклари билан келган йўлларига бир-бир босишиб боришарди...

Улар ноҳақликдан диллари хуфтон бўлиб қанча юришганини аниқ билишмади-ю, ўртадаги жимликни биринчи бўлиб Зирил бўлди.

— Эй, энангни... Қуруқ қайтаришди-ей! Номардлик ҳам эви билан-да! Ёки олдинги тўйдаги полвонни йиқитганингиз алам қилдимикан-а?! Билмадим? Нима бўлса-бўлди! Ҳа майли, ишқилиб тинчгина бола-чақанинг олдига етсак бўлгани, — деди Давла сал босиқ овозда.

Зирилнинг авзойи бузилган эди. Шундоқ катта тўйдан икки қўлини бурнига тикиб қайтаётгани алам қилди. Олдинги тўйда эса бурнимни тикмай, кейинги тўйларда олган совринлардан оларман деган ўй билан тундаги тиллони олмай, Давланинг ўзига сийлов қилганди. Бу сафар эса...

У узоқ ўйлаб хаёлига келган фикрни Давлага билдирди.

— Полвон бир иш қилмаймизми? Шунча йўлдан келиб қуруқ қайтамизми, а?!

— Нима қил дейсан?

— Шундоқ кечувга яқин жойда дуч келган, молми, йилқими, ишқилиб...

— Ҳа, сенларнинг ниятингни тушундим... Бўлиб қочсак дейсанларда-а? Шундайми? Билиб қолса нима бўлади? Бошларинг шу бетда қолиб кетсинми? А?!

Зирил бошқа қайтиб гапирмади-ю, лекин тўйдан қуруқ қайтгандан кўра ҳам, йиқитса ҳам ҳақ бермагани алам қилди. Ҳақ бермаса ҳам номардлик қилмаганда эди... Шулар ҳақида ўйларкан, бир кўнгли Зирилнинг гапига юрсамми деб ўйлади. Бундан олдинги тўйларда бунчалик хўрланмаган эди. Зирил яна гап очганида Давла зарда билан деди:

— Бор, билганларингни қилинглар! Лекин билиб қўй, билиб қолса ҳар ким ўз жонини қутқаради! Уқтингларми?!

Зирил розилик олгач, итдек сакраб тепама-тепа у ён-бу ён қаради, узоқларда ўтлаб юрган бир гала йилқини кўриб яйраб кетди.

— Мана, бизга йилқи бўлса ҳам бўлади. Аламимизни олсак бўлгани. Ўзларидан кўришсин, шундайми, полвон?

— Мен сенларга нима дедим. Мен қўлимни урмайман. Агар қўлларингдан келса...

Зирил ирғишлаб шериги билан заранг таёқни қўлига олиб, ўтлашиб юрган йилқи уюри сари дадил одимлашди. Улар иштонини липпа уришиб, яктагининг иккала ўнгирини белбоққа қайиришган эди. Мирохур буларнинг авзойини сезиши билан уларнинг вазоҳатидан қўрқди шекилли, тагидаги отни йўртириб қишлоғи сари қочиб қолди. Зирил таёқ ташлаб йилқиларнинг бир четидан ажратди-да, дарё

қирғоғи тарафга ҳайдашга тушди. Йилқи кўп эмасди, сони нари борса ўн беш- йигирматага борар-бормас эди. От боқарга етказган хабардан сергак тортган овулнинг йигитлари отли-пиёда «ўғри кетди, ушланглар!» дейишиб, изидан тушишганда, улар ўн чақиримча йўл босиб, олди-ортига қарамай боришарди. Отнинг айғирини минган дўлвори йигит теварагига бир тўда шоввозни олиб изидан тушди. Лекин от туёғидан кўтарилган чангдан на йилқилар, на одамлар кўри-нарди-ю, Зирил шериги билан кучини борича чопишар, Давла эса орқароқда йўртиб борарди. Отлиқлар тобора етиб кела беришди. Шунда омади чопмаган Зирил шериги билан жулғунзор оралаб қочадиган бўлди. Йилқилар эса ёлғиз Давлага қолди. Давла ўзининг нимага қодирлигини бир кўрсатмоқчи бўлди, шекилли шундай йўл тутди. Отлар галаси туёғидан тупроқ отиб ирғишлаб борар, ундан кўтарилган чангдан эса Давланинг афти-ангорини таниб бўлмасди. Бу сафар Вахшнинг кечувига тўғри келмади. Давла дарёнинг шундай соҳилига яқинлашиб қолганда, йилқиларни қувлашдан тўхтади. Йилқиларни озод қўйди. Аслида унинг дарди йилқимасди. Аламидан шундай йўл тутганди. Айғир минган шоввоз шериклари билан бир чақирим жойга етиб келгунча Давла дарёга сакрашдан ўзини тийди. У ўзини орқага олди-да, қўлидаги заранг таёқни дарёнинг нариги соҳили сари ирғитди, сўнгра ўзини ўқдек отди. Изидан келган отлиқлар бир йигитнинг ҳаётига зомин бўлдик дейишиб кўзларини қўллари билан беки-тишди. Бироздан кейин кўзларини очиб қарашса, улар таъқиб қилган йигит таёққа суянган ҳолда, ҳеч нарса кўрмагандек нариги соҳилда қаққайиб турарди. Қўлига қамчи тутган шоп мўйлов ҳайратдан қамчили қўлларини ёқасига олиб борди.

— Ёпирай! Қанақа қилиб ўтдикан-а?! Вийй, бу баччағарнинг боласи худонинг кўримикун?! Одам тирик қолади деб ўйламайсанлар-ей!..

Улар отлардан тап-тап ташлашиб Давланинг ирғишлаган жарликнинг тепасидан қарашди. Пастда пўртана сув ҳайқириб оқарди, уларнинг эс-ҳуши оғай деганди...

— Ҳой, газзар! Худо ҳаққи сенга тан бердим! Агар қайтиб ўтиб, шу ҳайдаб келган йилқиларни дарёдан оширсанг ҳам бир нарса десак онамиз талоқ, — деди отлиқлар олдида айғир минган гавдалиси.

— Аслидаку, менга ҳеч қандай йилқи-пилақининг бир тийинга кераги йўқ, — бу гапга жавобан деди Давла. — Лекин курашда қилган ғалабамни тан олишмагани учун шу ишни қилиб эдик. Агар шу йилқиларни у соҳилдан-бу соҳилга ўтказиб юборганларингда ҳам мен назар кўзимни солмайман.

Мана биз кетдик деганича, отлиқлар Давланинг кўрсатган жасоратидан қойил бўлиб орқаларига қайтишди. Йилқилар эса Давла қув-

лаб келган жойида қолаберди. Улар ўзаро бир-бирига ўғри кўриб бунақасини ҳали кўрмаганини оғиз кўпиртириб бири олиб, бири қўйиб сўзлаб берарди. Шерикларини ташлаб қочишган Зирил билан шериги алақачон жулғунзорнинг ичига ўзини уришиб, ярим йўлда қолиб кетишган бўлса, алақачон териларига сомон тиқилиб, боши ўлимда бўлиши тайин эди. Шулар ҳақида хаёл суриб, Давла атрофга қоронғилик чўкканда Оқтош элининг қорасини кўрди. Агар қўлга тушмай тирик қайтса барибир Зирил билан кўришармиз, деган хаёлга борди. Давла энди бундай иш билан дарё ортига бормасликка онт ичди.

## ДАВЛА ТОАТ-ИБОДАТДА

Давланинг шовурини билган қозикдаги тўриқ кишнаб юборди-ю, уйдагилар Давла келганидан хабардор бўлишди.

Гулойим кейинги пайтларда тунларни бедор ўтказадиган одат чиқарганди. Туппа-тузук топишли-тутишли эрининг алақажоқларга кетиб қолиши кўпдан ваҳшини келтирар. Бу ҳақда на онасига, на ака-укаларига оғиз очмасди. Улар шундайга ҳам буқдан хабарлари бор эди. Давла Зирил билан дарё ортига номаъқул борганидан пушаймон эди.

— Э, укасини... Ҳаммасига мен керак. Менинг орқамдан бойлик орттирсам дейишади. Бориб бўпман. Ҳаммасига тупирдим.

— Бормайман десангиз боғлаб олиб кетишармиди. Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз! «Болам бор эди, қозикда отим бор эди», деган ўй сизда бўлмаса.

Гулойим билан ўртасида кўпдан сақланган ҳарир пардага дарз кетди. Кўнгли ўксиган Гулойим кўзига ёш олиб эрини койиган бўлди. Давла бировларнинг ҳавоий гапларига учганидан пушаймон эди. Шунинг учун ҳам Гулойимнинг гапларига ҳам бақириб бермади. Гулойим эрининг ҳаддан зиёд толиққанини кўриб, ортиқча гап ҳам кўзгамади.

Давланинг қайнатаси раҳматли унча-мунча панд-насихат қилиб турарди. Давла кўпни кўрган қайнатасидан ўтиб, ортиқча ишларга қўл урмас, оқсоқолни худди ўз отасидек кўрарди. Тўнғич Ширин эскичада тузуккина савод чиқариб, ота-онанинг қўлидан ишини оладиган бўлиб қолганди. Ҳамза ҳам элтанг-телтанг акасининг изидан юриб кетди-да, онасига ёрдам берадиган бўлган, Завра эса ҳали бешиқда. Ширин халитдан отасидек курашга қизиқади. Кўпкарини кўрса жонини бергандек, кўни-қўшниларнинг ўғилларини тўплаб ёлғондакам кўпқари ўйини ўйнайди. Сўйилган улоқ терисини у ёқдан-бу ёққа ўзаро йўлқиллашиб кўпқарида кўрганларини такрорлашади.

Давла эса энди Зирилга қўшилмаслик учун онтида турди-да, уйда тинчгина дўмбира чала бошлади. Беш маҳал намозини ўқиб турди.

Дўмбира чалишда ҳам унинг олдига тушадигани йўқ. Унинг дуруст-гина бахшичилик санъати ҳам бор эди. Шунинг учун ҳам дарёдан:

*Менинг отим Давладир,  
Тол таёғим жавладир.  
Шундан ирғиб ўтмасам,  
Бундан ўлганим авладир.*

Термасини дарёдан ирғишдан олдин бамайлихотир айтганда, изидан таяқиб этувчилар шунчаки галварсликка йўйишган эди. Дарёдан ирғишлаб таёқни бағрига босиб тургач эса, Давла ҳақидаги хом-хаёллари тумандай тарқаб, унинг кимлиги маълум бўлган эди. Ўқ отилганда қизиқ устидан унинг ҳоври билинмагани билан орадан фурсат ўтиб, нимага қодирлиги маълум бўлганидек, Давланинг дарёдан ирғишлаб кетгани бутун элатга ёйилди. Унинг чавандозлигидан, паҳлавонлигидан, пойгачилигидан хабари бор, лекин етти газ масофани писанд қилмасдан ирғишлаб кетишидан хабари бўлмаганлар, ёқа ушлашиб «ёпиррай, худо берса кишига ҳар нарсадан берар эканда. Давла етти-саккиз газ масофадан ирғишлаб омон қолибти-ей!» дейишарди. Бунга кўпчилик ишонқирамай, у ирғишлаб кетган жойга ҳам бир неча бор бориб келишди. Улар ёқа ушлашиб «ё алҳазар, астаффирилло!» дейишдан нарига ўтишмади.

Йилқи бўлишда бош бўлган Зирил шу алпозда шериги билан жулғунзор ичига ўзини уриб, жон сақлаб қолди. Улар Давлани қувлашиб келганлар изидан кузатиб туришди-да, жон сақлашдан ўзгага ярашмади. Изидан тушганлар овулларига қайтиб ўтгач, бир амаллаб кечувдан иштон-кўйлагини дамга тўлдириб ўз юртига қайтишди. Зирилга қуруқ қайтгани алам қилди. Ўлжани қўлдан бермаслик учун улар билан теппа-тенг олишмагани юрагини ўртарди. Ўша кунги йилқиларни қўлдан чиқаргани учунми ёки кейинги пайтларда Зирилинг ови бароридан келмаганиданми, бир кун келиб Давлага гинахонлик қилди. Бундан кейин бундай «хунар» иш бермаслигини айтиб, Давладан Зирил балого қолди.

— Ҳали сизга ишониб-а? Сизни бир кунимга жорайди деган эдим... — деди Давланинг ўтовидан жўнаб кетатуриб.

Давла энди бундай иш билан шуғуланмаслигини дангал айтиб, умидини уздирди. Зирилинг ўйлаган режаси сароб бўлганидан алами келди.

— Яна бир олдиндан ўтаман, шунда ҳам йўқ дейдиган бўлсанг, сен билан орани очик қиламиз, — деди Зирил бир гал Давлани сансираб, уйга келганини ит қопмас дейдилар, ҳар ҳолда Зирил унинг бўсағасини босиб турибди. Шунинг учун Давла ўзини босиб, бирор ножўя гап айтишдан ўзини тийди.

— Дўстона келиб-кетабер, лекин бу иш билан мендан мурувват кутма! Сен билан бизга энди бу ишлар ярашмайди, билдингми?! — деди Давла қатъий.

Зирил ғудрана-ғудрана йўлига равона бўлди. Шу алпозда кунлар ўтаберди. Давланинг бир-биридан ширин, бир-биридан ўктам ўғиллари кураш-кўпкаридан қуруқ қайтмайдиган бўлишди. Шунинг учун эл айтса керакда, бўрининг боласи бўри, тулкининг боласи тулки бўлади деб. Шу кетгандан Зирил ўша Абдишукур чўпон тўдасидаги қароқчилар галасига борди. Аслида ҳам унинг ўзи ўша тўдадан бўлиб, қароқчиларнинг найрангига юрмай, бир пайтлар ажралган. Давлани тутиб бериб, эски аразни ёзиш учун ўша тўдани топиб олди.

— Ий-я! Бу занғар Зирил ҳаромику? — деди ўғрибоши Шодмон, — буни бу ерларга ажал ҳайдаб келдимикан ё... Бирор иш билан келдимикан.

Қароқчилар тўдаси Зирилни кўришиб қизғин гурунгда тўхташди. Зирил занғар бу сафар ҳам бир тақал тўқиб ўзини оқлайди-ёв! — деди ўғрилардан бири.

— Улар бараварига хиринглаб кулишди. Ўғрибошининг афти ангори ўзгариб, ёғлик қўлини латта сочиққа артган бўлди. Унинг кўзлари бежо йилтирарди.

— Агар бу гал ҳам тилёғламалик қилса, энағар ўзидан кўрсин! Аввал қўйсак ҳам, энди қутилиб бўлти!

Зирил ҳадик аралаш қароқчилар тўдасига бир-бир босиб яқинлашди. Бекликдан худди эркин ҳаракат қилиш инъоми Давлага берилгани хабари қароқчилар қулоғига етган бўлиб, ундан наф кўришни яна бир бор режалаштирган қароқчилар галаси нима қилишини билмай юрганда, Зирилнинг унинг дастидан дод-вой қилиб келиши айни муддао бўлди.

— Ҳали шундай дегин! Ундан нима сабабдан қайтдинг? Сурув-сурув қўйни қўшқўлаб бермагандандир, ҳойнаҳой?! Барибир, сендақага ишонки қийин. Мол-дунё турганда на дўстни, на ошна-оғанини биладигандан яхшилик чиқмайди.

Ўғрибошини ишончи йўқолганидан Зирилнинг ҳар гапни бўлиб, «Давлани ушлаб бераман», «Давланинг бошини думалатаман», деган гаплари шунчаки эрмақдай туюлди.

— Хўп, сенинг гапига ишонмайлик ҳам, қандай қилиб Давлани бу ерларга бошлаб келасан? Ахир у бизни эшитса етти газ ошиб қочса?

— Найранг биланда, тақсир! Аввал шунчаки ўзим бир бораман. Унамагач, биронта йигитни ийлаб бекликдан сизни чорлапти, сизни эшик оға этиб бек тайинларкан дейилади. Устига-устак олдинги галдаги зиёфатдан чаласи боркан, дейилади. Вассалом!

## НАЙРАНГА ИШОНДИ

— Давлабой, дўстим! Ўтган ишга саловат! Энди ҳаммасини бош-қатдан бошласак. Янгитдан бир гуруҳ тузсак, унга сиз бош бўлсангиз. Қўлингизни урманг, фақат бизга бош-қош бўлсангиз бўлгани.

— Мен сенга нима девдим. Бу ҳақиқий эркакнинг иши эмас. Шу ишни ташлаб эркакчасига иш қилайлик. Ахир, ким газарликдан наф топибди?! Бу ишнинг охири вой! Уқдингми?

— Бўлмайдими, шуйтиб? Шу замонда ким тўғри? Тўғри билан ўғрининг мозори бошқа-бошқами?..

— Бор-е, ишингни қил! Агар шу ишда сенга аст қотсам, дўстлик ҳам бекор бўлсин.

Зирилнинг қароқчиларга берган ваъдаси бўлмади. У Давлани кўндираман деб ҳаммасини ишонтирган эди. Кўп кунлар қароқчилар тўдасига боролмай тентираб юрди. Зирилнинг Давлага тилёғламалиги амалга ошмагач, найранга ўтди. Кўпдан Денов беклигида хизмат қилувчи Туроб исми йигит билан Зирилнинг ораларида яқинлик бўлиб, кўп жойда бир-бирларига яхшилиги ўтган эди. Қароқчилар тўдасига кўпдан боролмай юрган Зирил учун янги найрангдан ўзга йўл йўқ эди. Қароқчибоши унга Давлани қўлга тушириб бермасанг, ўзингни гумдон қилишга мажбурмиз, деган қатъий гапни кўндаланг қўйгани ҳар қадамда унга тинчлик бермасди. Бу ерлардан кетиб қолай деса, бошқа борадиган очик гўрнинг ўзи йўқ эди. Зирил Туробни амаллаб бекликдан қидириб топди. Туроб унинг рангидаги совуқликни кўриб ҳайрон бўлди.

— Тинчликми?!

— Ҳе, нимасини сўрайсан! Бир ишда сен керак бўлиб қолдинг!

— Нима иш экан? Билсак бўладими?

Зирил уни четга тортди. Бекликдаги айғоқчилар Зирилни таниб қолгудек бўлса, Туробнинг бекликда қолиш-қолмаслиги ҳам гумон эди.

— Биласанми? — деди Зирил муҳим сирни ошкор этаётгандай, Давла борку, илгари бекликка ҳам келиб, пойгада ҳунар кўрсатиб, хаммани қойил қолдирган.

— Ҳа? — деди Туроб хавотирланиб.

— Ана шу зангарни қўлга туширишим керак! Мен қароқчилар тўдасига сўз бериб эдим. Режам амалга ошмай, кўпдан уларнинг кўзига кўрина олмай, киргали гўр тополмай юрибман. Биласанми, Туроб ҳақни насия қилмаймиз.

— Қандай қилиб? У ахир одамзоднинг кучи етмайдиган бир балой-ибат бўлса, мен уни қандоқ қилиб сенларнинг қўлингга топшираман.

— Ҳа, бунинг йўли оппа-осон! Бекликдан сизни шу топда чорлаб қолди. Ҳозироқ бормасангиз бўлмас экан, дейсан-қўясан. Агар кўна бермаса бек олдинги сафар бир муҳим гапни айтишни унутган экан

дейсанда, эргаштириб қароқчилар қароргоҳи устидан бошлаб борасан. Биз эса у ерда ҳозир-нозир бўлиб турамыз, вассалом!..

Зирил Туробнинг ичига илон бўлиб кирди-да, ахири найрангига кўндирди-қўйди...

\*\*\*

Давла сўнги пайтларда уйдан кам чиқар, атай бирор жойга айт-дирмаса боришга ҳам унчалик тоби йўқ эди. Бўш вақтини тоат-ибодатга бағишлар, баъзан-баъзан яқин атрофларда бўладиган курашларга баковул бўларди.

Пешин пайти қозикдаги тўриқ от доира чизиб айланди-да, бошини сарак-сарак қилиб кишнаб юборди. У қозикдан шу томонга келаётган бегона сипоҳини кўрган эди. Шоҳи адрас тўн кийган бу йигитни Давла қаердадир кўргандек бўлди. Сипоҳи от юганини тортар экан, оёғининг узангидан узмай «Д-и-и-ир» деди. Давла туяжун чакмонини елкасига илиб унга томон бир-бир босиб борди.

— Ассалому алайкум, полвон ака! — деди йигит қамчи тутган қўлини кўксидан олмай.

— Ваалайкум ассалом! — дея алик олди Давла. Улар қўл бериб кўришди.

— Мен сизга бекнинг бир гапини етказай деб келиб эдим, — деди чопар ғоят мулойимлик билан. У ҳам бўлса ўша пойгада кўрсатган жасоратингиз ҳануз бекнинг хаёлидан ўчмабди, шекилли! Ўшанда бир муҳим гапни айтишни режалаштирган экану, бироқ сарой ишлари ҳалал бериб, фаромуш қолган экан.

— Хўш? — деди Давла босиқлик билан.

— Алқисса, ўша гапни айтиш учун бек сизни саройга эртагаёқ чорлаб турибди. Бориш-бормаслик сизнинг ихтиёрингизда, полвон ака! Мен бир етказувчиман, холос!

Улар эртаси куни бирга борадиган бўлишди. Туроб тунни Давланикида ўтказди. Улар кеча бўйи наридан-бери суҳбатлашиб, намоз вақти отланишиб йўлга тушишди.

## ДАВЛАНИНГ ҚАРОҚЧИЛАР ЧАНГАЛИДАН ҚУТИЛИШИ

Нияти бузуқ Туроб Давлани тўғри йўл туриб, сўқмоқ йўлдан бошлади.

— Нега энди тўғри йўл қолиб, сўқмоқдан бошладингиз, иним? — деди Давла бир хавфни сезгандай бўлиб. Туроб пинак бузмай сўзида давом этди.

— Биласизми, полвон ака? Ҳув қирнинг нариги томонида яқинларим, қариндошларим яшашади. Улар чарвадор. Ахир ўз оёғим билан келганда уларнинг ҳолидан бир хабар олмасам кимман ахир?! Сиз қаршилиқ қилмасангиз бир майдонлик гап-да! — деди муғомбир йигит, кўзига Зирил тўдаларининг берадиган тилло тангалари кўриниб.



Давла бир пайтлар қароқчилар тўдаси қўлига тушиб, зўрға қутилгани ногоҳон хаёлига келди. Улар тепалиқдан ошган ҳам эди икки ўтов ёнма-ён тикилиб, ташқарида қозон осилган. Атрофда эса аёллар эмас, негадир эркаклар ўралашар эди. Давла алданганини сезди. От бошини орқага қайириб қочиб кетса, балки қутилиб ҳам кетармиди. Лекин ор-номус устун келиб, йигитлик ғурури йўл бермади. Қирқ йил қирон келса, ажали етган нобуд бўлармиш... Яратгандан ўзга паноҳ йўқ энди, деди ўзига-ўзи.

Икки уй одамга лиқ тўла бўлиб, улар орасида сурбетлик билан ўтовдан отилиб чиққан Зирилни дарҳол таниди. Демак, бу муғомбир йигитнинг сотқин эканлиги аниқ равшан бўлди-қўйди.

— Ҳе, энангни... Ҳаромидан бўлган! Агар тирик қайтсам, бекликдан терингни шилитиб, калангни тўп қилиб тептирсам...

Давла от устида қаллоб йигитга бургутдек ташланди-да, қамчи билан пешонасига қўйди. От ҳуркиб кетиб, йигит отдан телпақдек учиб ерга ёпишиб қолди. Шу пайт Давланинг орқа тарафидан кимдир калтак билан жонҳолатда урди. Қуршовда қолган Давла билан қароқчилар ўртасида чинакам жанг бошланди. Қароқчилар бу гал ҳам кўпчилик қилишди. Давла харчанд уринмасин, таёқ зарбидан ўзига келолмай йиқилди. Унинг аъзойи бадани зирқирар, бошидан қон сизарди. Кимдир қилчакмоннинг ўнгиридан ушлаб, уни дустаман (дустаман - танани ағдариш) қилди. Қароқчилар сардорининг буйруғи билан унинг қўла-оёғини танғиб боғлашди.

— Бу нима қилганларинг?! Ахир мен сизларга нима ёмонлик қилдим? — дея Давла дарғазаб бақирди.

Илгариги шашти қайтганидан надомат чеқди. Қароқчилар ичида Самад исмли йигит бўлиб, уларнинг орасига адашиб қўшилиб қолганди. Қандай қилиб қочилишни билмай юрарди. Самад шу пайтда ўтин теришга кетиб, бу ишлардан йироқда туриб хабар топди. Давлани қийнашаётганини билган Самад ўтинга ҳам қарамай тўппа-тўғри Оқтошга эниб бориб, Давланинг қайноғаларига бу хабарни етказди. Бундан хабари йўқ қароқчилар ўтинга кетган Самад қаёққа гумдон бўлдийкан, дея орқасидан сўкишар, у эса ҳадеганда кўрина бермасди.

— Ҳей, энағар Давла газарей! — деди қароқчилар бошлиғи оёқ-қўли боғлиқ Давлага ўқрайиб қараб. — Сен бизни лақиллатиб қочганинг ёдингда бордир-а? Мана энди лақиллатиб бўлсан! Икки кўзингни ўйиб, бошингни қарға-қузғунга ем қилмасак...

— Билганингни қил! — деди Давла қўлини қилчилвир қийиб бо раётганига ҳам парво қилмай.

— Ҳали шунақами?! Ҳалидан ҳам кўрқмайман, де?! Эй, хумпарей! Охирги бора сўрайман. Бизга бош бўлиб, Авғондан йилқи-пода уриб келиб берасанми, ё йўқ?!

— Мен бу ишни қилмайман, деб неча марта айтишим керак!

— Нега қилмас экансан?! Илгари Зирил билан шу ишни қилиб, энди сўпи бўлдингми?!

— Илгари ҳам қилмаганман! Ҳозир ҳам қилмайман!

Шу пайт Темирбек бош тўда Оқтошнинг яланг тепалик тарафдан қуёндек ёпирилиб келиб қолганини қароқчилар тўдаси сезмай ҳам қолди. Маст-аласт, очик-сочиқ пириб ётган ўғрилар галасига бир нарса тегди. Ўтовда қўл-оёғи боғланган ёлғиз Давла қолиб, бошқа жонзот жонҳолатда ташқарига отилган эди. Давланинг қуловига отларнинг кишнагани-ю, таёқларнинг қарс-қурс овози келарди. Қароқчиларнинг худди инига сув кетган сичқондек чинқиришгани эшитиларди.

— Эй, биродарлар! Мусулмонмисизлар! Бўлди қилингилар энди, тавба қилдик! Ана уйда Давла деганларнинг. Соппа-сов, ўлдирганимиз йўқ-ку ахир! — деган қароқчилар сардорининг ялингани Давланинг қуловига келди. Улар таёқ зарбидан ялиниб-ёлворишга ўтишганди.

— Сенларни бир бошдан каллаларингни олиш керак! Сенларнинг дастингдан бева-бечораларнинг қўй-эчкиси қолмади! Одамлар бу даштларда эркин юролмаса, бировнинг қизи, бировнинг хотини қолмаса...

Давланинг тўнғич қайноғаси Темирбекнинг гапини бошқалар тасдиқлаган бўлишди.

— Буларни шу бутун бирёқди қилиш, бекликка ҳайдаб бориб тавбасига таянтириш керак. Бўлмаса яна шу қабих ишларини давом эттирверишади, — деди кимдир. Хуллас, уларнинг барчасини мол-мулки билан ҳайдаб олиб бориб бекликка топшириладиган бўлишди.

\*\*\*

Ҳамманинг гашига теккан қароқчилар тўдаси тугатилибди, деган хабар тезда бутун юртга ёйилди. Эшитган борки, қароқчиларга қирон келтирган Темирбек бошлиқ йигитларни алқашди.

Қароқчиларнинг сўнги хуружидан қутилган Давла бир неча кун иситмалаб ётди-да, баҳорга бориб тузалиб кетди. Шунда ҳам бошидаги таёқ изи тўлиқ битмади. Ширин ва Ҳамза фарзандлари бири сув олиб келадиган, бири ўтин келтирадиган бўлиб эси кириб қолганди. Энди уларнинг тарбияси билан шуғулланадиган фурсат етган эди. Шундай бўлди ҳам...

## ДАВЛА ПОЛВОН ЭШОН ҲОЖИ ХИЗМАТИДА

Умрининг ярмидан кўпини киндик қони тўкилган — Хўжамулкидан йироқда ўтказган Давлаполвон энди қолган умрини ўз юртида давом эттиришга азму қарор қилган эди. Ундаги чеки йўқ куч-

райратни эшитган Эшон Ҳожи одам юборди. Қотмадан келган, серсоқол чол Давлаполвоннинг томирлари бўртиб чиққан қўлларидан, ҳали кексаликни бўйнига олмаган миқти гавдасидан кўз узмай гап қотди.

— Эшон Ҳожи табаррук одам! Шундоқ ҳам уйда хизматкорлари бисёр. Лекин ёшларга иш кўрсатиб, унисини уйт, бунисини буйт дейдиган бир одам керак. — Эшон Ҳожи оқсуяк, ўқимишли инсон бўлса, кўнгли ҳам шунга яраша бўлади. Ул зотнинг хизмати уддасидан чиқа оламанмикан?

— Эшон бобомиз сизга ишонади, полвон.

Улар биргалашиб йўлга тушишди. Бу одам Эшон Ҳожининг Қодирқул исми ҳалфаси бўлиб, келган меҳмонларни кузатиш, унчамунча ишларни битказиш ҳам шу одамнинг қўлидан келарди. Бу сарфар ҳам шундай бўлди.

Улар атрофи эндигина пахса девор билан айлантирилаётган кенг ҳовлининг эшигидан бош суққан ҳам эди, эшон таҳорат олиш учун ҳовли этагидаги ҳолироқ жойга ўтаётган экан.

— Ассалому алайкум! — дея Давла ўнг қўлини кўксига қўйди.

Эшон Ҳожи бошини қимирлатган куйи ҳозир келаман ишорасини қилди. Юз-кўзини оқ шохи қийиқда тўсиб олган пошшойим хизматкорларидан бирига буюриб, улкан чинор тагидаги сояга жой ташлашни айтди. Давлаполвон офтобада қўлини чайиб, қип-қизил духоба кўрпачага чордона қуриб ўтирди. Тезда ўртага дастурхон ёзилиб, буғдой унининг бўрсилдоқ нони келтирилди. Шу пайт калта-калта йўтала-йўтала Эшон Ҳожи таҳоратдан қайтди. Давлаполвон эринмай ўрнидан туриб, эшон билан қўл бериб кўришди. Бир зум Ҳожининг юқорига ўтишини кутиб тик туриб қолди. Эшон Ҳожи юзига фотиҳа тортаркан, замоннинг тинч бўлишига, қандайдир «қизиллар» дастидан юртадаги алғов-далғовлар тезроқ барҳам топишини назарда тутиб, бир калима муқаддас оят ўқиб, сўнг ният қилди.

— Хўш, — деди Эшон Ҳожи Давлаполвонга юзланиб, — сизнинг ўз юртингизга қайтганингизни эшитиб, бу ерга мен чорлаган эдим. Давла жойлашиброқ ўтирди-да, давом этаверинг ишорасини қилди.

— Шу десангиз биз бир чорбоқ қилаётган эдик. Мана шу ҳовлининг гир атрофи девор бўлиши керак! Шу ишда бош-қош бўлиб турсангиз, ёшлар ўзлари ишини эплашади.

Давлаполвон қўлини кўксига қўйиб гап бошлади:

— Шу пайтгача юриш-туришдан армоним қолмаган эмас, тақсир! Кўпқари ҳам чопдим, беҳисоб курашдим ҳам... Энди эса қолган умримни тоат-ибодатда ўтказсам деб эдим... Агар сиз, тақсиримиз хизмат буюрсалар йўқ дермидик...

Ҳашар кўпдан буён давом этар, Эшоннинг ҳовлисидан меҳмонларнинг кети аримас, гоҳ кунда, гоҳида кунора қўй сўйиларди. Давлаполвон эса пахса деворга лой пиштаётган йигитларга ўз ёшлигидан сўзлаганда, эртакка, афсонага айланиб кетган воқеалардан қойил қолганидан усталар қўлидаги лой гоҳида тушиб кетарди. Давлаполвон кўрсатган жасоратларига ишонқирамаган усталар зимдан унинг елкаси оша разм солар, у ҳам етмагандек «уч эшакни қатор қилиб устидан ирриганингиз бекор-ов!» деб қўйишарди гап орасида. Лекин Давлаполвондаги ғайрат, шижоат, ундаги ўктамликни кўриб, уста йигитларнинг ишонмасдан иложлари ҳам йўқ эди.

Бир сафар паст бўйли қотмароқ йигитнинг пахса лой узатишидан кўнгли тўлмаган Давлаполвон ҳалиги йигитни бир қўллаб кўтариб, оёғини ердан узиб, лойхандақдан сиртга чиқариб қўйганини кўриб, ҳазил-ҳузилини ҳам ўйлаб қилишадиган бўлишди. Ранги-рўйи оқарган йигит ўшандан бери Давлаполвондан ўзини олиб қочадиган бўлди. Кўпинча кимнинг қандайлиги овқат маҳалида аён бўларди. Қатиқ ивигилган кадини боши узра кўтариб, сипқариб қўйиб, изига товоқдаги қайнатма шўрвага бир нонни тўғраб еб, паққос туширган Давлани кўрган йигитлар ўз овқатлари совиб қолгунга қадар анграйишар, ҳайратдан ёқа ушлаларди.

Бир кунни нимаям бўлди, йигитлардан бири қаердадир курашиб шеригини бир қўлда юдуз санатганини айтиб мақтаниб қолди. Бу гап елкаси ер ўпмаган Давла полвонга оғир ботди.

— Қани ука, хўп десанг, биргина қўл ушлаласак! Йиқитсанг заррача кўнглимга олмайман. Ёши ўтган экан, кексанинг ёқасини тутиш гуноҳ деб ўтирма! Олишишда отангни ҳам аяма деган гап бор.

Елкадор, қўллари чайиргина бу йигит ҳам дурустгина кураш тушарди. Лекин ном чиқариб, элни оғзига қаратганини ҳеч ким эслаёлмайди. Шундоқ бўлсада бундан хабар топган Эшон Ҳожи ҳам томоша қиладиган бўлди. Кураш эса кечки пешин пайтига мўлжал қилинди. Давлаполвон эса худди катта тўйдаги курашдагидек тўнининг икки ўнгири учини белига қистирди. Лапанглаб озроқ ўйин ҳам кўрсатгандек бўлди. Бутун ёш-яланг, қари-қартанг томошага йиғилишди. Ҳалиги йигит чаптастлик қиламан деб, Давлаполвоннинг ёқасини ушлаганини билади, у ёғини эса... Ўзи ҳам сезмай қолди.

Ўша кунги курашда елкаси билан гурсиллаб тушган уста йигит катта гапидан уялиб, бир кечада ҳақини ҳам олмай қаёққадир ғойиб бўлди. Эшон Ҳожининг дилини хира қилмаслик мақсадида эртаиндин битай деб қолган пахсадевор устачилигини Давлаполвон ўз бўйнига олди. Унинг девор уришидан қониққан Эшон Ҳожи мийиғида кулди.

— Полвон, йигитга етмиш ҳунар оз дейишади. Сизнинг ҳунарин-  
гиз етмишдан ошар-ов! Уста йигит айтиб қўйган бир овиз гапидан  
уялиб қочганда, девор чала қоладиган бўлди-да, деган хаёлга бориб  
эдим. Полвон бу ишингиз барчасидан ўтиб тушди. Илойим, доимо  
омон бўлинг! — деди Давлаполвоннинг ишидан кўнгли тўлиб, унинг  
хақиға дуо қилди.

## СУРОНЛИ ЙИЛЛАР ТАЪҚИБИ

Юртда келди-келди ўрис келди, деган узун-юлуқ гаплар тезда  
ҳақиқатга айланиб, жойларда кўнгили ватанпарварлар ҳаракати бош-  
ланиб кетди. Халқнинг кўплаб мард ўғлонлари бир кечада ғойиб бўлар,  
кўрдим-билдим деган гапни эса ҳеч ким айтмасди. Бу хилдаги гаплар  
Давланинг ҳам қуловига етди. Айниқса, Давладек билагида куч-қув-  
вати бор, бир вақтлар одамларнинг диққатини ўзига қаратган киши-  
ларга бундай гаплар тез таъсир қилар, ҳадеганда олдига солиб ҳай-  
даб кетадигандай, бола-чақаси етим қоладигандай юрагини куйди-  
рарди. Умри яйдоқ ўтган, ҳеч бир кимса «пишагини пиш» демаган  
Давлаполвон бу гапларни эшитиб Эшон Ҳожининг қирқи ўтгач, бу  
даргоҳга боришни ҳам тўхтатди. Беш вақт намозини қанда қилмай,  
сажда қилиб турар, баъзида қишлоғида бўладиган тўйларнинг кура-  
шига баковул ҳам бўларди.

Узоқ сафар қилган қишлоқдошлари Давлаполвон ҳақида ҳар хил  
гап топиб кела бошлашди. Гўё Давлани қизиллар қидириб юрганмиш,  
агар тутиб олишса, босмачилар етакчиси сифатда азоблаб ўлдира-  
миш... Бу гаплар қанчалик чин ёки ёлгон эканлигини кутиб турадиган  
вақт эмаслигини барча биларди. Бу орада Давлаполвон ўзи билган  
кечувдан ўтиб, дарё ортига ҳам бир бора бориб келди. Унинг назари-  
да дарё орти гўё тинч-осойишта туюлиб, ҳар ҳолда қизиллар ҳамла-  
сидан йироқдай эди. Устига-устак қизилларга яхши кўриниш мақса-  
дида қишлоғидан ҳам икки қўллаб, уни тутиб топширадиганларнинг  
борлиги орқаворотдан маълум эди. Давланинг кекса дилига ғашлик  
тушди. Унинг ўй-хаёллари ўзига бўйсинмай, бетизгин ҳар томонга  
олиб қочди. Ё ҳаёт, ё мамот...

Таваккал қилиб Ҳамза, Ширин, Завра исмли фарзандларини,  
Гулойимдек ёстиқдошини қолдириб, ўзга юртларга кетиш Давла  
учун ўлим билан баробар эди. Лекин қулоғи тагида ҳар дақида  
жаранглаётган гап-сўзлар уни телбанамо қилиб қўйганди. У энди  
нима қилишини, бу ғариб бошини қайга уришни билмас эди. Ни-  
ҳоят, ўйлай-ўйлай бир қарорга келгандек бўлди. Ажаб кўргулик  
бўлдики, у дарё ортини танлади... Аслида у бунақа йўл тутмаслиги  
мумкин эди. Уни очикча ҳеч ким таъқиб қилмаган. Лекин ишонч-

сизлик, юрдаги вала-қовур шундай йўл тутишга мажбур қилди уни.

Давла туни билан мижжа қоқмади. Тонгга бориб кўзи илиниб туш кўрди. У баланд қоялар узра учиб юрганмиш. Қаёқдандир Эшон Ҳожи пайдо бўлиб, кўлларини дуога ёзиб Давлага оқ фотиҳа бермоқчидай у томонга оҳиста-оҳиста қадам ташлармиш. Давла ҳам у томонга юрман деб харчанд ҳаракат қилармиш-у, бироқ қадами орқага кетармиш. У алаҳсиб уйғонди.

Кўзларини бир зум юмиб, кўрган тушини эслаб қолишга уриниб кўрмоқчи бўлди. Кекса дилида титроқ туйди. Эшон Ҳожининг руҳи безовталигини кўнглидан ўтказди.

Давладаги ўжарлик, гапида қатъий туриб олишлик устун келди. Юртидаги адоғи йўқ талотўплар унинг гашига теккан эди. У таваккал деб уйдан бош олиб чиқиб кетди. Энди унинг қарори қатъий эди. Лекин бир нарсани етарли ўйлаб кўришга, қалбдан идрок қилишга бардоши ожизлик қиларди. Бир кун келиб суяги ўзга юрда қолиб кетишини, ис-чироқ қилувчи бирор кимса топилмаслигини ўйлаб кўрмаган эди. Давла сўнги бор ўзи туғилиб ўсган қишлоғига маъжус тикилди. Кўзларидан юм-юм ёш тўкилди. Хўрсинди. Қишлоқдошларига билдириб кундузи шу ишни қилганида бутун улус уни бу йўлдан қайтариб, ялиниб-ёлвориши тайин эди. Минг афсуски, у дарё ортига ўтишни тунги пайт амалга оширадиган бўлди.

Қаршисида мавжланиб оқаётган дарё жим эди. Дарёга тил битиб, қани энди Давлаполвон бу шаштингдан қайт, охиратингни ўйла деса. Афсус, ундай бўлмади... Давла бир зумда юртни тарк этди. Шу йўлни танлаб ўзи ҳақидаги гап-сўзлардан қутулмоқчи бўлди, шекилли. У кечувдан амалаб ўтиб олгач, тепаликка чиқиб ортига қаради. Ҳу, дарёнинг у томонида она юрти поёнсиз ястаниб ётарди. Боботоғ ортидан эса оппоқ тонг отиб келарди. Давла бир чуқур уҳ тортиб хўрсинди-да, йўлга равона бўлди...

### ДАЛФАЛИ УМР ИНТИҲОСИ...

Муҳтарам китобхон! Асли келиб чиқиши, туғилган жойи Хўжамулки бўлган паҳлавон Давла ҳақида ҳар хил бир-бирини тўлдирувчи, баъзида инкор қилувчи ҳайратомуз гапларни, ҳикояларни кўплаб эшитдим. Лекин уни кўзи билан кўрган, курашини томоша қилишга муяссар бўлган биргина табаррук отахон қумқўрғонлик Чориполвон бўлиб чиқди. Мулло Чориполвон бобомиз ҳам Давлаполвоннинг раҳматли акаси Аллаёр полвон билан кураш тушганини бир-икки бор ёшлигида кўрганини, бироқ унинг бутун умрини қамраб олувчи маълумотларни етарлича билмаслигини айтиб қолдилар. Ҳозирги кунда

бу табаррук отахон тўқсон баҳорни қаршилаб бандачиликни бажо келтирган.

Бундан ташқари Давла полвон ҳақидаги воқеаларни ҳар жойдан эшитиб юрган яна бир отахон «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигида яшаб ўтган марҳум Болтабобо ҳам бир пайтлар айтиб кетган. Ўғли жуғрофия муаллими Муротали акадан кўп маълумотлар олишга мушарраф бўлдик. Чунки бобо ҳаётлигида давраларда гапирганида ўғли ҳам бир чеккада туриб эшитганини айтди...

Бундан ташқари Жарқўрғон тумани, Норали Боймуродов номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Давлаполвоннинг тўнғич ўғли Ширинбекнинг набираси Ойнахол момодан ҳам қисман маълумотлар олишга эришдим. Момо анча кекса ва касалмаңд бўлишига қарамасдан Давла бобоси ҳақида қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб берди.

Бу асарнинг юзага келишида воҳамизнинг истеъдодли шоири, таниқли журналист Менгнор Олмуродовнинг кўрсатмалари, унинг кундалиги қўл келди. Бу кундалик асосида шоир жуда ажойиб телеочерк ҳам қилган эди. Мени Давла полвон ҳақида ёзишга ундаган нарса ҳам ана шу телеочерк бўлди.

Хўжамулки қишлоғилик Бекбой бобо (Бекбобо ҳам дейишади) ҳам ўз эшитганларини ҳикоя қилиб бердики, шулар асосида «Паҳлавон Давла» деган қисса яратилди. Тўғри асар айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмасдир. Бироқ ҳарна бўлсада, номи эл ичра дoston бўлган, элимизнинг асл фарзандлари ҳаётини рўёбга чиқаришдаги илк қадамлардан биридир...

Асар қаҳрамони Давлаполвон умрининг интиҳоси ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Кўплар Давлаполвон ўз юртида кўзи ожиз бўлган, жарга қулаб вафот этган дейишса, кўпчилик катта сувдан (Амударёдан) ўтиб кетиб Афғонда ўлган дейишади. Лекин изланишлар шуни кўрсатадики, юртимизга қизиллар бостириб келган кезларда кўплаб ҳамюртларимиз ватанларини тарк этиб, уларнинг зулмидан қочиб ўзга юртларга кетиб қолишган.

Давлаполвоннинг кейинги ҳаётини асарнинг иккинчи китобида ҳикоя қилиш мўлжалланди. Ҳаракат ҳам бошланган. Албатта, шу воқеа қисса Давла ҳаётини тўлақонли ёритиб беради, деган гап тўғри келмас. Асар эълон қилинган, жиддий тортишувлар, фикр-мулоҳазалар ҳам бўлиши табиий. Асарнинг юзага келишида ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаган кўплаб истеъдод эгаларининг номлари тилга олинди. Муаллиф бундай фидойи инсонларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Асарнинг нечоғли ўқишлигига баҳо бериш муҳтарам китобхоналаримиз, диди баланд ўқувчилар ҳукмига ҳавола.

1990–1997 йиллар

3000 сўм.

## МУНДАРИЖА

Бўронполвон уйига қайтди.....	3	Давла ҳам кўпкарида голиб.....	35
Ойимсулув ўғил кўрди.....	4	Кураш.....	37
Бешик тўйидаги кўпқари.....	6	Оқсоқол хотини билан кенгашди.....	39
Йўлбарс келди.....	7	Совчилар куруқ қайтишди.....	40
Давлат аразлади.....	8	Никоҳ тўйи.....	42
Давлатнинг хизирга йўлиқини.....	9	Давла пойгада голиб.....	44
Бўрончавандоз улоқчи отнинг бўғзига пичоқ урди.....	11	Қароқчилар қуршовида.....	46
Чавандознинг ўлими.....	12	Давла она юртида.....	50
Давлатнинг йўлбарсга дуч келиши.....	14	Тўриқ қашқа минган чавандоз.....	51
Давлатнинг бош олиб кетиши.....	15	Тантилик.....	53
Давлат ҳокимбойнигида.....	17	Давланинг дарё ортига сафари.....	57
Давла ёрдамчи чўпон бўлди.....	18	Бекликдаги номардлик.....	60
Бойга жудолик.....	24	Паҳлавоннинг дарёдан ўтиши.....	63
Давла сурувни бойга қайтарди.....	26	Давла тоат-ибодатда.....	68
Давла ҳакимбойнинг дуосини олди.....	27	Найранга ишонди.....	71
Оқсоқолнинг хонадонига.....	30	Давлани қароқчилар чангалидан кутилиши.....	72
Давла курашда голиб.....	30	Давла полвон Эшон ҳожи хизматида.....	74
Давла ўз юртида.....	34	Суронли йиллар таъқиби.....	77
		Далғали умр интиҳоси.....	78

*Агабий-бағиий агабиёт*

**ОЛЛОНаЗАР УЛУҒОВ**

**ПАҲЛАВОН ДАВЛА**

**қисса**

*Муҳаррир Ф. Раззоқова  
Дизайнер-рассом Ҳ. Ёқубов  
Мусаҳҳиҳ Н. Атабаева  
Саҳифаловчи С. Пўлатов*

Лицензия рақами № 217, 03.08.2012 й. Босишга 2013 йил 31 октябрда рухсат этилди. Бичими 60×84<sup>1/4</sup>. Офсет қоғози. BalticaUz гарнитураси. Шартли босма табоғи 5,0. Адади 200 нусха. Буюртма № 56.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ, Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. Эл. почта: istiqlol-nashr@mail.ru.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.